

74.261.8

T-98

ADABIYOT O'QITISH METODIKASI

- ✓ badiiy asar tahlili
- ✓ qadimiy so'z talqini
- ✓ talqin, sharh va izohlar
- ✓ lug'at va ma'no



FF0000014961

Б. Тўхлиев

АДАБИЁТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

(Амалий машғулотлар)

Ўзбекистон Республикаси
Ўқув-тарбия вазирлиги

~~Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi~~

У-7273

3762

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSKENT
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Тошкент — 2011

Боқижон Тўхлиев.

Адабиёт ўқитиш методикаси (амалий машғулотлар) олий таълимнинг бакалаврият босқичи талабаларига мўлжалланган. Унда дастурда кўзда тутилган мавзулар бўйича амалий машғулотлар мазмуни қамраб олинган. Қўлланмадан талабаларгина эмас, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари, шунингдек, аспирант ва тадқиқотчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:

Қ. Йўлдошев, п.ф.д., профессор

Такризчилар:

М. Мирқосимова, п.ф.д., профессор

Н. Жабборов, ф.ф.д., профессор

Ушбу ўқув қўлланмаси Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

1-машғулот.

Асарни образлар тизими орқали ўрганиш. Образларга сингдирилган маъно ва мазмун. Образлар таснифи

(А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» асарлари мисолида)

I. Дарснинг мақсади: Талабаларнинг бадиий асарни образлар тизимига кўра таҳлил қилишга оид билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг шу йўналишдаги кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Талабалар билиши керак:

- бадиий образ моҳияти, уни ўқувчиларга ўргатиш йўл ва усулларини;

-бадиий асарнинг образлари таҳлилида назарий маълумотлардан фойдаланишни;

- бадиий матнга таянган ҳолда асардаги образларни тавсифлашни ва уларга муаллифнинг муносабатини аниқлашни;

- эпик, лирик, драматик турлардаги асарларда намоён бўладиган образларни бир-биридан фарқлашни;

- ўқувчиларга асарлардаги образлар ҳақида муаллифларнинг бадиий ниятларини ҳисобга олган ҳолда оғзаки ва ёзма мулоҳаза билдиришлари учун шароит яратиб беришни;

- ўқувчиларга «Адабиётшунослик терминлари луғати», «Имло луғати» сингари қўлланмалар ҳамда зарурий илмий адабиётлар билан ишлашни ўргатишни.

Талабалар бажара олишлари керак:

- ўқувчиларни бадиий образ табиатини таҳлил қилишга йўналтира олишни;

- ўқувчиларга насрий асарнинг бирор лавҳаси ёки қаҳрамонга доир парча асосида оғзаки ва ёзма равишда қисқа ҳамда кенгайтирилган режа туздириш;

- шу режага таянган ҳолда асар қаҳрамонлари табиатини илғай ва изоҳлай олдиришни;

- уларга дарслик-мажмуадаги ва синфдан ташқари мустақил равишда ўқилган китобдаги маълумотларни умумлаштиришга оид кўникма ва малакаларини узлуксиз ҳолда ривожлантиришни;

- турли луғатлар ва бадиий асарлардан фойдаланишни.
Муҳокама қилинадиган масалалар:

1. Бадиий асардаги образлар тизимини аниқлаш.

2. Уларни аниқлаш йўллари.

3. Таълимнинг турли босқичларида бадиий асар образлари устида ишлаш йўллари.

Машғулотга тайёрланиш:

1. А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» асарларини яна бир марта ўқиб чиқиш.

2. Мазкур асарлар ҳақидаги адабиётшуносликда мавжуд бўлган тадқиқотлар билан танишиш.

3. Адабиёт ўқитиш методикасига алоқадор бўлган дарслик ва қўлланмалардан мавзуга оид материалларни ўзлаштириш.

4. Қуйидаги китобларнинг тегишли саҳифаларини конспектлаштириш:

1) Қ.Йўлдошев. Адабиёт ўқитишнинг илмий- назарий асослари. Тошкент, Ўқитувчи, 1996.

2) М. Мирқосимова. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. Тошкент, Фан, 2006.

3) Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма, Т.: Янги аср авлоди, 2006.

Дарснинг бориши:

Талабаларнинг мустақил ишлари:

Талабалар эътиборини мавзуга қаратиш учун тахминий саволлар:

- Образ деганда нимани тушунамиз?
- Бадиий асардаги образлар мантиқини ким белгилайди?
- Бадиий асардаги образлар тавсифида нималарга эътибор бериш керак?

· Бадиий образ тасвирида муаллиф нуқтаи назари қандай аниқланади?

· Умумий ўрта таълим мактаблари учун адабиётдан такомиллаштирилган дастур билан танишиб, унда айрим асарлардаги образлар билан танишиш тавсия этилган бандлар мазмунини ўрганиш. Бунинг учун қуйидаги саволларга жавоб олиш талаб қилинади:

1. Дастурда бадиий образларнинг қайси жиҳатларини ўрганишга кўпроқ эътибор берилган?

2. Дастур талаблари дарсликларда қай тарзда акс этган?

3. Дарсликлардаги образлар таҳлили ва талқини ҳақида нималар дея оласиз? Уларнинг ўзи билан кифояланиш мумкинми? Нима учун?

М. Мирқосимованинг «Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари» монографиясидаги «Эпик асардаги қаҳрамон образи устида

ишлаш» қисмини ўқиб чиқинг. Бу ҳақида ўз мулоҳазаларингизни билдиринг. (М. Мирқосимова. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. —Тошкент, Фан, 2006, 58-59-бетлар.

Мазкур мулоҳазалардан конкрет бир асар таҳлилида қандай фойдаланиш мумкинлигини изоҳлаб беринг.

Методист олим Қ. Йўлдошев шундай ёзади: «Қаҳрамонларни ҳаётий воқеалар оғушида кўрсатиш хусусияти эпик асарларда инсоний кечинмаларни тасвирлар жараёнига жойлаш имконини беради ва ўқувчидан бу сезимларни илғаб олиш талаб қилинади. Адабиёт ўқитувчиси ўз ўқувчиларида айна шу малакани — эпик асар замиридаги бадиий маънони илғай олиш ва мантиқий хулосага кела билишни шакллантириши муҳим вазифа ҳисобланади». (Қ. Йўлдошев. Адабиёт ўқитишнинг илмий- назарий асослари. Тошкент. «Ўқитувчи», 1996 йил, 127-бет.)

1. Ушбу мулоҳазани қандай тушунасиз, изоҳлаб беринг?

2. Уни амалий жиҳатдан 5-, 6-синфларда, шунингдек, академик лицейларнинг 1-, 2-, 3-босқичларида ўрганиладиган асарлар мисолида исботлашга уриниб кўринг.

3. Қ. Йўлдошевнинг «Ўқитувчи китоби. 7-синф «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуаси юзасидан методик қўлланма. — Т.: Ўқитувчи, 1997» китобида «Равшан» достонининг таҳлили ҳам берилган. Уни ўқиб, асарнинг образлар тизими ҳақидаги муаллиф мулоҳазаларини кузатинг. Унга таянган ҳолда ўзингиз мустақил тарзда «Равшан» достонининг образлар тизими» мавзусидаги иншонинг кенгайтирилган режасини тузинг.

4. 7-синфда Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясини

ўрганиш учун 2 соат вақт ажратилган. Улардан бирида асарнинг образлар тизимини таҳлил қилишга бағишланган дарснинг қисқача конспектини тузинг.

5. Лирик, эпик, драматик асарларнинг қаҳрамонларини таҳлил қилиш ҳамма вақт ўзига хос ёндашувларни талаб этади. Буни академик лицейларнинг учинчи босқичидаги адабий материаллар мисолида тушунтириб беринг.

6. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асаридаги образлар тизимини ўрганиш учун турли-туман кўرғазмали қуролларни тавсия этиш мумкин. Сиз қандай шаклдаги кўрғазмали қуролни тавсия этган бўлар эдингиз? Унинг эскизини тавсифлаб беринг.

7. Раънонинг маънавий жиҳатдан бой қиз эканлигини асардан олинган мисоллар билан исботлаб бериш керак бўлади. Шу хислатларни кўрсатувчи кўчирмаларни алоҳида карточкалар ҳолида тўплаб, уларнинг кетма-кетлигини белгиланг. Бунда сиз романдаги кетма-кетликни сақлаб қолдингизми ёки уларни ўзгартирддингизми? Нима учун?

8. Абдулла Қодирий айрим образларнинг ўзига хослигини кўрсатиш учун уларнинг нутқига айрича аҳамият беради. Буни аниқ мисоллар воситасида кўрсатиб беринг.

9. Асарда қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати тасвири устивор мавқе тутаяди. Сиз адибнинг психологик тасвир устаси эканлигига қайси ўринларда амин бўлдингиз? Жавобингизни изоҳланг.

10. Баҳодир Каримнинг «Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин» китобидаги «Бадиият масаласи ва айрим назарий қарашлар баҳси» қисмини ўқиб чиқинг. Унда «Ўткан кунлар» қаҳрамонларига турлича қарашларнинг таҳлили келтирилган. Уларни ўқиб чиққандан сўнг қуйидаги

саволларга жавоб беринг:

а) Ойбекнинг Кумуш, Отабек, Юсуфбек хожи ҳақида айтган «бўяб берилган», «осмон гўзали» деган мулоҳазаларини қандай изоҳлаш мумкин? Бугун ҳам шу баҳода муқим қолиш мумкин деб ўйлайсизми?

б) Ўзбек ойимга турли мунаққидлар томонидан берилган баҳоларни кузатинг. Ўз фикрингизни билдинг.

в) М. Қўшжонов қаҳрамон кайфиятини осмонда учиб юрган қўшларга қарама-қарши қўяди. Бу иш нима учун қилинган? Ундан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари қанақа?

11. «Ўткан кунлар» романининг образлир тизими мавзусига оид кўرғазмали қуролнинг эскизини тузинг. Уларнинг компьютер вариантдаги слайдлари учун материаллар тайёрланг.

«Ўткан кунлар» романида аёллар образи» мавзусидаги иншонинг қисқача ва кенгайтирилган режаларини тузинг.

II.

1-топшириқ.

«Чўлпон «Кеча ва кундуз» устида қизгин ишлаётган, «Кеча» романи ҳали китоб ҳолида чоп этилмаган бир пайтда — 1935 йилда эълон қилинган «Қизиклар» номли бир мақоласида: «Подшоҳлар, султонлар, хонлар ва бекларнинг қамчиларидан қон томган замонларда, **халқ кўпчилиги ўз дардини бир юлғун бачкисига ҳам айта омаган даврларда**, халқнинг оғир аҳволини, мамлакатнинг қора кунларини, кўпчилик фуқаронинг дард ва ҳасратини биронта сарой ёки халқ қизиғи чиқиб ҳазил **йўли билан едириб** юборар эди (таъкидлар бизники — Д. Қ.)» деб ёзган эди... Ўтмиш баҳона

замонасига топиб баҳо берган Чўлпон, айти пайтда, ўзининг ижодий манерасига ҳам ишора қилади, ўқувчиларга ўзининг асарини (асарларини) англаш учун калит беради гўё».

(Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси.— Тошкент, Шарқ, 2004. 115-бет.)

Бу фикрларни асардаги қайси образлар воситасида тасдиқлаш ёки инкор қилиш мумкин. Мулоҳазаларингизни асардан олинган конкрет мисоллар билан асослаб беринг.

2-топшириқ.

Асардаги Зеби, Акбарали, Мирёқуб образларининг ижтимоий-маънавий тадрижини кўрсатувчи жадвал тузинг. Унда ҳар бир образнинг нутқидан, шунингдек, улар ҳақида бошқа қаҳрамонлар билдирган мулоҳазалардан фойдаланинг.

3-топшириқ. Бадиий асарнинг образлар тизими ҳақида қандай режалар тузиш мумкин. Таҳлил қилинаётган асарлар мисолида шундай режалар намуналарини тузинг. Бошқа курсдошларингиз тузган режалар билан танишиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини биргалашиб таҳлил қилинг.

4-топшириқ. «Мирёқубнинг романда тасвирланган вақтга қадар бўлган ҳаёти ҳам тадрижий берилганини сезиш қийин эмас. Шундай экан, Мирёқубдаги эволюцияни анча илгаридан, тахминан, 15 йиллик ўтмишдан бошлаб кузатиш лозим». *(Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси.— Тошкент, Шарқ, 2004. 129-бет.)*

Мазкур фикрларга романдаги тасвирлардан далиллар

келтиринг. Кўчирмаларнинг мантиқий изчилликда эканлигини асослаб беринг.

5-топшириқ. Романда Мирёқуб Акбарали билан муносабатда «маълум роль ўйнашга, ўзининг чин муносабатини юзага чиқармасликка мажбур» ҳолда тасвирланган. Ана шу тасвирлар тадрижини кузатиб, тушунтириб беринг. Фикр-мулоҳазаларингизни романдан олинган далиллар билан асосланг.

6-топшириқ. Мирёқуб Акбарали мингбошининг меросхўрсиз қолишидан жиддий манфаатдор эди. Шундай экан, мингбошига Зебини олиб бериш билан меросхўрлар сафини яна кўпайтириб қўймасмиди? Ўқувчиларга шу муаммони қандай шакл ва усулларда етказиш мумкин деб ўйлайсиз? Мулоҳазаларингизни билдиринг.

7-топшириқ. Куйидаги парчани ўқинг. Диалогга эътибор беринг. Уларга таянган ҳолда асарнинг қайси образларига хос бўлган хислатлар ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин, деб ўйлайсиз?

Товоқ бўшалиб, ўртадан кўтарилди, унинг ўрнига катта чойнакда чой келди. Шундан кейингина мингбошининг гап-сўзга кўчмак истагани маълум бўлди.

— Қани, қиздан гапир энди, бетавфиқ! — деди у. — Отаси нима депти?

— Сиз илгари қизнинг ўзидан гапириб беринг. Қалай, овози маъқул бўлдими?

— Сўраб нима қиласан? Сенга бутун авлиё-анбиёларни шафе келтириб айтаманки, ўша қиз менга насиб бўлса, ундан

кейин хотин олишни бас қиламан!

— Ҳеч кимни шафе келтирмай тура турунг ҳали. Кейинги иккитасини олган вақтингизда ҳам, ҳар сафар «бас энди! Шу — охиргиси!» дердингиз. Бўлмайдиган ваъдаларни тил учига келтирманг, ичкарида тура турсин... Вақти келганда, ваъда бермасдан ҳам биттага таяниб қолсангиз бўлаверади...

— Ишонмаганингни қара, бенамоз! Мен астойдил гапираётирман. Худо битта, сўз битта!

— Ҳўҳ-ҳў!.. Ҳали шу даражага бориб қолдингизми? Бўлган экан!

— Нимасини айтасан. У келса, учовидан ҳам кечмоқчиман. Учовига қайрилиб қарамай, дейман... бор-йўғимни ўшанга берай, дейман...

— Сизга нима бўлди, хўжайин? Ақлингиз жойидами? Ё йўқми?

Мингбоши кўзларида аллақандай бир изтироб бор эди. Унинг оғзидан чиққан сўзлар, тилдагина айтиладиган сўзларга ўшамасди. Мирёқуб бутун умрида кўрилмаган бу ҳол қаршисида шошиб қолди. Яна бир неча марта бошини эгиб, «ҳўҳ-ҳў-ҳўҳ-ҳў» дея такрор қилди.

Орага жимлик чўкди. Фақат Мирёқубнинг чуқур ўйга кетиб, торта-торта чой ичгани эшитиларди. Мингбоши қўлидаги чойни ҳеч бир лузумсиз айлантириб, совутмоқ билан овра эди.

— Ҳўҳ-ҳў! — деди яна Мирёқуб. — Отаси қурғур яқин келмайди-ку.

— А? — деди мингбоши. Чойни ерга қўйиб, бутун вужуди билан Мирёқубга тикилди.

— Сўфиси қурғур ёмон тақводор экан, хўжайин.

— Нима депти?

— Айта берайми?

Мингбоши қичқирди:

— Айтмай нима қиласан! Яширармидинг?

— Умрида пешонаси сажда кўрмаган одамга қиз бераманми? — депти...

Мингбоши негадир «қаҳ-қаҳ» солиб кулди:

— Тоза авлиё экан-ку, — деди. — Бенамозга қиз бермас эканми? А, авлиёси тушкур-ей!

— Ундан кейин, бетавфиқ, бузуқ юрадиган, депти...

Мингбоши яна «қаҳ-қаҳ» солди:

— Сен билан юриб, шундай бўлдим, бетавфиқ! Эпла энди ўзинг. Мен бир иш қилиб оламан қизни! Менга бермай кимга беради?

Шу чоққача зўр бериб алланарсаларни ўйламоқда бўлган Мирёқуб яна чўнтагидан соатини олиб қаради:

— Хўҳ-хў, — деди, — ўн иккига яқинлашиб қолибди. Мен кетдим, хўжайин.

Ўрнидан турди.

— Шошма, — деди мингбоши, у ҳам ўрнидан турган эди.

— Маслаҳат нима бўлди? Отаси бермайди, деб кета бераманми?

Мирёқуб кавишини кийиб, салласини бошига қўндиргач, мингбошига яқинлашди.

— Хотиржам бўлинг, хўжайин! — деди. Овозида жиддийлик, кескинлик ва ўзига ишонч тўлиб ётарди. — Отасини унутамиз, қиз сизники бўлади. Мен ўзим бажараман бу ишни.

Мингбоши унинг орқасига бир-икки марта уриб қўйиб:

— Сенга ишонаман, сенга, йўлворсим, йўлворсим! — деди.

8-топшириқ. Акбаралининг қуйидаги мулоҳазалари билан танишиб чиқинг. У нима учун шундай хулосаларга келмоқда, изоҳлаб беринг:

Ўзи учун Мирёқубдан бошқа чин кўнгилдан куюдиган одам йўқлигини мингбоши яхши биларди. Шу учун унинг бу кунги ҳаракатини сира англаёлмай қолди. Аравасидан тушмай туриб, «Хўжайин, сизни газета урибдилар!» деди, сўнгра ўша газетни (ўша газетнинг ўзини) узатди... Бу нима гап? Тушими, ўнгими? Ё ишонган тоғи ҳам ағдарилмоқчимми? Ё Мирёқуб ҳам бошқа ёқадан бош кўтармоқчимми? Мирёқубсиз унинг кунни кун бўладими? Бу давлатлар, обрўлар, амаллар, катталиклар... ҳаммаси қамишнинг тўзғоғидай бир нафасда тўзиб кетадими? Мирёқуб бурунги Мирёқуб бўлса, то мингбоши ўзи гап очмагунча, бу қора хабар тўғрисида гап очишга ҳам ботинолмаслиги лозим келарди... Албатта, кўнгилларида ҳеч гапни сақламайдирган оғзи бўш одамлар бўлади. Лекин унақа одамларнинг номлари «Мирёқуб», айниқса «Мирёқуб эпақа» бўлмайди. Мирёқубнинг тишлари, ҳар ҳолда, лабларидан кучлироқ-ку! Лабларини тишлари орасига олса, тили ўлгур, бир оз кўмилиб турарди-ку... Фақат Мирёқуб ҳеч бир ишни билмасдан қилмайди!

9-топшириқ. Мирёқуб шу даражага қандай эришган? Мисоллар билан асослаб беринг. Мазкур мисол ва намуналар асосида Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи ҳамда Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonларидаги асосий образлар тавсифи учун материаллар тўпланг.

Айрим образлар тавсифида портрет тасвири, диалог ва

монологларнинг ролини кўрсатиб беринг.

10-топшириқ. Қаҳрамоннинг ўз сўзлари орқали тавсифланишига мисоллар келтиринг.

11-топшириқ. Асардаги образларнинг маънавий дунёсини кўрсатиб берувчи мисол, факт ва далилларни кўрсатинг.

12-топшириқ. Энди қуйидаги саволларга жавоб беринг:

Айрим образларнинг маърифий-тарбиявий аҳамияти ҳақида нималарни айтиш мумкин? Улардаги адиб бадиий маҳорати ҳақида нималар дея оласиз?

13-топшириқ. Адабиётшунос олим Д. Қуроновиқнинг қуйидаги қайдларини ўқинг. Унга ўз мулоҳазаларингизни билдиринг:

«... конкрет асарнинг поэтик хусусиятлари ҳақида фикр юритганда уни юзага келтирган объектив ва субъектив омилларни назардан қочирмаслик лозим бўлади. Шу боис ҳам «Кеча» поэтикаси ҳақидаги мулоҳазаларимизни айна шу омилларни ўрганишдан, асар («текст») нинг кенг маънодаги «контекст»ини тасаввур этишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир»¹.

¹ Қуроновиқ Д. Чўлпон насри поэтикаси.— Тошкент, Шарқ, 2004. 106-бет.

14-топшириқ. Асардаги етакчи қаҳрамонлардан иккитасининг образлари учун материаллар тўпланг. Уларни қуйидаги жадвалга мослаштиринг:

Портрет тасвири	Энг муҳим тасвир воситалари	Қаҳрамонларнинг ички кечинмалари ва тасвири	Улар ҳақида муаллиф нуқтаи назари	Уларнинг уз-ўзлари ҳақидаги мулоҳазалари	Улар ҳақида бошқалар фикри

III. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг образлар тизими таҳлили учун қуйидаги материалларни тайёрланг:

1. Асардаги энг муҳим портрет тасвирларини карточкаларга олинг.

2. Улардан дарс жараёнида фойдаланиш йўллари ҳақида гапириб беринг.

3. Қаҳрамонларнинг бир-бирларига нисбатан билдирган фикр-мулоҳазаларини ўрганинг. Бунда уларнинг қандай хислатлари намоён бўлади.

4. Достондаги диалог ва монологларнинг айрим образлар ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беришдаги ўрни ва аҳамиятини изоҳлаб беринг.

5. Академик лицейларнинг иккинчи босқичи учун «Фарҳод ва Ширин»нинг образлар тизими мавзусида кўргазмаларни тузинг.

6. «Фарҳод образига тавсиф» мавзуси учун иншонинг қисқа ва кенгайтирилган режаларини тузинг.

Талабаларнинг мустақил ишлари учун вазифалар:

1. «Фарҳод ва Ширин» достони асосида қуйидаги вазифаларни бажаринг:

1. Фарҳод образи тавсифи учун материаллар тўпланг.
2. Ширин образи тавсифи учун материаллар тўпланг.
3. Хусрав образи тавсифи учун материаллар тўпланг.
4. Фарҳод ва Хусравнинг қиёсий тавсифи учун режа тузинг.

5. Асар матнидан ҳар тўртала режага муносиб бўлган эпиграфни танланг. Нима учун айти шу эпиграфни танлаганингизни асослаб беринг.

6. Режалардан бири асосида иншо ёзинг.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун Адабиёт дастурида қуйидаги кўрсатмалар берилган: *«Фарҳод ва Ширин» достонининг «Хамса»да тутган ўрни. Фарҳод ва Ширин образларининг таҳлили ва талқини. Улар юксак инсоний фазилатларнинг бадиий тажассуми сифатида. Фарҳоддаги мардлик, жасорат, оқиллик, севгида садоқат ва вафодорлик хислатларининг акс этиши. Ширин гўзал ва оқила малика тимсоли сифатида. Достоннинг бадиий хусусиятлари».*

Ушбу талабларни бажариш учун, хусусан, Фарҳод ва Ширин образларининг тўлиқ ўзлаштирилиши учун қандай топшириқлар берган бўлар эдингиз? Уларни турларга ажратиб, ёзма тарзда баён этинг.

Фарҳод образига тавсиф бериш учун унинг портрети тасвирланган ўринлар ҳам ёрдам беради. Достон матнидан шундай ўринларни белгиланг. Ҳар бир тасвирнинг дастондаги бадиий-эстетик вазифаларини аниқланг.

Ширин тасвирида адиб кўплаб тасвир воситаларидан фойдаланган. Уларни аниқланг, гуруҳлаштиринг ва шифоқларини изоҳланг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Adabiyot (Majmua): Akademik litseylarning birinchi bosqich o'quvchilari uchun. Тузувчилар: В. То'хлиев, В. Abdurahmonova. – Тошкент, 2007.

2. Adabiyot (Majmua): Akademik litseylarning ikkinchi bosqich o'quvchilari uchun. Тузувчилар: В. То'хлиев, R. Mirsamiqova, O. Ametova – Тошкент, 2007.

3. Adabiyot (Majmua): Akademik litseylarning uchinchi bosqich o'quvchilari uchun. Тузувчилар: В. То'хлиев, Т. Shermurodov, Sh. Isayeva – Тошкент, 2007.

4. Баҳодир Карим. Абдулла Қодирий. Танқид, таҳлил ва тилқин. – Тошкент, Фан, 2006. 10-44-бетлар.

5. Дўстқораяв Б. Бир мунозара тарихидан // Шарқ юлдузи, 1989, 6-сон.

6. Исҳоқов Ё. Навоий лирикаси ва янги давр поэтикаси. - // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами,- Тошкент, Фан, 2001. 46-66-бетлар.

7. Зуннунов А., Ҳотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент, Ўқитувчи, 1992, 162-163-бетлар.


8. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари.- Тошкент, Фан, 2007. 22, 24-25, 38-бетлар.

9. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий- назарий асослари. Тошкент. Ўқитувчи, 1996 йил, 117- 146-бетлар.

10. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари.

7273

3762



qazg'antuqum uchun el yama el bo'lti, bo'dun bo'lti».

1. «Кул тигин» ёдгорлигини ўқиб чиқинг. У ерда мафлубиятларнинг сабаблари кўрсатилган. Шу сабабларни аниқланг. Уларнинг қандай ифодаланганлигига эътибор беринг.

Топшириқлар:

1. Адабиёт (Мажмуа)даги қуйидаги парчани диққат билан ўқинг.

Bilga To'nyuquq ban o'zum, Tabg'ach elinda qilintim. Turuk bo'dun Tabg'achqa ko'rur erti. Turk bo'dun qanin bo'lmayin Tabg'achda adirtili, qanlanti. Qanin qo'dub, Tabg'achqa yana ichikdi. Tangri ancha tamish arins: qan bartim, qaningni ko'dub ichikding, ichikduk uchun tengri «o'l» temish, arinsh. Turk bo'dun o'lti, alqinti, yo'q bo'lti. Turk sir bo'dun yerinta bo'd qalmadi, ida tashda qalmishi qo'branib, yeti yuz bo'lti, aki ulugi atlig' erti, bir ulugi yadag' etdi, yeti yuz kishig' uduzug'ma ulug': shad erti, ayag' al tedi, ayag'masi ban ertim – Bilga To'nyuquq, qag'an-mu qisayin tedim, saqintim turuq buqali semiz buqali arqda bilsar, semiz buqa turuq buqa teyin bilmaz ermish, teyin bilmaz ermish, teyin, ancha saqintim, anta kisra tangri bilig' bertik uchun o'zum-o'q qagan qisdim, bilga To'nyuquq, bo'yla bag'a tarqan birla Eltarish qag'an bo'layin, bariya Tabg'achig', o'nra Qitanyig', yiraya O'g'uzug' o'kushak o'lurti. Bilgasi chabisi ban – o'q ertim. Chug'ay quzin Qara qumug' o'lurur ertimiz.

Keyik yeyu, tabishg'an yeyu o'lurur ertimiz, bo'dun bo'g'zi to'q erti, yag'imiz tegra uchoq tegirti. Biz shag ertimiz, ancha

o'lurur erik eli. O'g'uzda antan ko'rug kelti. Ko'rug sabi antag': to'quz o'g'uz bo'dun uza qag'an o'lurti ter, Tabg'achg'aru Qo'ni Sangunug idmish, Qitayng'aru To'ngra Samig idmish. Sab anssha idmish: azqinya turk bo'dun yo'riyur ermish, qag'ani alp ermish, ayg'uchisi bilga ermish, ul eki kishi bar ersar sani Tabg'achig' o'lurtachi terman, bani o'g'uzug' o'lurtachi – o'q terman.

Bani o'g'uzug' o'lurtachi – o'k terman. Tabg'ach, bardanayin teg. Qitany, o'ndanayin teg. Ban yirdantayin tegayin. Turk sir bo'dun yerinta idi yo'rimazun. Usar, idi yo'q qisalim, terman. Ul sabig' eshidib tun udisiqim kelmadi, kuntuz o'lursiqim kelmadi. Anta o'tru qag'anima o'tundum. Ancha o'tundim: Tabg'ach, O'g'uz, Qitany, bu uchagu qabasar, qaltachi biz, o'z ichi – tashin tutmishteg biz. Yuyqa irkilig tapulg'ali uchuz ermish, yinchga irkilig uzgali uchuz, yuyqa qalin bo'lsar, tapulg'uluq alp ermish, yinchga yo'g'an bo'lsar, uzguluk alp ermish. O'ngra Qitanyda, bariya Tabg'achda, quriya Qurdanta, yiraya O'g'uzda eki – uch bing sumuz, keltachimiz barmu ne Ancha o'tuntum.

Qag'anim ban o'zum bilga To'nyuquq o'tuntuk o'tunchumin eshidu berti, ko'nglungcha uduz – tedi. Ko'k o'ngug yo'g'aru O'tukan yishg'aru uduztum. Inigak ko'lga To'g'lada O'g'uz kalti.

Susi uch bing ermish, biz eki bing ertimiz, sungushdumiz, tangri yarliqadi, yanydimiz, o'guzka tushdi. Yanyduq yo'lta o'lti kuk. Anta o'tru o'g'uz ko'pin kelti.

Kelurtum – o'k Turk bo'dunug' O'tukan yerka: ban o'zum Bilga To'nyuquq O'tukan yerig qo'nmish, tayin eshidib bariyaki bo'dun, Quriyaqi, yiryaqi, o'ngraki bo'dun kelti.

Eki bing ertimiz biz eki su bo'lti. Turk bo'dun o'lurg'ali, Turk qag'an o'lurg'ali, Shantung baliq (q) a, taluy o'guzka tegmish

yo'q ermish. Qag'anima o'tunup, su eltdim.

Shantung baliqqa, taluy o'gzuka tegurtum, uch o'tuz baliq sidi. Usin buntatu yurtda yatu qalur erti. Tabg'ach qag'an yag'imiz erti. O'n o'q qag'ani yag'imiz arti.

Artuq Qirgiz kuchlug' qag'an yag'imiz bo'lti, o'l uch qag'an o'nglashub Altun yish uza qabsalim, temish, ancha o'glashmish, O'ngra Turk qag'ang'aru sulalim, temish, ansha o'glashmish, O'ngra Turk qag'ang'aru sulalim, temish, angaru sulamasar, qachan angirsar ul bizni.

Qag'ani alp armish, ayg'uchisi bilga ermish, qachan angirsalar, o'lurtachi kuk, uchagun qabsar sulalim, ani yo'q qisalim, temish.

Turgash qag'an ancha temish, baning bo'dunum anta erir, temish. Turk bo'dun yama bulg'anch ul temish. O'g'uzi yama tarqanch ul, temish. Ul sabin eshidip, tun yamaudusiqim kalmiz erdi, o'lursiqim kelmas erti, ancha saqintim... sulalim tedim.

Ko'gman yo'li bir ermish, tumish teyin. Eshidip, bu yo'lun yo'risar yaramachi tedim, yerchi tiladim, cho'lg'i Az eri bultum...

...O'zum qari bo'ltim, ulug' bo'ltim. Nang yerdaki qag'anlig' bo'dunqa ebun tugi bar ersar, ne bungi bar ertachi ermish.

Turuk Bilga Qag'an elinga bitidim ban bilga To'nyuquq. Eltarish qag'an qazg'anmasar, yo'q erti ersar, ban o'zum, bilga To'nyuquq, qazg'anmasar, ban yo'q ertim ersar, Qapag'an qag'an Turuk sir bo'dun yerinta bo'd yama, bo'dun yama, kishi yama yo'q ertashi erti.

Eltarish qag'an, bilga To'nyuquq qazg'antuq uchun Qapag'an qag'an Turuk sir bo'dun yo'ridiki bu... Turuk bilga qag'an Turuk sir bo'dunug' igidu olurur.

Энди қуйидаги топшириқларни бажаринг:

1. Матндаги қийин сўзлар луғатини тузинг. Изоҳталаб сўз ва тушунчаларни аниқланг.

2. Уқувчилар учун албатта изоҳланиши керак бўлган сўз ва тушунчаларни белгиланг.

3. Матнни маъноли мантиқий қисмларга ажратинг.

4. Уларнинг ҳар бирига сарлавҳалар топинг.

5. Тасвирдаги ўзига хосликларни муайянлаштиринг.

6. Матнда қўлланган асосий тасвир воситаларини белгиланг. Уларнинг бадиий-эстетик вазифаларини аниқлаб, изоҳланг.

7. Матндаги «*Keyik yeуu, tabishg'an yeуu o'lurur ertimiz*» ифодаси нима мақсадда қўлланган?

8. «Қадимги туркий обидаларда ватан ва ватанпарварлик мадҳи» мавзусидаги иншонинг қисқача ва кенгайтирилган режасини тузинг. Мазкур иншога ёдгорликнинг ўздан камида иккита эпиграф танланг. Танлов сабабини изоҳланг.

1. Академик лицейларнинг 1-босқичи учун яратилган дарсликдан Маҳмуд Кошғарий ва унинг «Девону луғот ит-турк» асарига бағишланган қисмларни конспектлаштиринг.

2. Дастурни кўриб, асарни ўрганишга оид талабларни дафтарингизга кўчириб олинг. Мажмуадан дастур талабларига мос бўлган шеърий парчаларни топиб, таҳлил қилинг.

3. Академик лицейларнинг 1-босқичи учун яратилган Адабиёт мажмуасининг «Девону луғот ит-турк»ка бағишланган қисми билан танишиб чиқинг. Уларнинг

луғатларини алифбо тартибида ёзинг.

4. Қуйидаги тўртликни ифодали ўқинг. Ундаги тасвир воситаларини ҳамда улар бажараётган вазифаларни тушунтириб беринг: Изоҳ берилмаган сўзларни луғатдан топиб, уларнинг маъносини аниқланг. Шеърдаги мазмуннинг юзага чиқишига ёрдам бераётган лексик, стилистик, композицион унсурларни изоҳланг:

Bulnar meni ulas¹ ko'z,

Qara meniz² qizil juz.

Andin tamar tugal tuz³,

Bulnap⁴ jana ul qachar.

Bu mast ko'zli (seviklim) porloq yuzidagi yoqimli qora xoli bilan meni asir qiladi. Xuddi (go'zal) yonoqlaridan shirinlik tomayotganday meni asir qiladi-da, so'ng mendan qochadi.

5. Қуйидаги тўртликнинг вазн ва қофия хусусиятлари ҳақида нима дейсиз? Бу хусусиятларни ўқувчиларга ўргатиш учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?

Endik⁵ kishi titilsun,

El toru⁶ yetilsun,

Toqli bo'ri jetilsun,

Qazg'u yema savilsun.

1 Ulas – yoqimli, o'ziga tortuvchi, xumor

2 mengiz – x ol

3 tuz – to'g'rilik, yoqimlilik

4 bulna – asir qilmoq, qo'lga olmoq

5 endik – aqlsiz, ahmoq

6 el-to'ru – alolat, qonun-qoidalar

Qilichimiz bilan qayg'uni ochaylikki, ahmoqlar yo'lga tushsinlar, mamlakat (ishi) tuzalsin, qo'zilar bilan bo'rilar (xavfsiz) birga yursinlar, bizdan qayg'u-g'am yo'qolsin.

6. Матнни ўқинг. Ундаги ҳар бир сўзнинг ўз ва кўчма маъноларини аниқланг. Матннинг ҳозирги ўзбек тилидаги табибли ҳақида ўйлаб кўринг. Унга қандай тўлдириш ва тузатишлар киритиш мумкин деб ўйлайсиз? Унинг мавзусини аниқланг. Шеърдаги қофия ва вазн хусусиятларига оид мулоҳазаларингизни айтинг:

Turlug chechak yarildi¹,
Barchin² yazim³ kerildi⁴,
Uchmaq⁵ yeri ko'ruldi,
Tumlug⁶ yana kelgusuz.

Bahorni ta'riflab aytadi: har turli chechaklar ochildi, xuddi (sernaqsh) ipak gilamlar yozilganday. Jannat yeri ko'rildi. Sovuq hech qaytib kelmas darajada havo isidi.

7. Куйидаги тўртлик нисбатан қадимги даврлардаги ҳаёт ҳодисалари билан алоқадор ҳолда тасаввур қилинади. Бунинг сабаблари нималарда деб ўйлайсиз? Фикрларингизни далиллар билан асослаб беринг.

Yigitlarig ishlatu,
Yig'ach yamish⁷ irg'atu⁸,
Qulan keyik avlatu,

1 yarildi – ochildi

2 barchin – ipak

3 yazim – yoziladigan (yoyiladigan) narsalar: gilam, kiygiz v.b.

4 kerildi – yoyildi, yozildi

5 uchmaq – jannat

6 tumlug' – sovuq

7 yamish – meva

8 irg'at – silkitmoq, qoqmoq

Bazram¹ qilib avnalim.

O'yin-kulgini tasvirlab deydi:

Yigitlarni ishlatib, daraxt mevalarini qoqtiraylik, turli yovvoyi hayvonlar (qulon) va boshqalarni ovlating, bir necha kun bayram qilib yayraylik.

8. Қўйидаги парчаларни ўқинг, уларни ўз мавзуларига кўра қандай гуруҳларга ажратиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

Jaratti jashil jash²,
Savurdi o'rung qash,
Tizildi qara qush,
Tun, kun uza yurkanur³.

Osmonni ta'riflaydi: tangri osmonni feruza rangida ko'm-ko'k qilib yaratdi. Yulduzlar bilan bezadi. Urukka ko'z qo'ygandek, qosh oq uruk uchun ishlatiladigan tosh — mezon yulduzi (turkcha qora qush) unda tuzildi. Kecha bilan kunduz bir-birining ustiga qoplanadi.

Igladi⁴ mening azaq,
Ko'rmazib o'g'ri tuzaq⁵,
Ikladim⁶ andin uzaq,
Emlagil emdi tuzaq.

Yashirin tuzoqni ko'rmas, mening oyog'im ilindi, uzoq vaqt qiynalдим, ey seviklim, endi o'zing davola.

Qizil, sarig' arqashib⁷,
Jepkin, jashil juzkashib⁸,

1 bazram — bayram

2 jash — feruza rangli tosh, osmon rangi

3 yurkanur — qoplanmoq

4 igladi — ilindi

5 tuziq — tuzoq, dom

6 ikladim — dardli bo'ldim, kasallandim

7 arqashib — aralashib

8 yuzkashib — bezamoq

Bir-bir kero' yo'rkashib¹,
Yalinguq² ani tanglashur.

Qizil, sarig' gullar bir-biriga suyanishib, yashil rayhonlar bir-biri bilan o'ralashib ko'rinadi. Ularni ko'rgan kishi tang qoladi, hayron qoladi.

Yalvin³ aning ko'zi,
Yelkin⁴ aning o'zi,
Tolun ayin yuzi
Yardi mening yurak.

Sevgilisini maqtab shunday yozadi: uning ko'zi kishi (ko'nglini) ovlaydigan sehrgardir. O'zi musofirdir, yuzi to'lin oydur. Qarash bilan u meni otib, yuragimni yordi.

Yay ko'rkinga inanma,
Suvlar uza tayanma.
Esizligig anunma,
Tilda(n) chiqar ezgu so'z.

Bahor ko'rkiga, uning rang-barang gullariga, chiroyliligiga ishonma, undan yaxshilik umid qilma. Suvga tayanma, shunki dunyo ne'matlarining shirinligiga, bahor go'zalligiga suyangan kishilar suvga suyanganlar kabidir. Yomonlikka otlanma, tilingdan doim xalq sendan minnatdor bo'ladigan yaxshi so'zlar chiqar.

Yaruq yulduz tug'arda
Uznu⁵ kelip baqarman
Satulayu sayraship
Tatlig' unun qush utar⁶.

1 yo'rkashib – o'ralib, o'ralashib

2 yalinguq – kishi, inson

3 yalvin – schrli

4 yelkin – musofir

5 uznu – uyg'onib

6 utmoq – sayramoq

Yorug' yulduz tug'ar vaqtida uyqumdan uyg'onib, daraxtlarga qarayman, qushlarning shodlantiruvshi yoqimli sayrashlarini tinglayman.

Biligni irdadim¹,

Bo'guni² uzurdum³

O'zumni azirdim

Yalg'il⁴ atim yazlinur.

Ilm-u donishni istadim. Ilmli, donishmandlarni qidirdim. O'zimni odamlar orasidan ayirdim. Buning uchun oq yolli o'tim yechiladi.

Ko'ngul kiming bolsa qali joq chig'ay⁵

Qilsa kuchun bo'lmas ani to'q baj.

Ko'ngli och, yo'qsil bo'lgan kishini kuch bilan to'q, boy qilish mumkin emas.

Bulmish⁶ nengig⁷ seversan

Aqrun angar sevingil.

Barmish nengig saqinma

Azraq angar o'kungil.

Bor molingni sevasan, unga kamroq sevin, shunki u sendan (qo'lingdan) chiqib ketishi mumkin. Qo'lingdan ketgan narsa uchun qayg'urma, unga ozroq achin. Chunki achinish senga (qo'ldan ketganni) qaytarib bermaydi.

1 irdadim – izladim

2 bo'gu – dono, donishmand

3 uzurdum – qidirmoq, izlamoq

4 yalg'il – oq yolli

5 chig'ay – kambag'al, bechora

6 bulniish – qo'lga kiritilgan

7 neng – narsa, mol, mulk

Kelsa qali qatig'liq ertar¹ teyu seringil².

O'zlak³ ishin bilip tur anchaangar tirangil.

Senga tashvish va alam yetsa? O'tib ketar deb sabr qil. Dunyo ishlarini bilib turishga tirish. Har qanday kulfatni o'zingga olib, joningni qiynama.

I. Қўйидаги марсияни ифодали ўқинг. Унинг жанр хусусиятларини аниқланг.

ALP ER TO'NGA MARSIYASI

*Alp⁴ Er To'nga o'ldimu,
Esiz⁵ ajun qaldumu,
O'zlak o'chin aldumu,
Amdi yurak jirtilur.*

*O'zlak yaraq kuzatti,
O'g'ri tuzaq uzatti,
Beglar begin azitti
Qachsa qali qurtulur*

*O'zlak kuni tavratur
Jalnguq kuchin kavratur
Ardin azin savritur
Qachsa taqu artulur.*

1 ertamoq – o'tib ketmoq

2 serinmoq – sabr qilmoq, o'ylamoq

3 o'zlak – dunyo, olam

4 alp – botir, qahramon, alp

5 esiz – yomon, yovuz

*O'grajuki mundag' o'q
Munda ajun tandag' o'q
Atsa ajun og'rab o'q
Tag'lar bashi kartilur.*

*Atsa o'qin kazgarib
Kim turany jig'dashy
Tag'ig' atub og'rasa
O'zi qoji jurtilir.*

*Baglar atin arg'rub,
Qazg'u ani turg'urub,
Mangzi juzi sarg'arib,
Kurkum angar turtulur.*

*Ulshub aran bo'rla-yu,
Yirtub jaqa urla-yu,
Suqrub uni yurla-yu,
Sig'tab ko'zi o'rtulur.*

*Ko'nglum ichun o'rtadi,
Jatmish bashig' qartadi,
Kachmish o'zug irtadi,
Tun-kun kachib irtalur.*

*O'zlak qamug' ko'vradi,
Ardam arig' savradi,*

*Yunchig' yavuz tuvradi,
Ardam bagi chartilur.*

*Bilga bo'ku yunchidi,
Ajun ati yanchidi,
Ardam ati tinchidi,
Yerga tagip surtulur.*

*O'zlak arig' kavradi,
Yunchig' javuz tavradi,
Ardam jama savradi,
Ajun bagi chartilur.*

Mazmuni:

*Alp Er To'nga o'ldimi,
Yomon dunyo qoldimi.
Zamon o'chin oldimi,
Endi yurak yirtilur.*

*Dunyo fursat ko'zladi,
O'g'ri tuzoq sozladi.
Beklar begin izladi,
Qanday qochib qutulur.*

*Dunyo kunin pastlatur,
Inson kuchin sustlatur,
Eldin erni chetlatur,
Qochgan bilan kim qolur.*

*Odatdan zo'r narsa yo'q,
Boshqa bahona ham ko'p.
Otsa zamon poylab o'q,
Tog'lar boshi yanchilur.*

*Zamon ahli ozaydi,
Olchoq, yovuz kuchaydi,
Ezgu ishlar kamaydi,
Dunyo begi ketganda.*

*Bilimdonlar ezildi,
Dunyoni xarob qildi,
Odob go'shti buzildi,
Yerga tegib sudralur.*

*Beklar oti charchadi,
G'am beklarni yanchadi,
Yuzga za'far sanchadi,
Chehralari sarg'ayur.*

*Bo'ri bo'lib uldilar,
Yoqa yirtib turdilar,
Yig'lab-siqtab yurdilar,
Ko'z yoshlari mo'l bo'ldi.*

*Ko'nglimni chok qildi,
Bitgan yaramni tildi.*

*Kechmish xotirga keldi
Tun-kun uni istarman.
Kuchandi bilagim,
Kelurdi tilagim.
Ko'paydi bilimim,
Ammo umr tugalur.*

II. 1. Академик лицейларнинг I-босқичи учун яратилган дарслиқдан Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг «Қутадғу билиг» асарига бағишланган қисмларни конспектлаштиринг.

2. Асар тўртликларининг композицион-семантик турларини аниқланг.

3. Уларнинг тўрттасига луғат тузинг.

4. Юсуф Хос Ҳожиб тўртликларининг мавзу хусусиятлари» мавзусидаги иншонинг қисқача ҳамда кенгайтирилган режасини тузинг.

5. «Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридаги тўртликларнинг бадиий хусусиятлари» мавзусидаги дарс конспектини тузинг.

Мазкур дарс учун кўргазмали қурол эскизини тайёрланг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Зуннунов А., Ҳотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент, Ўқитувчи, 1992, 133-139-бетлар.

2. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари.- Тошкент, Фан, 2007. 35-76- бетлар.

3. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Тошкент. Ўқитувчи, 1996 йил.

4. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. –Тошкент,Фан, 2006,60-76-бетлар.

5. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Янги аср авлоди, Т.: 2006, 46-67-бетлар.

3-мапсулот

Эпик асарларни ўрганиш усуллари. Бунда сюжет, композиция ва унинг элементларини таҳлил қилиш методикаси

(А. Қаҳҳор ҳикоялари, П. Қодиров романлари мисолида).

Адабиётлар рўйхати:

1. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Тошкент. Ўқитувчи, 1996.
2. Зуннунов А., Ҳотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент, Ўқитувчи, 1992.
3. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. Тошкент, Фан, 2007.
4. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
5. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил маънасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. –Тошкент, Фан, 2006, 57-59-бетлар.
6. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. «Янги аср авлоди», Т.: 2006.

Топшириқлар:

1. «Адабиёт ўқитиш методикаси (Б.Тўхлиев)» ўқув қўлланмасидан «Эпик асарларни ўрганиш хусусиятлари» (68-75-бетлар) мавзусини яна бир марта ўқиб чиқинг, уни қисқача конспектлаштинг.
2. Йирик методист олим А.Зуннунов эпик асарларни

насерий асарлардан иборат, деб қарашга мойиллик билдиради. Бу фикрга ўз муносабатингизни билдинг. Уни тегишли далиллар билан асосланг.

3. Методист олим Қ.Йўлдошевнинг таъкидлашича, «Таҳлил қилинадиган асар қанчалик йирик бўлмасин, вақт эса қанчалик кам бўлмасин, **эпик асарнинг мазмунини сўзлаб бериш мумкин эмас**»¹. Олим нима учун шу хулосага келган? Эпик асар мазмунини сўзлаб беришнинг қандай салбий оқибатлари бўлиши мумкин, деб ўйлайсиз?

1. 1. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари умумтаълим мактабларининг қайси синфларида, академик лицейларнинг қайси босқичида ўрганилишини аниқланг.

2. Бу ҳикояларни ўқувчилар қай тарзда қабул қилишади?

3. Эпик асарларни ўзлаштиришнинг қайси йўлларини биласиз, гапириб беринг.

4. Ҳикояларни ифодали ўқиш, уларни шарҳлаб ўқиш, ҳикояларни ўқиш олдидан ўтказиладиган кириш машғулотларининг мазмуни ҳақида гапириб беринг.

5. Адиб ҳикояларини ўрганишда қандай педагогик технологиялардан фойдаланиш мумкинлигини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

6. Уларни ўрганиш жараёнида қандай адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантириш имкониятлари бор деб ўйлайсиз?

¹ Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Тошкент, Ўқитувчи, 1996 йил, 117-бет.

7. Адиб ҳикояларини ўрганишга оид мавзувий режалаштиришни тузиб чиқинг.

8. Шу режа асосида бир соатлик дарс конспектини тузинг.

9. Қуйидаги ҳикояни ўқиб чиқинг.

АСРОР БОБО

Ултармалик Асрорқул Ҳайдар отанинг қадрдон оинаси бўлади.

Оқ пошшо мардикор олган йили бир куни кечқурун Ҳайдар ота Уста Мўминнинг дўконига чиқса, бир бегона киши дам босиб ўтирибди, суриштирса «ултармалик қочиқ» дейишди.

Шундан уч-тўрт ой бурун «Ултармада ғулу чиқди, шаҳардан солдат келиб анча одамни ҳайдаб кетди, буларни губернинг ўзи сўроқ қилар эмиш» деган гап тарқалган эди. Бу одам ўша вақтда қочиб қолганлардан бири — Асрорқул деган тегирмончи экан.

Аламон бир нимага қасд қилиб тўлишиб турганда бир оғиз гап кифоя қилади. Асрорқул ўшанда аламонни ёриб чиқиб, «оқ пошонинг девори йиқилган бўлса, ўзининг юртидан мардикор олсин, биз бормаймиз», дебди. Шундан кейин аламон хуруж қилиб мингбошининг уйига борибди. Мингбоши қочибди. Шаҳардан солдат чиқибди... Асрорқул ўшандан бери қишлоқма-қишлоқ қочиб юрар экан.

Уста Мўмин ёлғиз қўл бир косиб эди. Асрорқул унинг дамани босиб, бўлак ишларга қарашиб, дўконига ётиб юрди. Бу одам ўзи ўттиз бешларга бориб қолган бўлса ҳам бола-чақа қилолмаган, отасидан қолган мерос — тегирмонини

айлантириб, кунини ўтказиб юрган экан. Кейинчалик Ҳайдар ота иккови ошна бўлиб қолди. Ҳайдар ота баъзан кечалари унинг олдига кириб, бирпас-яримпас гаплашиб ўтирадиган бўлди. Шунда Асрорқул тегирмони тўғрисида гапириб хафа бўлаверганидан кейин Ҳайдар ота бир кун Ултармага бориб, тегирмондан хабар олди. Асрорқул қочгандан кейин Ултарманинг амини тегирмонни «пошшолик бўлди» деб ўзиники қилиб олган экан.

Орадан бир неча ой ўтиб, бир кун Ҳайдар ота шаҳарга борган эди «оқ пошшо тахтдан тушди» деган гапни эшитиб қолди. «Ундоқ бўлса, тезроқ бориб Асрорқулдан суюнчи олай», деб келса, Асрорқул бу хабарни алақачон эшитиб, Ултармага жўнабди. Лекин икки ҳафтадан кейин бўшашиганича қайтиб келди. Ҳайдар ота «Ҳа?» деса, «Оқ пошшо тахтдан тушгани билан, оқ амин аминлигидан тушманти», деди.

Петроградда, Тошкентда, Қўқонда урушлар бўлиб, «оқ аминлар» аминлигидан тушгандан кейин ҳам Асрорқул Ултармага боролмай юрди, сабабки, бу қишлоқ босмачиларнинг уяси бўлиб қолган эди. У тегирмонидан, қишлоғидан кўнғил узганидан кейин, Ҳайдар ота бош бўлиб бир бева хотинга уйлантириб қўйди. Асрорқул фарзанд кўрди. Уста Мўмин, раҳматлик, хат билар эди, китоб кўриб, боланинг отини Ёдгор қўйди — «Ўз юртингда қочиқ бўлиб юрган кўнларингдан ёдгор бўлсин», деди.

Шунақа қилиб Асрорқул то Калинин келган йилгача шу ерда туриб, юрт тинчигандан кейин бола-чақаси билан Ултармага кўчиб кетди, тегирмони бузилиб кетган экан, тузатди, колхозга шу тегирмони билан кирди.

Ултарма бу ерга хийла олис бўлса ҳам, бу икки ошина борди-келди қилиб туришар эди. Асрорқулнинг ўша ўғли Ёдгорбой аскарликни битириб келганда, Ҳайдар отанинг жиянига бўлишамиз, деб туришган эди, мана бу уруш чиқди-ю, тўй кейинга қолди.

Шу бу йил тўққизинчи числода мана шу Асрорқулдан Ҳайдар отага хат келди. Хат мужмалроқ: Асрорқул ундан хафами, нима бало... Бир гап бор! Ҳайдар ота ҳар нима бўлса ҳам бориб кўриб келай, деб йўлга чиқди.

Ҳайдар ота Ултармага хуфтондан кейин етди. Асрорқул самоварда экан, уни кичик ўғли Аброр қарши олди. Кампир бечора, бемаҳал бўлса ҳам, қозон осди. Ҳайдар ота ундан Ёдгорбойни сўраб:

— Хат келиб турибдими? — деган эди, кампир, ўзи тўлиб турган экан, кўз ёши қилди.

— Уртоғингиз бошимга битган бир бало бўлди. Ёдгордан келган хатларни менга бермайди. Аброрга ҳам кўрсатмайди, хат келмай қўйган бўлса, уни айтмайди. Ўзининг аҳволи бу: қариган чоғида бузилиб, самовардан бери келмайди— самоварчилик қилади. Авваллари бу иш ҳаммага бирам эриш кўринди, бирам ғалати туюлдики, болам бечора Аброр номусларга ўлди. Билмаган одам нима дейди? Ўғли боқолмапти, куни ўтмапти дейди-да! Раисга айтдик, жамоага ўзим бордим — бўлмади: «Ким самоварчилик қилишимга тўсқинлик қиладиган бўлса, менинг душманим бўлади, районга маълум қиламан», депти. Хайрият, шу тўғрида раис билан сан-манга бориб унинг устидан районга арз қилди-ю, гап нима, сўз нима экан ҳаммага аён бўлди.

— Самоварчиликка яраяптими, ахир?

— Ҳа; балодай... ҳассасиз юради...

Шу пайтда Асрорқулнинг ўзи келиб қолди. Ҳайдар ота уни дабдурустдан танимади. Унинг тетиклиги, шахдам қадам ташлаши ёш болага чиққан соқолдай кишининг кулгисини қистатар эди, лекин хўп озибди, қорайиб кетибди, шуни ўзи ҳам билар экан шекилли, олдини олиб:

— Озибманми, қорайибманми? — деди.

— Йўқ, жуда жойида... Майиз бўлибсан... Хўш, Ёдгорбойдан хат келиб турибдими?

— Ҳар хатида сени сўрайди... Уғлим, Аброр, битта чилим сол!

Асрорқул илгари чилим чекмас эди. Ҳайдар ота шуни сўрай деб энди оғиз ростлаган эди, кампирга кўзи тушиб қолди, Кампир ўчоқдан чўғ олаётган Аброрнинг панасига ўтиб, «Айтинг, хатни кўрсатсин», деб ишора қилди.

Ҳайдар ота унга секин бош иргитиб:

— Ҳа, ишқилиб боши тошдан бўлсин, қани, биронта хатини ўқийлик, бўлмаса, — деди.

— Дўконда, ҳамма хати самоварда.

Кампир, жуда тўлиб қолган экан, тоқат қилолмади:

— Биронтасини кўрсатсангиз ўласизми? Ҳамманинг юрагини қон қилдингиз-ку? — деди.

— Яхши хат ёзса ҳам йиғлайсан, ёмон хат ёзса ҳам йиғлайсан, нима қиламан кўрсатиб?

— Йиғласам, кўз ёшини сиздан қарз олмайман.

Кампир йиғлаб юборган эди, Асрорқулнинг аччиғи келди.

— Тагин!.. Аммо-лекин, хўп калтакбоп хотин бўлибсан-

да! Бурунги замон бўлса, биронта қовургангни бутун қўймас эдим!..

— Мана, уринг, синдиринг қовургамни! Қўрқмай қўя қолинг, арз қилмайман.

— Арз қилишингдан қўрқмайман, хотин ургани номус қиламан!

Асрорқул чилимни шундай қаттиқ тортдики, сархонадан аланга кўтарилди, авзойидан ҳозир кампирни хафа қиладиган кўриниб қолди. Ҳайдар ота сал босармикинман деб:

— Қўй энди, озор берма, кўнгли яримта,— деган эди, Асрорқул қайта авж олди:

— Кўнгли яримта бўлса, мияси ҳам яримтами? Уйингни ўғри босса, ўғлингни сандиққа солиб қўйиб, қўшнини чақирмайсан. Ҳамманинг ҳам фарзанди ўзига азиз.

— Азиз эканлигини билсангиз бўпти-да! Боламни соғинаман, соғинганимдан кейин йиғлайман... — деди кампир куюниб.

— Майли, йиғла, йиғи гоҳида хафаликни ёзади, лекин ҳамма қатори йиғлагин-да.

— Ҳамма қанақа йиғлар экан?

— Ҳамма қўли бўшаганда йиғлайди, сен йиғидан бўшамайсан. На ўзингга қарайсан, на уйга. Чироқнинг шишасини қара!.. Қишлоқда ҳеч кимнинг уйида пашша йўқ, бизникида кечаси ҳам бурун талашади.

— Юрагимга сиғмайди, сиғмайди юрагимга ҳеч нарса!

— Баракалла!.. Ёдгорбойга шунақа меҳрибонман дегин? Бери кел, ўтир. Ма, бир пиёла чой ич, кўз ёши бўлади... Шунақа меҳрибонман дегин? Аброр, ўғлим, ана у беҳининг каллагига

газета қистириб қўйган эдим, шуни олиб кел. Баракалло...
Хўш, шунақа меҳрибон бўлсанг, мана бунга қулдоқ сол: «...Шу
вақт ичида, яъни икки йиллик урушда СССРнинг кўрган
талофати 35 минг замбарак, 30 минг танк, 23 минг
самолётдан иборат». Тушундингми? Бошқасини қўй, нобуд
бўлган замбарак шунча бўлса, ҳаммаси қанча экан? Шунча
замбарак бир кунда қанча ўқ чиқаради деб ўйлайсан? Шунча
ўқни ким етказиб бериб туради? Ўша Ёдгорбойга ўхшаган
аскар болаларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари,
хотинларими?.. Ёдгорбойга ўхшаган аскар болаларнинг устига
душман 100 — 200 самолётни бирдан юборади. Душман
самолётларини даф қиладиган кўп ва зўр самолётларни ким
ясаб бериб туради? Яна ўша ота-оналар, ака-укаларми?
Шуларни ҳам меҳри-муҳаббати бордир. Шулар ҳам соғинишар
дейман? Ё сенчалик соғинишмасмикин? Сенчалик соғинишади,
лекин сенга ўхшаб соғинишмайди! Буларнинг юрагига ҳамма
нарса сиғади! Дуруст, сен самолёт ясолмайсан, кетмон
чополмайсан... лекин қиламан десанг, қўлингдан иш келади.
Сенинг кўкрагингда ўт бор, соч шу ўтти, ҳўлу қуруқ баравар
ёнсин. Бизни ҳамма нарсадан бенасиб қилмоқчи бўлган Гитлер
ҳозир ҳам анча нарсадан маҳрум қилди. Қани илгариги қишлоқ?
Ҳозиргача ҳам ёнмаган юрак бўлса мана шуни эслатишинг
билан аланга олади. Аланга олдир, ёндир! Шунда фарзанд доғига
қолган гитлерчилар кўпаяди, яхши бўлади...

Асрорқулнинг товуши ўзгарди. У ирғиб ўрнидан турди-ю,
чилимни кўтариб ўчоқбошига қараб кетди. Ҳайдар оти
билдики, унинг ўпкаси тўлди. Буни кампир ҳам пайқадимикин
деб секин разм солса, пайқабди, пайқабди-ю, афтидан,

кўнглига гулгула тушибди. Ҳайдар ота буни унинг «қилт» этиб ютинганидан билди. Бу орада Асрорқул чилимни чекиб бўлиб, кампирни чақирди.

— Қани, кел энди, ошингни суз! — деди. Кейин тегишди: «Ўзим сузиб бера қолайми? Утиришингдан ошни оғзингга солиб, жағингни қимирлатиб қўймасам, чайнамайдиганга ўхшайсан...»

Кампир ялт этиб Ҳайдар отага қаради, шу қараши билан «ҳазиллашаётибди, хайрият» дегандай бўлди.

Асрорқул келиб утирди. Унинг чакка томирлари чиққан, нафас олиши бежо эди.

— Ҳа? — деди Ҳайдар ота.

— Ҳеч... чилим элтгандир.

Ҳайдар ота ичида «ҳимм...» деди-ю, бўлак гап сўрамади. Шундан кейин кампирнинг «Ёдгорбойдан келган хатларни бизга кўрсатмайди», деганига ўзича маъно берди.

Ош устида гапни яна Асрорқулнинг ўзи бошлади.

— Урушдан ярадор бўлиб келган Содиқжон деган йигит ўтган жума куни самоварга келиб, урушда кўрганларидан анча гапириб берди.

Кампир урушдан келган кишининг дарагини эшитиб, бетоқат бўлиб қолди...

— Нима дейди Содиқжон?

— Олавер, олавер, айтиб бераман! Чойдан қуй... Шу Содиқжон бир йигитнинг қандай ўлганини айтиб берди. Қаттиқ бир жангдан кейин булар ўн тўрт киши нима бўлиб бошиқалардан ажралиб қолишибди, икки кечаю икки кундуз ўрмонма-ўрмон йўл юриб, кичкина бир қўрғончага дуч

келишибди. Бу қўрғончада немислар борми, ўзимизникилар борми — билиб бўлмабди. «Шунинг учун, — дейди Содиқжон — биз, икки киши, олдин бориб билиб келадиган бўлдик. Менга Оғабеков деган ёш, ниҳоятда чиройли бир армани йигит ҳамроҳ бўлди». Бу йигит йўлда Содиқжонга хотинидан келган хатни, хотини билан боласининг суратини кўрсатибди, ҳасрат қилибди. «Экин оралаб бораётган эдик, — дейди Содиқжон, — катта йўлга чиқиб шундай қарасак, йўлнинг четида ағанаб ётган бир автомобилнинг ёнида учта немис ўтирибди. Дарров ётиб олдик». Содиқжон автоматини тўғрилаб, тепкисини босай деганда, ҳалиги йигит қўлини маҳкам ушлабди: «Шошма, — дер эмиш, — хат ўқиётибди. Хотинидан келгандир, боласидан келгандир...» «Мен, — деди Содиқжон, — унинг гапига қулоқ солмасдан тепкини босдим, лекин сал ҳаяллабман: учала немис йиқилгандан кейин ёнимга қарасам, Оғабеков қипқизил қонга бўялиб ётибди». Содиқжон кўтариб қараса, ҳали жони чиқмаган экан, кўзини очибди.

У йигитнинг бекорга нобуд бўлгани кампирга хўп алам қилди. У аввал немисни қаргади, кейин йигитдан койиди:

— Ахир, сени бола-чақангдан айирган-ку, шу қуриб кетгурлар эди, уни отаман деган кишиниёғ нега қўлини тутасан! Хат ўқиётибди эмиш-а! Бола-чақаси билан қўшмозор бўлмайдимми!.. Ўзига-ўзи қилибди-да.

— Ҳа, Содиқжон ҳам шуни айтмоқчи бўлган экан-у, айтмабди. Йигит шўрлик жон бераётганида ўзи иқрор бўлибди: «Бола-чақангни яхши кўрсанг, бола-чақанг тўғрисида ўйлама», дебди. «Шу гап, — дейди Содиқжон, — кейинчалик жангчилар орасида мақол бўлиб кетди»... Шунақа, кўнгилни

ўз ихтиёрига қўйиб бериш урушда, урушдагина эмас, шу ерда ҳам кишини гафлатга солади. Ақл, фаҳм-фаросат билан кўнгилни йўлга солиб туриш керак. Ақли, кўнгилни йўлга сололмайдиган киши бузоқ маъраса ҳам уҳ тортаверади, сабабки, бузоқнинг маърагани — йиғлагани бўлади... Аброр, қўлга сув ол, ўғлим!

Кампир жой солаётиб Ҳайдар отага яна «айтинг, хатни берсин» деб имлади. Ҳайдар ота ҳам унга имо билан «самоварда жан, эртага ўзим олиб келаман», деди.

Асрорқул эрта билан барвақт туриб кетди. Ҳайдар отани «тушга яқин тегирмон бошига чиқиб борсин», деб кампирга тайинлабди.

Тегирмон Шўхсойнинг бўйида эди. Ҳайдар ота шу баҳона билан у ёқ-бу ёқни ҳам кўрай деб, айланишироқ бўлса ҳам бозор бошидан юрди.

□Ҳайдар ота шу ўй билан тегирмон бошига етганини ҳам билмай қолди. Сой бўйида беҳисоб дарахтлар орасига кўмилган тегирмон гувиллар эди.

Асрорқул самоварни жуда баҳаво жойга қилган эди. Икки том бўй пастда Шўхсой шовиллайди. Тегирмонни кўмиб ётган дарахтзор пастда худди самоварнинг саҳнидаги гулзорга ўхшар эди. Тепаликдаги чинор, икки туп садақайрағоч тўрт-беш кишилик талай супаларга соя солиб турарди. Супаларнинг ораларига, атрофига анвойи гуллар экилган.

Ҳайдар ота бир туп садарайҳонга қўл уриб исқади, сўнгра, шохидан синдираётган эди, кимдир «ҳай, ҳай!» деди. Ҳайдар ота орқасига қаради. Шийпонда Асрорқул кулиб турар эди.

— Аммо-лекин, Асрорқул, барака топ! — деди Ҳайдар ота

райҳонини чаккасига тақиб, — умрингда самоварнинг мурағини ушламаган бўлсанг ҳам, кўп тўқим табиат самоварчиларга ибрат бўладиган иш қилибсан. Лекин чойхўр йўқ-ку?

— Чойхўр кечқурун келади... Кел, ўтир.

— Сен кампирга тайинлаганинг учун келганим йўқ, ўзимча келдим. Сендан икки нарсани сўрамоқчи бўлдим. Биттаси шуки, нега бирдан самоварчиликни ихтиёр қилиб, шу туфайли раислар билан уришдинг, демоқчи эдим, энди мана бу самоварингни кўрганымдан кейин, самоварга мунча ишқинг тушиб қолди, десам тўғри келади.

— Самовар сенга ёқдимиди, ахир?

— Ёқди!

Асрорқул сойнинг нариги юзида отлиқ келаётган бир болага қараб қўл силкиди. Бола ҳам қўли билан «йўқ» деб ишора қилди. Ҳайдар ота Асрорқулнинг тажаниг бўлганини пайқаб:

— Қанақа бола у?— деди.

— Шогирдим. Бешсеркага юборган эдим. Бешсеркалик Абдумажид деган йигит урушдан ярадор бўлиб келган. Шу йигитни яқин ўн беш кундан бери олиб келолмайман. Икки мартаба одам юборганимда хотини унамабди, ҳали дармонга киргани йўқ, узуликади, дебди. Уйланганига йигирма олти кун бўлганда аскарликка кетиб қолган экан... Билмадим бугун нима ваз ж қилди экан.

Ҳайдар ота тушунолмай:

— Нима қилардинг, уни, бирон гапинг бормиди?— деб сўради.

— Йўқ, унинг менга, менинг чойхўрларимга гапи бор...

Раҳматлик Уста Мўминга кечалари жангнома ўқитиб эшитганларимиз эсингда борми? Уша ҳазилакам урушлар тўғрисида лоф-қоф урилиб ёзилган жангномага шунча қизиқар эдик. Мана бу, бутун ер юзини титратаётган уруш тўғрисидаги жангнома қизиқ эмасми? Урушга бориб келган мана шундай йигитларнинг ҳар қайсиси бир жангнома. Шунинг учун районимизнинг қаерига урушдан биров келса дарров дарак топанман, олдириб келаман.

Бу орада ҳалиги бола кўприкдан ўтиб отни сой бўйига боғлади ва ўзи юқорига чиқиб келди. У Ҳайдар ота билан сўрашди, сўнгра Асрорқулга хат берди. Асрорқул хатни товуш чиқариб ўқиди:

«Ҳурматли Асрорқул ота!

Кеча ўзим бормоқчи эдим, шаҳардан меҳмонлар келиб қолишди. Биз бугун Қорашаҳарга бормоқчимиз. Эртага кечқурун меҳмонлар билан биргаликда хизматингизда бўламиз.

Ўғлингиз Абдумажид».

Асрорқул хатни ўқиб бўғилди.

— Меҳмонлари билан келаверса бўлмас эканми? Бу бола мени эртага ҳам алдайди. Қорашаҳарда нима қилар экан? Энди ўзим бормасам бўлмайди! Сиз, ўғлим, газет-пазетингизни кўриб, кечқуруннинг ғамини енг. Ҳайдар, бирга бориб келамизми, отлиқ бир ярим соатлик йўл.

Ҳайдар ота кўнмагандан кейин Асрорқул отланиб жўнади. У кўприкдан ўтиб, катта йўлга чиққанидан сўнг отга қамчи берди ва ҳаял ўтмай жилғага кириб кўздан йўқолди. Ҳайдар ота унинг кетида қолиб аста-секин елиб юрган сарғимтир чангага қараганича хомуш қолган эди, бола:

— Асли борсангиз бўлар эди, ота, Бешсерка ҳам яхши жой,— деди.

— Сиз бешсеркаликми?

— Йўқ. Шу ерлик, ултармалик.

— Ота-онангиз борми?

— Бор. Отам Эронда, командир.

— Уқийсизми?

— Урушдан кейин Москвага бориб агрономликка ўқийман.

Ҳозир отага қарашиб турибман: чойхўрларга газета, китоб ўқиб бераман. Сиз отанинг ўртоқлари Ҳайдар отасиз-а? Сизнинг тўғрингизда ота бир гапириб берган эдилар мажлисда.

Ҳайдар ота хижолат бўлди: Асрорқул унинг тўғрисида нима деб гапириши мумкин? Буни боладан сўрагани ўнғайсизланиб:

— Асрорқул мажлисда гапира оладими?— деди.

— Э-ҳа!..— деди бола.— Бултур раис енгил ишларга ярайдиган қарияларни рўйхат қилганида отани ёзмаган экан, ота рўйхатга кирмай қолган чолларни йиғиб мажлис қилди. Ота мажлисда биринчи сўзга чиқиши экан. Гапни нимадан бошлади денг: «ҳозирги вақтда анчайин бир тракторнинг гилдираги томорқада занг босиб ётса ҳам одамнинг гаши келади. Раис ҳеч ишга ярамайсан деса, ярамас эканман деб, курк товуққа ўхшаб юраверасанми ҳамманг?» Шу мажлисдаёқ ҳалиги чоллар фронтча ишлайдиган комсомол бригадаларига бирикиб олди. Отанинг ўзи самоварни жўнаштириб юборганидан кейин кўп иш қилди. Илғор бригадаларнинг район слётида райкомнинг секретари отага катта баҳо берди: «Асрорқул ота районимизда энг зўр агитатор... Ота шу ерда туриб Берлинга ўт қўяётибди», деди.

Шу пайтда Асрорқулнинг кичик ўғли Аброр келиб отасини сўради ва уйга меҳмонлар келганидан хабар берди. Унинг айтишига қараганда, келган меҳмонлар ўша Абдумажид ва шаҳардан чиққан кишиларга ўхшар эди. Ҳайдар ота аста тушиб борди. Йўлакда кампирга йўлиқди. Кампир имо билан Асрорқулни сўради. Унинг ҳаракати Ҳайдар отага галати туюлиб юзига тикилди. Кампирнинг ранги оқарган, кўз атрофи қизарган, лаблари пирпираб учар эди. Ҳайдар ота тўхтади.

— Асрорқул Бешсеркага кетган эди. Ҳа, нима бўлди? Кампир, дока рўмолининг учини лабига босиб, ерга қаради ва секин:

— Абдумажидлар келди,— деди.

— Нима гап?

— Уртоғингизга айтманг...

— Нимани?

Кампир товуш чиқармай куйиниб йиғлади. Ҳайдар ота ундан жавоб ололмаслигига кўзи етиб, шошганича ичкарига кирди. Супада ўтирган уч меҳмон туриб, худди бу ерда оғир касал ётгандай, Ҳайдар ота билан пичирлашиб сўрашди.

Ҳайдар отанинг диққати ҳарбий кийим кийган ёш йигитга жалб бўлди. У ҳаддан ташқари қизарган, ўзини қаерга қўйишини билмаётганга ўхшар эди.

— Абдумажид сиз бўласизми, ўғлим!— деди Ҳайдар ота.— Сиз эртага борамиз деб хат қилган экансиз, Асрорқул сиз билан гаплашгани ўзи кетган эди.

— Шундоқми? Овора бўлибдилар-да. Қорашаҳарга кетаётган эдик, меҳмонлар отани кўриб ўтайлик, дейишди.

Ҳайдар ота ариқ бўйида юзаётган кампирга қараган

эди, Абдумажид яна ҳам қизариб Ҳайдар отага секин:

— Жуда катта бефаҳмлик қилдим-да,— деди.

— Нима гап?

— Ёдгорбойнинг... нобуд бўлганидан булар бехабар экан, тўғри келиб кампирдан кўнгил сўрабман...

Ҳайдар отанинг юраги орзиқиб, тилигача музлаб кетди.

У нима дейишини билмасдан, анчадан кейин:

— Шу аниқ гапми?— деди.

Абдумажид унинг саволига жавоб бериш ўрнига:

— Энди бўлар иш бўлди, Асрорқул отага айтманг. Кампирнинг ҳам хоҳиши шу. Ота қариб қолган, кўтаролмайди,— деди.

Кампир келиб супанинг лабига ўтирди. Жимлик чўкди. Анчадан кейин кампир гап бошлади:

— Асрорқул отангизга қанча озор бердим... Хат келмай қўйгани учун шунақа қилиб юрган экан.

Меҳмонлар, гарчи бундай вақтда кишига ҳеч қандай сўз тасалли бера олмаслигини билишса ҳам, кампирга тасалли берган бўлиб қўзғалишди. Абдумажид йўлакай отанинг самоварини кўриб ўтиш тўғрисида шаҳарлик меҳмонларнинг хоҳишини сўраган эди, улар мамнуният билан қабул қилишди. Ҳайдар ота уларни самоварга бошлаб борди.

Меҳмонлар жўнаб, орадан сал вақт ўтмай Асрорқул келди. Ҳайдар ота уни очиқ чеҳра билан қарши олишига ҳарчанд уринса ҳам, Асрорқул зийраклик қилиб:

— Ҳа, зерикканга ўхшайсан-ку,— деди.

— Йўқ... Меҳмон келган эди.

— Йўлда кўрдим. Эртага аниқ келишади. Энди ҳовлига

борайлик.

Ҳайдар ота кампирнинг ирода кучига ишоналмас, шунинг учун ҳозир Асрорқулнинг унга рўпара бўлишини истамас эди, йўл қилди.

— Мана шу супага жой қил, бирпас ўтирайлик. Агар биров менга «қолган умрингни дунёни саёҳат қилиб ўтказасанми, ё шу супада ўтириб ўтказасанми?» деса, ҳеч ўйлаб ўтирмасдан шу супани бера қол, дер эдим.

Бу гап Асрорқулга жуда ёқди. У атрофга сув сеиб супага жой қилди.

— Мана, ёнбошла! Супага бунчалик ишқинг тушган бўлса, овқат бўлгунча шу ерда ўтираминиз... ҳа, айтгандай, самоварга бунча ишқинг тушди, деган эдинг, жавоб бермабман.

— Энди жавоб бермасанг ҳам майлига. Биламан.

— Нима учун ишқим тушганлигини билдингми?

— Билдим. Бу гулзор кўкрагингда ёнган ўтдан бино бўлган экан. Мен бекорчи — такасалтангни сўк! Сўк мени, курк товуқ дегин!

Асрорқул қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Мендан икки нарсани сўрамоқчи бўлган эдинг, иккинчиси нима эди?

Ҳайдар ота унга «мен сендан икки нарсани сўрамоқчи бўлиб келдим» деганида Ёдгорбойдан келган хатларни кўзда тутган эди, ҳозир нима дейишини билмай, шошиб қолди.

— Иккинчиси, энди ўзинг биласан... Ёдгорбойдан хат келмай турган бўлса, кампирни шунақа овунтириб турганинг ҳам тузук... келиб қолар.

Асрорқул узоқдаги кўм-кўк адирлар соя солиб турган оппоқ

булут нарчаларига қараб жим қолди, анчадан кейин чилим солиб чекди.

— Қанчадан бери хат келмайди?— деди Ҳайдар ота.

— Анчадан бери.

Ҳайдар ота ер остидан унинг юзига қаради, назарда Асрорқул яна ҳам қорайган ва ҳозир вужудидан тутун чиқиб кетаётгандай кўринди.

— Келиб қолар, дўстим, ҳар хил хаёлларга борма. Асрорқулнинг кўз атрофи қизариб, юзида сохта табассум акс этди.

— Нима хаёлга борар эдим? Ёдгорбой овга боргани йўқ, урушга борган!.. Кампирга билдирмасанг, ростини айтаман. Кампирга айтма, кўтаролмайди... Қорахат келган!

Ҳайдар ота кампирнинг эшитганлигини айтишини ҳам билмай, айтмаслигини ҳам билмай, бир лаҳза ўйланиб қолган эди, Асрорқул:

— Ҳа, эшитганмидинг? — деди.

Ҳайдар ота бирининг билганлигини иккинчисидан яширишга қарор берди, чунки бирининг қайғуси иккинчисининг қайғусига қайғу қўшувига кўзи етиб қолди.

— Қишлоқда эшитган эдим, лекин ишонмаган эдим.

Шу аниқми?

Асрорқул жавоб бермай қошини силади.

— Бардош қил, дўстим, хафа бўлганинг билан, йиғлаган билан бўлмайди,— деди Ҳайдар ота.

— Мен йиғламайман! То ўғлимнинг гўрини қучоқлаб, тупроғини юзимга суртмагунимча кўзимдан ёш чиқмайди...

Аброр овқатга айтгани келди. Уни кўриб, Асрорқулнинг

чеҳраси дарров ўзгарди ва уйга боргунча мусибатдан асар қолмади.

Кампир одатдагидан чаққонроқ ҳаракат қилар ва мумкин қадар сўзлашга тиришар эди. Асрорқул сочиққа қўлини артаётиб унга разм солди ва кулиб:

— Э, қўзичоғим, яна йиғлабсиз-да,— деди.

Кампирнинг юзидан кулгига ўхшаган бир нима акс этди, лекин дарров юзини буриб, капгир билан қозонни қирар экан, жеркиб:

— Ҳадеб йиғи тўғрисида гапирманг!— деди. Лекин овқатни келтирганида унинг кўзида ёш айланар эди, овқатни ўртага қўйиб кўзини артди.

— Қуриб кетгур шу ўтиннинг тутуни бирам аччиқ эканки!

— Утир,— деди Асрорқул турпдан бир бўлагини оғзига солиб,— аччиқ тутунни биз кўрганимиз йўқ, аччиқ тутун уруш бўлаётган жойларда.

Овқат маҳалида кампир жуда бетоқат бўлиб ўтирди, бир мартаба ичидан йиғи тўлқинланиб келганда ўзини туттиш учун Асрорқулга хархаша қилди:

— Мунча курт-курт қилиб чайнайсиз!

— Турп шунақа бўлади-да, жонидан.

— Қаёқда, юмшоқ нон есангиз ҳам беда еган отга ўхшаб чайнайсиз!

— Юрагингни кенг қил.

— Нима қилибди юрагимга? Менга ўхшаб эртадан кечгача уйда ўтиринг-чи!

Ҳайдар ота аралашиди:

— Келин рост айтадилар... Менга қаранг, келин,

ўртоғингиз менга сизни олиб келишни жуда тайинлаган. Мен бу ерда уч-тўрт кун турадиган бўлиб қолдим. Сизни эртагаёқ элтиб қўяйми? Нима дединг, Асрорқул?

Чол-кампир бир-бирига ялт этиб қаради. Бу қарашда ҳар иккисининг ҳам кўнглидан бир гап ўтди: «Мен йўғимда бу хабарни эшитсанг, ёлғизлик қилиб қолмасмикинсан?»

Ҳайдар ота икковини авраб шунга кўндирди ва эрталаб кампирни элтиб қўядиган бўлди. Эрталаб арава келганда кампир Ҳайдар отани бир четга тортиб:

— Иним,— деди, —ўртоғингизни ёлғиз ташлаб кетгани асти кўнглим бўлмаяпти?

— Сизни Аброр элтиб қўйсинми?

— Аброрнинг иши бор. Ўзим ишга ярамай шу маҳалда яна бировни ишдан қўяйми! Отнинг тизгинига арқон улаб беринглар, ўзим ҳайдаб кетавераман. Аравани почтанинг одамидан бериб юбораман.

Асрорқул бунга рози бўлмаса ҳам, кампирнинг раёйини қайтаргани ботинолмади.

Кампир жўнади.

1943

5. Ҳикоядан ўқитувчининг ифодали ўқиб бериши педагогик жиҳатдан ўзини оқлаши мумкин бўлган ўринларни ажратинг, сўнг фикрингизни асосланг.

6. Ҳикояни қандай мантиқий бўлақларга ажратиш мумкин? Уларнинг ҳар бирига сарлавҳалар топинг.

Ҳикоянинг асосий қаҳрамонларини сананг. Уларнинг ҳар бири ҳақида сўзлаб беринг.

Асрор бобо қандай одам? Унга қандай тавсиф берган бўлар эдингиз?

Ҳайдар ота-чи?

Ҳикоя воқеалари қачон ва қаерда содир бўлган?

Асарда воқеаларни ҳикоя қилиб бераётган шахс Ким? У неча ёшда деб ўйлайсиз? У ҳикоячи сифатида бизни ишонтира оладими? Нима учун?

Ҳикояда: «Асрорқул ўшанда аламонни ёриб чиқиб, «оқ пошонинг девори йиқилган бўлса, ўзининг юртидан мардикор олсин, биз бормаймиз», дебди», - деган тавсиф мавжуд. Адиб буни нима учун келтирган деб ўйлайсиз?

«Уста Мўмин ёлғиз қўл бир косиб эди» ифодаси нимана англатади?

Ҳикояда қандай деталлар мавжуд? Уларнинг бадиий вазифалари нималардан иборат?

Асрорқулнинг ўғлига нима учун Ёдгор исми берилган? Унинг исми бошқачароқ ҳам бўлиши мумкинмиди?

Кампир Ҳайдар отага Асрорқул ҳақида шундай дейди:

«...Ўзининг аҳволи бу: қариган чоғида бузилиб, самовардан бери келмайди — самоварчилик қилади». Асрорқул ҳақиқатан ҳам «қариган чоғида бузилган»миди? Унда ёзувчи нима учун кампирнинг тилидан шу сўзларни айттирмақда?

Асрорқул бир ўринда:

«— Тағин!.. Аммо-лекин, хўп калтакбон хотин бўлибсанда! Бурунги замон бўлса, биронта қовургангни бутун қўймас эдим!..» дейди. У ҳақиқатда ҳам кампирини урмоқчи эдими?

Қаҳрамонларнинг нутқларига эътибор беринг. Улар орқали ёзувчи қандай ниятларига эришган?

Ҳайдар ота кампирга ва Асмрорқулга қандай муносабатда бўлди? Нима учун? Сиз бунни қандай баҳолайсиз?

Ҳикоядаги ҳар бир қаҳрамон хатти-ҳаракатларининг мантиқини изоҳланг. Улар қайси туйғулар билан асосланади?

Ҳикояда қандай тасвир воситалари қўлланган? Улар қандай вазифаларни адо этади?

Ҳикоянинг тилига эътибор беринг. Муаллиф нима учун шундай услубни танлаганини изоҳлаб беринг.

Ҳикоянинг асосий муаммоси нимадан иборат?

Унинг бош ғоясини нима ташкил этади?

Сизнингча, Асмрор бобо кампирга бор ҳақиқатни айтиб бериши мумкинмиди? Нега? Кампир-чи?

Ҳикояда руҳий ҳолатларнинг ўзига хос тасвирлари бор. Уларнинг қандай вазифа бажарётганини аниқланг.

Ҳикоя матнига таяниб туриб «Инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам сабр ва чидам кўрсата олади» деган мавзуда баҳс-мунозара уюштиринг.

Қаҳрамонлар нутқидаги сўзлашув нутқига хос сўзларни топинг. Уларнинг айни шу қаҳрамон нутқидаги вазифаларини изоҳланг.

II. Топшириқлар:

1. Пиримқул Қодировнинг «Юдузли тунлар» романини ўрганишга оид мавзули календар режа тузиб чиқинг.

2. Роман матнини тўлиқ ўқиб чиқинг.

3. Ўйрик ҳажмли эпик асарларни ўзлаштиришнинг қайси усуллари биласиз, гапириб беринг.

4. Роман эпизодлари устида ишлаш, уни ифодали ўқиш, уларни шарҳлаб ўқиш, романи ўқиш олдидан ўтказиладиган кириш машғулоти ва яқунловчи машғулотларнинг мазмуни ҳақида гапириб беринг.

5. Мазкур романи ўрганишда қандай педагогик технологиялардан фойдаланиш мумкинлигини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

6. Мазкур романи ўрганиш жараёнида қандай адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантириш имкониятлари бор деб ўйлайсиз?

7. Адиб ҳикояларини ўрганишга оид мавзувий режалаштиришни тузиб чиқинг.

8. Шу режа асосида бир соатлик дарс конспектини тузинг.

9. Адибнинг романини ўрганиш учун академик лицейларда 2 соат вақт ажратилган. Табиийки, бу ниҳоятда оз. Аммо соатни кўпайтиришнинг имкони ҳам йўқ. Шундай экан, қўшимча тарзда қандай чора-тадбир белгиланиши мумкин?

10. Роман сюжети ва композицияси ҳақида қандай кўргазмали қуроллар қилиш мумкин деб ўйлайсиз? Бунда қуйидаги жадвалдан фойдаланишга ҳаракат қилиб кўринг:

Экспозиция	Тугун	Воқеалар ривожи	Кульминация	Ечим

11. Мазкур мавзунини ўқишда фойдаланиш мумкин бўлган кўргазмали қуролларнинг эскизини тайёрланг.

12. Романдаги Бобур образига тавсиф бериш учун қандай материаллар тўпланиши керак бўлади? Бунинг учун ўқувчиларга бериладиган топшириқ ва вазифаларнинг рўйхатини тузиб чиқинг.

13. Академик лицейларнинг 3-босқичида «Юлдузли тунлар» романидан «Секри. Қайта кўз очган булоқ» парчаси киритилган. Мазкур эпизодни ўқиб таҳлил қилинг.

14. Ушбу парчани ўқинг. Ундаги «капсан» сўзига изоҳ беринг:

Бобур шайбонийзодаларнинг олтинга суқ одамлар эканини билгани учун элчининг кўзи олдида атайлаб шундай хирмон кўтарганини Хондамир ич-ичидан сезиб кулди:

– *Жаноб элчи бу хирмондан капсан олмадиларми?*

– Подшоҳ бизга қимматбаҳо саруполар кийдирди. Гилам устидаги олтиндан ҳазрат Кучкинчихонга атаб совға берилди. Олтин тангаларни санаб ҳам ўлтирмадилар. Икки юз элик мисқолини бир кумуш тош билан тортиб бердилар-қўйдилар.
- Икки орада бирон шартнома тузилдими?

Романи ўрганиш асосида ўқувчиларга қандай ишро мавзуларини тавсия этиш мумкин бўлади? Уларнинг тахминий мавзуларини ишлаб чиқинг.

4-машғулот

Драматик асарларни ўрганиш усуллари. Воқеа ва персонажлар. Персонажлар нутқи. Драматик асарларда муаллиф нуқтаи назарининг намоён бўлиш шакллари. Драматик асарларда қаҳрамон нутқидаги ўзига хосликлар.

(М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси мисолида)

Савол ва топшириқлар:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда академик лицейларнинг Адабиёт дастурларида драматик асарларнинг мавқеини белгиланг. Драматик асарлар учун берилган аннотацияларни дафтарингизга кўчириб олинг.

2. Драматик асарларни ўрганиш билан эпик асарларни ўрганиш орасида қандай фарқлар бор деб ўйлайсиз? Бу ўқувчилар учун қандай қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин?

3. Драматик асарлар устидаги иш турлари нималардан иборат бўлишини қисқача санаб беринг.

4. Драматик асарларни ўқишнинг қандай турларини биласиз? Уларни қандай ташкил этиш мумкин?

5. Драматик асарларни ўрганиш билан алоқадор ҳолда қандай адабий-назарий тушунчалар устида ишлаш мумкин бўлади?

VII синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар орасида - эпик, лирик, драматик турдаги асарларни бир-биридан фарқлашни билиш ҳам кўрсатилган. Бунга қандай қилиб эришиш мумкинлиги ҳақида мисоллар ёрдамида гапириб беринг.

8-синфда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари» драмасини ўрганиш учун 3 соат вақт ажратилган. Ушбу соатларнинг қандай тақсимланиши ҳақида ўйланг. Уларнинг қисқача режасини тузинг. Бунда дастурда берилган куйидаги аннотациядан фойдаланинг:

«Ҳамзанинг ўзбек миллий драматургияси шаклланиши ва тараққий этишига қўшган ҳиссаси. XX аср бошида яратилган сахна асарларида маърифатпарварлик, миллий маънавият ва ахлоқ, дунёвий тафаккур тарғибининг марказий ўринга чиқиши.

«Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари» драмасининг ўз даври драматик асарлари билан ғоявий ва бадиий алоқадорлиги. Драманинг яратилишига тўртки бўлган ижтимоий-маънавий муҳит. Асарнинг марказий қаҳрамонлари Маҳмудхон ва Марямхоннинг мазкур муҳитга муносабати. Асарда оталар ва болалар муаммоси таҳлили. Драманинг бадиий хусусиятлари.

Асарнинг бугунги кундаги аҳамияти».

Мазкур аннотацияда ««Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари» драмасининг ўз даври драматик асарлари билан ғоявий ва бадиий алоқадорлиги» деган кўрсатма ҳам бор. Уни амалга ошириш учун нималар қилиш керак бўлади?

Асар қаҳрамонлардан бирининг нутқини таҳлил қилишга оид дарс намунасини конспектингизга киритинг.

Дастурдаги куйидаги материалларни ўқиб чиқинг:

«М. Шайхзода. «Мирзо Улуғбек» фожиаси (3 соат).

Шайхзаданинг ўзбек драматургияси тараққиёти тарихида ўрни.

«Мирзо Улуғбек» асари ўзбек адабиётидаги трагедия жанрининг етук намунаси сифатида. Асарда темурийзода

ҳукмдор Улуғбек ҳамда олим ва маърифатпарвар Улуғбек ўртасидаги зиддиятнинг акс эттирилиши. Улуғбекнинг алломалик фазилатлари ва инсоний хислатларини ёритиш драматургининг бош мақсади эканлиги. Асарда шоҳ ва олим Улуғбекнинг фожиаси ҳақидаги тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқиманинг ўзаро муносабати. Трагедиядаги фалсафий руҳ ва тил жозибadorлиги.

Назарий маълумот: *Трагедия (фожиа) ҳақида тушунча*.

Энди қуйидаги савол ва топшириқларга жавоб беринг:

1. Мавзуга ажаратилган 3 соатни қандай режалаштириш мумкин. Уларнинг қисқача режасини тузинг.

2. «Асарда темурийзода ҳукмдор Улуғбек ҳамда олим ва маърифатпарвар Улуғбек ўртасидаги зиддиятнинг акс эттирилиши» мавзусини ёритиш учун дарсликда берилган парчалардан қайси кўчирмаларни олиш мумкин? Уларни карточкалар шаклига келтиринг ва изоҳланг.

3. Драманинг тилига хос хусусиятларни кўрсатиш учун луғатлардан ҳам фойдаланиш керак бўлади. Шу луғат намунасини тузинг.

4. Асардаги тасвир воситаларининг ўрни ва аҳамияти ҳақидаги кўргазмали қуролнинг эскизини тайёрланг.

5. Мазкур асарни ўрганишда ўрганилиши ва изоҳланиши лозим бўлган адабий-назарий тушунчаларни аниқланг. Уларни ўқувчиларга тушунтириш йўллари ҳақида гапириб беринг.

6. Драмани ўрганишда ифодали ўқиш, изоҳли ўқиш турларининг ўрни ва аҳамиятини, уни амалга ошириш йўлларини аниқ мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.

7. Ушбу асарни ўрганишда қандай педагогик технологиялардан фойдаланиш мумкин? Унинг ёзма тавсифини беринг.

«Фитрат. «Абулфайзхон» трагедияси (4 соат).

Фитрат ўзбек адабиётшунослари талқинида. Фитратнинг серқирра истеъдод ва қомусий билим соҳиби эканлиги. Фитрат драматургияси ҳақида маълумот.

«Абулфайзхон» трагедиясининг яратилиши. Асарда акс этган тарихий давр. Абулфайзхон образи. Асарда ҳукмдор, давлат ва халқ мавзунинг ифодаланиши. Абулфайзхон образида совет давлати раҳбарлари олиб боражак қатагоннинг башорат қилиниши. «Абулфайзхон» инсониятни огоҳликка чақирувчи асар сифатида. Фитратнинг драматург сифатидаги маҳорати.

Назарий маълумот: *Трагедия ва трагик образ ҳақида тушунча».*

1. Мавзуга ажратилган 4 соатни қандай режалаштириш мумкин. Уларнинг қисқача режасини тузинг.

2. «Асарда темурийзода ҳукмдор Улуғбек ҳамда олим ва маърифатпарвар Улуғбек ўртасидаги зиддиятнинг акс эттирилиши» мавзусини ёритиш учун дарсликда берилган нарчалардан қайси кўчирмаларни олиш мумкин? Уларни карточкалар шаклига келтиринг ва изоҳланг.

3. Драманинг тилига хос хусусиятларни кўрсатиш учун луғатлардан ҳам фойдаланиш керак бўлади. Шу луғат намунасини тузинг.

4. Асарда тасвир воситаларининг ўрни ва аҳамияти ҳақидаги кўرғазмали қуролнинг эскизини тайёрланг.

5. Мазкур асарни таҳлил қилишда ўрганилиши ва изоҳланиши лозим бўлган адабий-назарий тушунчаларни аниқланг. Уларни ўқувчиларга тушунтириш йўллари ҳақида гапириб беринг.

6. Драмани ўрганишда ифодали ўқиш, изоҳли ўқиш турларининг ўрни ва аҳамиятини, уни амалга ошириш йўллари аниқ мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.

7. Эпик асарларда табиат тасвири, қаҳрамонларнинг портрети берилади. Улар шу қаҳрамон моҳиятини, унинг бадиий-эстетик томонларини тушуниш учун муайян қўшимча имкониятлар беради. Драмада айни шу ҳолатлар мавжуд эмас. Бу ўқувчилар учун қўшимча қийинчиликлар туғдирмайдими? Уни қандай бартараф этиш мумкин, деб ўйлайсиз?

8. Ушбу асарни ўрганишда қандай педагогик технологиялардан фойдаланиш мумкин? Унинг ёзма тавсифини беринг.

Мактаб ўқитувчиларидан бири асарни ўрганишнинг қуйидаги вариантини таклиф қилган:

А. Кириш суҳбати: драматик асарнинг ўзига хос хусусиятлари.

Б. Мазкур драматургнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маъруза ёки суҳбат.

В. Драманинг алоҳида сахналарини ўқиш ва таҳлил қилиш.

Г. Асар ҳақидаги якуновчи дарс.

Д. Барча ишларнинг якуни сифатида ўқувчиларнинг ёзма иши.

9. Ушбу режанинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилинг. Энди унинг ўз вариантингиздаги кўринишини тақдим қилинг.

10. Ҳар қандай драматик асарни ўрганишда мазкур вариантни қабул қилиш мумкинми? Нима учун?

11. Дарсликдан битта драматик асарни ўрганиш учун берилган савол ва топшириқлар билан танишиб чиқинг. Уларга топшириқлар қўшилиши мумкинми? Агар ўзгартириш лозим бўлса, қайси саволларни ўзгартириш лозим деб ўйлайсиз? Нима учун?

Методист олим Қ. Йўлдошев. Адабиёт ўқитишнинг илмий- назарий асослари (Тошкент, Ўқитувчи, 1996.) китобида шундай мулоҳазаларни билдирган:

«Айрим мутахассислар еттинчи синф ўқувчилари (ўн тўрт яшар болалар) гоյат мураккаб туйғулар тасвир этилган, чигал инсоний тақдирлар кўрсатилган «Шоҳ Эдиш» асаридаги бадиий маънони, инсоний драмаларни, изтиробларни тушунмайдилар, дея болаларга «меҳрибончилик» қилишади. Айтиши керакки, ўн тўрт яшар одам оламдаги энг мураккаб туйғуларни ҳам ҳис этадиган одамдир. Агар ўз вақтида тайёрлаб боришмаса, туйғулар камол топтирилмаса, ҳиссиётлар парвариш кўрмаса, ўн тўрт ёшида эмас, қирқ тўрт ёшида ҳам инсоний туйғулардан, мураккаб кечинмалардан беҳабар умр кечириб ўтавериш мумкин»¹.

Сиз бу фикрларни тасдиқлаш ёки инкор этиш учун нима дея оласиз?

Муаллиф айни асар ҳақида яна шундай дейди: «Софокл учун гуноҳнинг ким томонидан ва қандай амалга оширилгани эмас, балки қилинган гуноҳга яраша адолатли ажрим масаласи муҳимдир» (141-142-бетлар).

Буни қандай тушундингиз? Уни қандай изоҳлаш мумкин?

¹ Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Тошкент, Ўқитувчи, 1996.

ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ
“Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси”
 фанидан лаборатория ишланмалари

1-мавзу.	ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар. Эпик, лирик, драматик турлардаги асарларни бир-биридан фарқлашни билиш.
-----------------	---

Таълим бериш технологияси

Машғулот вақти 80 дақиқа	Талабалар сони 10-13 гача
Машғулот шакли	Суҳбат, дебат, савол-жавоб
Машғулот режаси	1. VII синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар. 2. Эпик, лирик, драматик турлардаги асарларни бир-биридан фарқлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади: Адабиёт дарсларида VII синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар орасида - эпик, лирик, драматик турлардаги асарларни бир-биридан фарқлашни билиш. Бунга қандай қилиб эришиш мумкинлигини мисоллар, слайдлар ёрдамида тушунтириб бериш.	
Педагогик вазифалар: †Ўқув дастурида кузла тутилган мақсадни очиб бериш. †Ўтиладиган мавзу мақсади ва вазифалари. Мавзу доирасида тушунча бериш; †Таълим босқичларида янги педагогик технологиялар билан таништириш.	Ўқув фаолияти натижалари: †тутилган мавзуларни шарҳлаб бериш; †ўқинишда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни ҳақида маълумот бериш; †мавзунинг моҳияти, мақсадини англаб етиш.

Таълим бериш усуллари	Суҳбат, савол-жавоб
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, тарқатмалар, слайдлар
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

1.2. Лаборатория машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи	<p>1. Мавзу бўйича лаборатория ишланмасини тайёрлаш.</p> <p>2. Лаборатория ишланмаси учун тақдимот слайдларини тайёрлаш.</p> <p>3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Ўқув фанини урганишда фондаланиладиган адабиётлар рўйхатини тузиш.</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб борадилар.</p> <p>Кўриб ёзиб борадилар</p> <p>Танишадилар.</p> <p>Кўчириб оладилар.</p>
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1 Мавзу доскага ёзилади. Слайдлар ва адабиётлар рўйхатини бериб, уларга қисқача таъриф берилади.</p> <p>1.2. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезони билан таништирилади (1 илова).</p> <p>1.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар берилади.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p>

<p>2. Асосий босқич (55 дақиқа)</p>	<p>2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий жиҳатлар тушунтириб берилади.</p> <p>2.2. Мавзунинг таълим босқичларидаги аҳамияти.</p> <p>2.3. Талабалар бажариши лозим бўлган лаборатория ишлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - дастурда ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талабларни аниқлаш; - дастурдан мавзуларга ажратилган соатларни белгилаш; - эпик, лирик ва драматик турлардаги асарларни бир-биридан фарқлаш. <p>2.3. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустақамлаш мақсадида кўйидаги саволлар берилади:</p> <p>1. Дастурда ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талаблар нималардан иборат?</p> <p>2. Эпик, лирик ва драматик турлардаги асарларни бир-биридан фарқи борми?</p> <p>3. Ўқувчиларга тур ва жанрларни тушунтиришда ЗПТнинг ўрни ва моҳиятини изоҳлаб беринг?</p>	<p>Тинглайдилар, ёзидилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p> <p>Тинглайдилар, ёзидилар.</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p>
<p>3. Яқуний босқич (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб берилади, яқунловчи хулоса чиқарилади.</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ берилади.</p>	<p>Саволлар берадилар</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

Таянч сўзлар: технология, яратиш, қўллаш, тизим, метод, дастур, дарслик, тур, жанр, таъриф, педагогик технология, замонавий технология, педагогик жараён, махсус компьютер, техник восита, электрон дарслик.

Адабиётлар рўйхати:

3; 72; 96; 116; 118; 119; 125; 139; 143; 154; 160; 178; 196.

Гуруҳларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари

1-илова

<i>Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари</i>	<i>1- гуруҳ</i>	<i>2- гуруҳ</i>	<i>3- гуруҳ</i>
Максимал балл - 2			
- савол тулик ёритиб берилди (0,5 балл)			
- жавоблар етарли даражада асослаб берилди (0,5 балл)			
- гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги (0,5 балл)			
- берилган саволларга жавоб берди (0,3 балл)			
- регламентга риоя қилди (0,2)			
Жами: (2 балл)			

1,5 - 2 балл - "аъло"

1,0 - 1,4 балл - "яхши"

0,5 - 0,9 балл - "кониқарли"

0 - 0,4 балл - "кониқарсиз"

Адабий таълим жараёнини ташкил этиш лойиҳаси



Дарснинг олтин қоидалари:

- Диққат билан тинглаш.
- Гуруҳ ишларида фаол иштирок этиш.
- Берилган топшириқларга масъулият билан ёндашиш.
- Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилиш.
- Хусниҳат қоидаларига риоя қилиш.
- Нутқ маданиятига риоя қилиш.
- Бошқаларга ёрдам қўлини чузиш

Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари

4-илова

Мезонлар	Макс. балл	Гуруҳ натижаларини баҳолаш					
		1	2	3	4	5	6
Ахборотнинг тулиқлиги	1,0						
Ахборотнинг график шаклда ифода этилиши	0,6						
Гуруҳнинг фаоллиги	0,4						
Балларнинг максимал суммаси, жами	2						

Жонлантириш учун саволлар:

1. Дастурда ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
2. Эпик, лирик ва драматик турлардаги асарларни таҳлил қилишнинг бир-биридан фарқи борми?
3. Ўқувчиларга тур ва жанрларни тушунтиришда ЗПТнинг ўрни ва моҳиятини изоҳлаб беринг? У нималардан иборат?

Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси
ФСМУ технологияси

5-илова

(Ф) – Фикрингизни баён этинг.

(С) – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

(М) – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.

(У) – Фикрингизни умумлаштиринг.

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

“Фикрингизни умумий ўрта таълим мактабларидаги адабиёт дастурлари билан дарсликлар ўзаро мувофиқ келади” деган тезиснинг исботи учун татбиқ этишга ҳаракат қилиб кўринг.

2-мавзу.	Лирик асарларни ўрганиш усуллари. Лирик асарлар таҳлили. Мумтоз ва ҳозирги замон шоирларининг лирик асарлари мисолида.
----------	--

Таълим бериш технологияси

Машғулот вақти 80 дақиқа	Талабалар сони 10-13 гача	
Машғулот шакли	Сухбат, дебат, савол-жавоб	
Машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лирик асарларни жанр хусусиятларига кўра ўрганиш усуллари. 2. Поэтик матнни таҳлил қилиш йўллари. 3. Лирик асарларни ўрганишда педагогик техника. 4. Лирик асарларни мактабда ўрганишнинг ўзига хос усулларини кўриб чиқиш. 5. Дарс усулларини кузатиш ва таҳлил қилиш. 	
<p>Ўқув машғулотининг мақсади: Лирик асарларни ўрганишдаги ўзига хос усуллар билан талабаларни таништириш; талабаларнинг лирик асарлар табиати ҳақидаги билим ва тасавурларини ўқитиш жараёнига алоқадор ҳолда бойитиш.</p>		
<p>Педагогик вазифалар:</p> <p>† Ўқув дастурида кўзда тутилган мақсадни очиб бериш.</p> <p>† Ўтиладиган мавзу мақсади ва вазифалари. Мавзу доирасида тушунча бериш;</p> <p>† Таълим босқичларида янги педагогик технологиялар билан таништириш.</p>	<p>Ўқув фаолияти натижалари:</p> <p>† Ўтилган мавзуларни шарҳлаб бериш;</p> <p>† Ўқитишда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни ҳақида маълумот бериш;</p> <p>† мавзунинг моҳияти, мақсадини англаб етиш.</p>	

Таълим бериш усуллари	Сухбат, савол-жавоб
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, тарқатмалар, слайдлар
Таълим бериш шароити	УТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Талабаларда ҳосил қилиниши ва ривожлантирилиши кўзда тутилган кўникма ва малакалар:	<p>† лирик асарларни таълимнинг турли босқичларидаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини назарда тутган ҳолда изоҳлаб бера олиш;</p> <p>† лирик асарларни ифодали ўқиш ва ўқитишга оид амалий иш турларини билиш;</p> <p>† лирик турларга хос бўлган жанрлардаги айирмаларни ўқувчиларга етказиш;</p> <p>† ўқувчиларни лирик асарлар таҳлиliga йўналтира билиш.</p>
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

1.2. Лаборатория машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим бсрувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи	<p>1. Мавзу бўйича лаборатория ишланмасини тайёрлаш.</p> <p>2. Лаборатория ишланмаси учун тақдимот слайдларини тайёрлаш.</p> <p>3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Ўқув фанини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тузиш.</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб борадилар</p> <p>Кўриб ёзиб борадилар</p> <p>Танишадилар</p> <p>Кўчириб оладилар</p>
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1 Мавзу доскага ёзилади. Слайдлар ва адабиётлар рўйхатини бериб, уларга қисқача таъриф берилади. (1-илова)</p> <p>1.2. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезони билан таништирилади.</p> <p>1.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар берилади.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p>
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	<p>2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий жиҳатлар тушунтириб берилади.</p> <p>2.2. Мавзунинг таълим босқичларидаги аҳамияти.</p>	<p>Тинглайдилар, ёзидилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p>

	<p>2.3. Талабалар бажариши лозим булган лаборатория ишлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - дастурда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабларни аниқлаш; - дастурдан мавзуларга ажратилган соатларни белгилаш; - лирик турдаги асарларни бир-биридан фарқлаш.(2-илова) <p>2.3.Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустақамлаш мақсадида қуйидаги саволлар берилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Дастурда ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар нималардан иборат? 2.Лирик асарларни ўрнишнинг ўзига хослиги нимада? 3. Ўқувчиларга лирик асарларни таҳлили қилишда ноанъанавий усулларнинг ўрни ва моҳиятини изоҳлаб беринг? 	<p>Тинглайдилар, ёзадилар.</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p>
<p>3. Якуний босқич (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб берилади, якунловчи хулоса чиқарилади.</p> <p>3.2 Мустақил ишлаш учун топшириқ берилади.</p>	<p>Саволлар берадилар</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

Машғулотнинг қисқача баёни

Лирик асарларни ўрганиш ва таҳлил қилиш анчагина мураккабдир. Уларни ўрганиш баробарида ҳар бир жанр хусусиятларига, уларнинг ўзига хос томонларига ҳам эътибор қаратилади. Дарс жараёнида лирик асарларни ўрганишда қандай метод, қандай намунали ўйинлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар олиб борилади. Режа асосида талабаларга керакли маълумотлар берилади. Дарс лаборатория машғулоти бўлганлиги учун эътибор талабаларнинг фаол иштирокига қаратилади.

Лирик асарларни ўқитишда самарали натижага эришиш йўллари талабаларга тарқатмалар асосида кўрсатилади. Тарқатмаларда берилган саволлар, мумтоз ва замон шоирларининг асарларидан келтирилган парчалар ўқувчиларнинг билим, малакаларини оширишга, матнни ифодали ўқишга ёрдамлашади. Мисол: (1-илова)

Ифодали ўқинг.

1. Дўсти ғариб кел қўлингни тут,
Юрагингда ёқай аланга.
Кел, бир зумга дунёни унут,
Кўтарайин сени баландга.

2. Фурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил битса,
Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.

Савол-жавоб ўйини

Саволлар:

1. Рубоий, ғазал, туюқнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини жадвал тарзида ифодаланг.

2. Оқ шеър нима? Унга мисол келтиринг.

3. Лирик турга яна қандай жанрлар киради?

4. Лирик асарларда кечинмалар қандай ифодаланади?

(Жавоблар гуруҳ томонидан ёзилади)

Тарқатма материаллари мавзу доирасига қараб кенгайтирилади, шакллантирилади. Буларни эса ижодий иш сифатида талабаларга вазифа тарзида бериш мумкин.

Талабаларга интерфаол ўйинлар, кросвордлар, ребуслар, карточкалар ҳам лирик асарларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги тушунтирилади. Вазифа тарзида улардан намуналар келтириш бериледи.

Таянч сўзлар: технология, яратиш, қўллаш, тизим, метод, дастур, дарслик, тур, жанр, таъриф, педагогик технология, замонавий технология, педагогик жараён, махсус компьютер, техник восита, электрон дарслик, лирика, ғазал, рубоий, кўшиқ, таҳлил, шоир, лирик асар.

Талабаларнинг мустақил равишда бажарган ишлари («Адабиёт ўқитиш методикаси» қўлланмасидаги «Лирик асарларни ўрганиш» қисмини қисқача конспектлаштириш; Адабиётшуносликка кириш ва Адабиёт назарияси курсларидан лирикага оид қисмни ўқиб келиш) билан танишилади. Улар

қўйидаги савол ва топшириқларни бажаришга йўналтирилади:

1. Адабиётшунос Д. Қуронов «шеърда ҳатто шоир ўз кечинмаларини тасвирлаган ҳолда ҳам лирик каҳрамон билан реал шоир орасига тенглик аломати қўйиб бўлмайди», деб таъкидлайди. Буни сиз қандай изоҳлайсиз?

2. Умумий ўрта таълим мактабининг турли синфларида лирик асарларга ажратилган ўринлар билан танишиб чиқинг.

3. Адабиёт дастури билан яқиндан танишиб унда мумтоз лириканинг қайси жанрларига урғу берилганини аниқланг. Дастурдаги мазкур йўналиш тўғрими? Унга яна қандай қўшимчаларни тавсия этган бўлар эдингиз? Нима учун?

4. Дастурда фольклорга оид қандай лирик жанрлар тавсия этилган? Уларнинг қисқача тавсифини беринг.

5. Дастурга таянган ҳолда «Академик лицейларнинг учинчи босқичида лирик асарларнинг ўрни» деган мавзуда қисқача маъруза тайёрланг.

6. Адабиёт дастуридаги қўйидаги тавсифлар билан танишинг:

«Усмон Носир. «Юр, тоғларга чиқайлик», «Йўлчи», «Болалигимга», «Ёшлик», «Юрганмисиз бирга ой билан», «Гулзор – чаман...» шеърлари (3 соат).

Усмон Носирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот.

Шоир шеърларида болаларга хос беғубор ҳис-туйғуларнинг ифодаланиши. Болалар табиатидаги хусусиятларнинг ушбу шеърларда маҳорат билан тасвир этилганлиги. У. Носир шеърларининг бадиий хусусиятлари.

Шоир шеърларида табиат гўзалликлари билан покиза

қалбли инсон туйғулари ўртасидаги ҳамоҳанглик. Усмон Носир шеърларида одамнинг гўзалликка муносиб бўлиши улкан бир истак сифатида ифодалангани.

Назарий маълумот: Шеър ҳақида тушунча.

...Миртемир. «Булут», «Шудринг», «Тўрғай», «Балиқ ови», «Қишлоғим» шеърлари (3 соат).

Миртемир ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот.

Миртемир шеърларида она юрт табиатидаги тенгсиз гўзалликларнинг тасвирланиши. Шоир шеърларида юрт табиатига маҳлиёлик, ундан фахрланиш ҳиссининг бўртиб туриши.

Миртемир шеърларида табиатга меҳр-муҳаббатнинг ифода этилиши. «Тўрғай» шеърида ана шу чўл қушига хос хусусиятларнинг ёрқин тасвирланганлиги. «Қишлоғим» шеърида ўзбек халқига хос эзгу сифатларнинг ўзига хос йўсинда акс эттирилиши. Шеърларнинг бадиий хусусиятлари ва ифода тарзи».

7. Ушбу аннотацияларга яна нималарни қўшиш мумкин, деб ўйлайсиз?

8. Ушбу асарларнинг ҳар бирига ўзингиз юқоридаги андоза асосида аннотация ёзинг.

9. Айни топшириқни академик лицейларнинг биринчи босқичи учун «Муҳаббатнома»даги бир ғазал, Навоийнинг «Кеча келгумдур дебон» ғазаллари учун ҳам тузинг.

1-топшириқ. Шеърни ўқинг:

ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

(Абдулла Орипов)

Йўқ, керакмас, қўйинг, керакмас,

Менга ором истаманг, дўстлар.

Хилват саз деб қистаманг, дўстлар,

Қўйинг, бундай ором керакмас.

Ногаҳонда хаёлга ботсам

Ё ухласам, уйғотинг дарров,

Номим тутиб, сўз қотинг дарров.

Беҳудага бир ёққа борсам,

Қўлларимдан ушлаб ўшал дам

Курашларнинг сафига қўшинг,

Қур, ярат денг,

ҳайқир денг,

жуш денг,

Шундай яшар одатда одам.

2-топшириқ. Шеърний мисралардаги асосий ғоя нимадан иборат?

Лирик қаҳрамон қандай шахс? Унинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

Шеърнинг бандларини аниқланг. Бандлардаги мисралар қандай қофияланган? Унинг бошқа шеърларга ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида нима дея оласиз?

Шеърнинг инсон руҳиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири ҳақида гапириб бering.

Шеърда ёш кўнгилга хос бўлган журъат ва шиддат ҳам

ифодаланганми? Шу ифодага қайси сўзлар таъсир кўрсатган?

Шеърдаги такрорларнинг вазифаси ва аҳамиятини изоҳлаб беришг.

Шеърнинг тарбиявий аҳамияти нимада?

3-тошпириқ.

Дўстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз,

Бошингизга юз бало куч бирла пайдо қилмангиз.

Фонш қилманг роз, чунки асрай олмай қилдингиз,

Ўзгалардан асрамоқ боре таманно қилмангиз.

Ишқ асрорига тил маҳрам эмастур зинҳор,

Ким кўнгулдин тилга они ошкор қилмангиз.

Чун кўнгулдир қалбу тил гамроз, махфий розни,

Жон ҳаримидин бу иккига ҳукайдо қилмангиз.

Чун кўнгул тил бирла маҳрам бўлмади, ҳожат эмас,

Аймоққим, элга андин нуқта имло қилмангиз.

Саҳв этиб, чун роз дуррин сочтингиз, нозим бўлуб,

Оҳнинг дудин саҳоб-у кузни дарё қилмангиз.

Чўк-чок айлаб кўнгулни, тилни айлаб юз тилим,

Ташлаб итларга, аларнинг ёди қатъо қилмангиз.

Менда ҳижрон дардио нуқ сабр, бори дўстлар,

Чорас гар қилсангиз, юз жоми саҳбо қилмангиз.

Чун Навоий ишқ розин асрай олмай қилди фонш,

Отини роз аҳли тумморида ишшо қилмангиз.

1-тошпириқ. Ҳазелин ифодаси ўқинг.

2-тошпириқ. Ноганиш сўз ва иборалар луғатини тушинг.

3-тошпириқ. Биринчи байтдаги поэтик таъсир фақат маънонинг кучлилиги билан юзага чиқяптими? Қайси

фонетик ҳодисалар унинг таъсирчанлиги учун омил бўлмоқда?

4-топшириқ. Бир неча байтларда такрорланиб келаётган сўзларни топинг. Уларнинг такрорланиши шеърда ғализлик туғдирмайдими? Нима учун?

5-топшириқ. Ҳазилнинг қофия ва радифларига эътибор беринг. Улар маънонинг ифодаланишида қандай вазифаларни бажараётганлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

6-топшириқ. Ҳар бир байтдаги таянч сўзларни топинг. Уларнинг баай мазмунини ташкил этишдаги ўрни ва аҳамиятини изоҳланг.

7-топшириқ. Энди Иброҳим Ҳаққуловнинг қуйидаги мақоласини ўқинг:

«Алишер Навоийнинг тўққиз байтдан таркиб топган ушбу ғазали улуғ шоирнинг кексалик чоғларида яратилган ва «Бадоеъ ул-васат» девонига киритилган. Эҳтимол шунинг учун ҳам ғазилнинг илк мисраларини ўқишдан оқ, шеърхон катта ҳаёт тажрибасига эга донишманд ўғитларини тинглаётгандай бўлади. Ва беихтиёр, ҳар кимга ишониб, ҳар кимни дилга яқин олиб сирдош бўлмаслик ҳақида ўйлай бошлайди. Хусусан, матлаъдаги «Бошингизга юз бало куч бирла пайдо қилмангиз», деган огоҳлантирувчи гап, «маҳрам деб элга роз ифшо» айлашнинг оқибати хусусида жиддий ўйлашга ундайди.

Бошланган фикр, албатта, давом топиши керак. Шоир уни мантиқан чуқурлаштириб дейди:

Фош қилманг роз, чунки асрай олмай қилдингиз,
Ўзгалардан асрамоқ боре таманно қилдингиз.

Бу маъно бевосита тил одоби билан ҳам боғлиқ. Яъни байтда тилни асраган сирни ҳам асрай олур, деган мазмуни аксини топган. Зеро, тилни тийиш талабларини билмаган киши ҳеч қачон сир сақлаш лаёқатига соҳиб бўла олмайди. Байтдаги таъкид ҳам жуда тўғри: ахир, ўзи асрай олмаган нарсани асрамоқни бошқа бировлардан талаб қилиш ақлдан эмас.

Бу олам ўзига хос улкан бир сирхона. Каттадир, кичикдир, жонлидир, жонсиздир, ҳар бир нарсанинг бу оламда ўз сир-асрори бор. Лекин барча сирлар орасида ишқ асрори мустасно мавқега эга. Ишқ сирлари қанчалик гўзал ва жозибали бўлса, шунчалик ниҳоясиздир. Ишқнинг ибтидоси ҳам сир, интиҳоси ҳам сир. Ишқнинг илоҳий моҳиятида сирлар яширин. Бунда сирни тўла-тўкиё ошкор этиб бўлмайди. Балки сирни сирга улаб, қалбан сирдан сирга кўчиб яшалади. Ана шунда бирин-кетин ҳақиқат, маърифат қулфлари очилади. Ана шунда инсон кўнглида том маънодаги маънавий янгиланиш ҳосил бўлади.

Бундоқ қаралганда, сир сўзининг луғавий маъноси оддий: ўзгалардан яширин тугилган бирор иш, бекитилган нарса ёки пинҳон сақланган ганга сир дейилади. Аммо бу сирнинг биз тушунган, биз шарҳлаган мазмуни. Тасаввуф таълимоти ва адабиётидан яхши хабардор аждоқларимиз сир калимасининг луғавий маъноси билан бир қаторда, эҳтиёж юзасидан истилоҳий мазмуллари хусусида ҳам мушоҳада юритишган. Навоий ғазалининг навбатдаги байти сирнинг энди истилоҳий моҳиятини ҳисобга олишни шарт қилиб кўяди:

Ишқ асрорига тил маҳрам эмастур зинҳор,
Ким кўнгулдин тилга они ошкор қилмангиз.

Аслида «ишқ асрорига тил маҳрам» бўла олади. Маҳрам бўла олганлиги сабабли ҳам ошиқ аҳли дарди ва ошиқона орзу-истакларини тил билан изҳор қилиб келишган. Ишқ сирлари кўнгилдан тилга кўчганлиги туфайли қанчадан қанча гўзал байту ғазаллар яралган. Қанчадан қанча дoston ва манзумалар битилган. Шунинг учун «Ишқ асрорига тил маҳрам эмастур зинҳор» деган ҳукми оддий ўқувчи тўлиқ қабул эта олмайди. Қабул қилганида ҳам юзаки, яъни ҳақиқатни чуқур англамасдан хулоса чиқаради. Демак, шеърини матн талабинини англаб сир тушунчасига кенгроқ қараш лозим бўлади. Чунки сир тасаввуф адабиётидаги асосий истилоҳлардан бири бўлиб, унинг таркибига янги маъно киритилган. Албатта, тасаввуфий бир маънони Навоий ғазалида ахтарибтаниш учун эмас, ғазалдаги бош гоёни хатосиз белгиланиш, таҳлил ва талқинда саёзлик ва ўзбошимчаликка эрк бермаслик учун ҳам ўша истилоҳий мазмун ёки унга тегишли маълумотлардан хабардор бўлмоғи лозим. Акс ҳолда бемалол ёлғон тўқиш, бағоят жўн қарашларга асосланиб «илмий» шарҳлар битиш жуда осонлашади.

Тасаввуф истилоҳида сир ҳам руҳга ўхшаб вужуд бағридаги бир латифликдир ва у мушоҳада жойи ҳисобланур. Абдулкарим Кушайрийнинг ёзишича, аҳли тасаввуф «сирнинг руҳда жуда латиф, руҳнинг эса қалбдан жуда шарафли эканлигига» ишонч билдиришган.

Уларнинг нуқтан назарида, ҳур, покиза, тўғри

кишиларнинг қалблари сирларнинг мазҳаридир. Чунки ҳур шахснинг қалбида туғилган сир ҳеч пайт ташқарига чиқмас. Мана шу учун Навоий ишқ сиррига тил маҳрам бўлолмаслиги ҳақида гапирган. Тил маҳрам бўла олмагач, табиийки ишқ асрорини ошқор этишга сўзнинг ҳам куч ва имконияти етишмайди. Навоий бу тўғрида «Балоеъ ул-бидоя» девонидаги ғазалларидан бирида мана нима дейди:

Сирри ишқимни тилармен шарҳ қилмай англасанг,
Ким эмас ишқ оятига маҳрами асрор лафз.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: Хўш на тил, на сўз билан шарҳлаб бўлмайдиган ўша сир қандай наёдо бўлади? Уни қандай тасаввур айлаш лозим? Тасаввуфга бағишланган қадимий манбаларда бундай саволларга жавоблар мавжуд. Масалан, Шаҳобиддин Умар Сухравардий «Аворифул - маориф» асарида шундай дейди: «Нафс тасфия ва тазкия этилгач руҳ нафснинг қоронғулик ва ёмонликка йўналтирувчи таъсиридан халос бўлади. Натижада Ҳаққа қараб қурбият мақомларига юксала бошлайди. Шунда қалб ҳам муҳимлашгувчи ҳолатидан ажралиб руҳга томон йўналар, ундан келадиган амр ва ишоратларни қабул айлашга бошлар. Ўзининг сифатларига кўшимча ўлароқ бошқа олий сифатга етишар. Қалбдан ҳам мусаффо ва шарафли ушбу сифатни англаш қийин бўлганлиги учун унга сир номи берилмишдир». Ҳазрат Навоийнинг:

Чун кўнгулдир қалбу тил ғаммоз, махфий розини,
Жон ҳаримидин бу иккига ҳувайдо қилмангиз.

Дея ҳатто кўнгулга ҳам ишончсизлик билдиришларининг туб сабаби мана шунда.

Тасаввуфда сир икки турга ажратилган: биринчиси – Ҳаққа оид сир. Иккинчиси – халққа оид сир. Ҳаққа оид сир ёлғиз Ҳаққа аён, бошқа мутлақо ошкор қилинмайдиган сир. Халққа оид сир эса Ҳақ билан қул ўртасидаги сир. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам зоҳир қилинмаслиги керак. Чунки улар чин ошиқларга, хусусан, валийларга ишониб тонширилур. Абдулкарим Қушайрийнинг эътирофи бўйича, «Олимлар илмни тарқатишга мажбурдирлар. Валилар эса сирларни яширишга. Агар олимлар илмнинг далилларини пинҳон тутадиган бўлсалар жаҳаннам оташига ёнурлар. Валийлар эса узларига тонширилган сирларни ошкор айлайдиган бўлсалар ўша сирлардан маҳрум этилувлар».

Шундай воқеалар ҳақиқатда бўлган ҳам. Масалан, Ибн Арабийнинг мана бу сўзларини бир далил ўлароқ қабул қилиш мумкин: «Ҳижрий 594 йилда Фаз шаҳрида булганимда Алюҳ менга бир сир берди. Мен бу сирни ҳар кимга ошкор этдим. Чунки унинг ўзгаларга айтиб бўлмас сирлардан эканлигини билмасдим. Шу туфайли севгилимдан озор чекдим, яхшигина огоҳлантирилдим□». Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳам севгилидан озор чекмаслик, ҳам орифлик маслагига қарши бормаслик учун кўнгил ва тилнинг ожизликларини фож қилиш билан кифояланмасдан, шўрлик кўнгилни чок-чок этиб, тилни эса юз тилим айлаб улардан батамом озод бўлишни қўлайди:

Чок-чок айлаб кўнгулни, тилни айлаб юз тилим,

Танслаб илларга, аърнинг ёди қатъо қилмангиз.

Шарқ шоирларининг дунёга қарши туриш ва боришлари

кўпинча Кўнгилга тобе бўлганликлари туфайлидир. Бу гап Навоийга ҳам тегишли. Шунинг учун таҳлил этилаётган ғазалдаги кўнгилга доир фикр ва баҳоларни тўғри маънода англамаслик керак. Чунки шоир тил ва кўнгилга «Чун кўнгулдур қалбу тил ғаммоз», дея «айб» қўяр экан, зинҳор-базинҳор қаллоб, фирибгар, сотқин каби салбий мазмунларни назарда тутган эмас. Балки руҳга нисбатан ҳам сирнинг латифлиги, мушоҳадага кенг имкон очиши ва кўнгилдан ҳам юксак мақомда туришини шоирона ифодаларда таъкидлашни кўзлаган, ҳолос. Сир масаласида маломатийлар сўфий ва мугасаввуфлардан ҳам илгарилаб, «ҳол» Аллоҳ ила қул орасидаги сирдир, уни асло ошкор айламаслик керак, деб қарор қилинган. Шу боис улар «ҳол»ни юзага чиқарадиган ҳар қандай ҳаракат, жумладан, зикр ва самоъ, важд, ҳаяжонга берилишдан мутлақ тарзда ўзларини тийишган. Навоий маломатийларнинг фикр-қараш ва талабларини ҳам мукамал билган. Шунга қарамасдан, алал — оқибат ўзини ишқ сирини дурларини асрашнинг уддасидан чиқмаган нозимлардан ҳисоблаб демиш:

Чун Навоий ишқ розин асрай олмай қилди фони,

Отини роз аҳли тумморида иншо қилмангиз.

Бу дунёда сирнинг тур ва «тармоқ»лари беҳисоб. Биров билганини сир сақласа, биров билмаганини сир тутишга уринади. Кимдир ҳақиқатни сир сақласа, кимдир ёлғонни. Кимнингдир кўнглига сир меҳр-муҳаббат уруғини сочса, яна кимнингдир бағрида адоват ва ҳасад ўтинини ёқади. Сир қай бир зотларни ўзаро яқинлаштирса, бошқа бировларни бир-биридан узоқлаштириши мумкин. Лекин ошқ сирини

энг латиф, энг позик ва энг ҳаётбахш ҳис-туйғуларнинг қайноғи эрур. Ана шунинг учун ҳам шеърхон Навоийнинг «ишқ розин асрай олмай» ошкор қилишини чин дилдан қувватлайди. Ва сири нафс, сири тариқат, сири ҳақиқат, сири тажаллиёт кабилар хусусида кўпроқ билиш, кўпроқ мушоҳада қилишни истади»¹.

8-топшириқ. Мақолада: «Алишер Навоийнинг тўққиз байтдан таркиб топган ушбу ғазали улуғ шоирнинг кексалик чоғларида яратилган ва «Бадоеъ ул-васат» девонига киритилган. Эҳтимол шунинг учун ҳам ғазалнинг илк мисраларини ўқишданоқ, шеърхон катта ҳаёт тажрибасига эга донишманд ўғитларини тинглаётгандай бўлади», деган мулоҳаза ҳам бор. Бу фикрга қўшиласизми, қўшилмайсизми? Нега?

9-топшириқ. Навоийнинг сир сақлаш одоби мавзусидаги яна қайси ғазалларини ўқигансиз? Бу ғазалларнинг насрий баёнини дафтaringизга ёзинг.

10-топшириқ. Навоийнинг иккита ғазалига юқоридаги тартибда шарҳ ёзишга уриниб кўринг. Уларни ўртоқларingиз билан муҳокама қилинг.

¹ Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф сабоқлари . «Бухоро давлат университети нашриёти», Бухоро, 2000, 121-127-бетлар

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, - Т.: 2008.
2. Б. Тўхлиев. Адабиёт ўқитиш методикаси. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2010 й.
3. Қодиров В. Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва счимлар. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009. -244 б.
4. Хусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омилли. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. 368 бет.
5. Замонавий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров -Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. -120 бет.
6. Йўлдошева Н., Муродова С. Адабиёт дарсларида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг афзаллиги. -Т.: ИНТ ва нашр ишлари бўлими, 2007. -14 б.
7. Мадаев О. Ўқувчилар билимини баҳолашда вақтдан самарали фойдаланиш усуллари. –Т.: МЧЖ “Тезкор”, 2007. -24 б.
8. Усмонова К. Адабиётдан замонавий дарс турлари. -Т.: 2007. 39б.
9. Сайидахмедов Н. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. –Т.: “Университет”, 2005.
10. Akademik litseylarning aniq fanlar yo'nalishidagi tarmoq ta'lim standarti va chuqurlashtirilgan fanlar o'quv dasturlari... Ona tili va adabiyoti /Mualliflar: A. Nurmonov, N. Mahmudov, A. Sobirov, N. Qosimova, Sh. Yusupova. – Т.: O'qituvchi, 2005, 366 в.
11. Матжонов С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. – Т.: Ўқитувчи, 1996, 19-бет.
12. Зуннунов А., Ҳотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1992. 332 бет
13. Ҳайитов А., Боймуродов Н. Таълимда ноанъанавий дарслар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш. –Т.: “Янги аср аълоли”, 2006.

3- мавзу

Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини ошириш йўллари. Адабиёт дарсларида кўргазмалилик. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш.

Таълим бериш технологияси

Машгулот вақти -80 дақиқа	Талабалар сони 8-10 нафар
Машгулот шакли	Сухбат, баҳс-мунозара
Лаборатория машгулоти режаси	<ol style="list-style-type: none">1. Нутқ ўстириш тушунчаси ва унинг моҳияти.2. Кўргазмалилик мазмуни ва уни амалиётга татбиқ этиш.3. Мустақил ишларнинг аҳамияти.4. Юқоридаги мавзулар юзасидан талабалар тақдироти таҳлили.
Машгулотнинг мақсади: Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини ошириш усуллари, адабиёт дарсларида кўргазмалилик, ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ҳақида олинган билимларни мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: † Нутқ, унинг шакллари ҳақида суҳбат. Ўқувчилар нутқига қўйиладиган талаблар. Нутқнинг ўқувчилар гафаккурини ўстиришдаги ўрни. Ўқувчилар нутқини ўстиришнинг бошқа ўқув предметлари билан боғлиқлиги.	Ўқув фаолияти натижалари: † Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқига эътибор бериш, талаффуз ва имлодаги камчиликларни бартараф қилиш, ифодали ўқиш малакаларини шакллантириш. † Ҳар бир дарсга кўргазма қуроллар билан тайёргарлик

<p>† Кўргазмалилик, кўргазма шакллари, кўргазма қуроллар қандай тайёрланиши ҳақида суҳбат.</p> <p>† Адабиёт дарсларида бажариладиган мустақил ишлар ҳақида суҳбат.</p>	<p>кўрилиши, овоз кўргазмалилиги.</p> <p>† Талабаларни мустақил амалий фаолиятга ўргатиш, билимларини бойитиш, мустақил ишларни олиб бориш кўникма ва малакаларини шакллантириш.</p>
<p>Таълим бериш усуллари</p>	<p>Оғзаки баён, баҳс-мунозара, (“БББ” усулида).</p>
<p>Таълим бериш шакллари</p>	<p>Ялпи, якка, жуфтликлар билан ишлаш.</p>
<p>Таълим бериш воситалари</p>	<p>Уқув қўлланма, проектор, слайдлар, кўргазмали қуроллар, тарқатмалар, дарсликлар, методик қўлланмалар.</p>
<p>Таълим бериш шароити</p>	<p>ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория.</p>
<p>Мониторинг ва баҳолаш</p>	<p>Оғзаки назорат: савол-жавоб.</p>

**3- лаборатория машғулотининг:
технологик харитаси**

Иш босқичла ри ва вақти	Фаолият мазмуни	Таълим олувчилар
Тайёргар лик босқичи	<p>1. Мавзу буйича лаборатория машғулоти режасини тайёрлаш.</p> <p>2. Тақдимот слайдларини тайёрлаш.</p> <p>3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Лаборатория машғулотида фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар рўйхатини тайёрлаш.</p>	<p>Тинглайдилар Куратдилар, ёзиб борадилар.</p> <p>Танишадилар. Кўчириб оладилар.</p>
1. Машгул отнинг кириш босқичи (15 дақиқа)	<p>1.1. Мавзу доскага ёзилади. Слайдлар ва адабиётлар рўйхатини берилиб, уларга қисқача таъриф берилади (1- илова).</p> <p>1.2. Учинчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезони билан таништиради (2- илова).</p> <p>1.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради ёки тест(1-илова) утказди.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p>

<p>2. Асосий босқич (55 дақиқа)</p>	<p>2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намоён қилиш ва изоҳлаш.</p> <p>2.2. Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини ошириш мавзуси юзасидан талабалар томонидан тайёрланган амалий ишлар тақдимотини кузатиш.</p> <p>2.3. Адабиёт дарсларида қўرғазмалилик мавзуси юзасидан талабалар томонидан тайёрланган амалий ишлар тақдимотини кузатиш.</p> <p>2.4. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш мавзуси юзасидан талабалар томонидан тайёрланган амалий ишлар тақдимотини кузатиш.</p> <p>2.5. Мавзуга доир саволлар бериб, мавзунини мустаҳкамлайди. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги саволлар берилди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Тил ва нутқ тушунчаларига таъриф беринг. - Нутқ устириш нима? - Нутқ устиришда қандай йуналишлар ажратилади? - Нутқ турлари (ички ва ташқи, оғзаки ва ёзма) ҳақида гапиринг. - Ўқувчилар нутқига қўйиладиган талабларни санаг. 	<p>Тинглайдилар, ёзадилар, таҳлил қиладилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p> <p>Тинглайдилар ёзадилар.</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p>
--	--	--

	<p>- Кургзмалилик нима?</p> <p>-Адабиёт дарсларида кургзмалиликнинг вазифаси.</p> <p>- Кургзмалилик турлари (экран кургзмалилиги, кургзмали альбомлар, бадиний расмлар, график қўлланмалар, товуш кургзмалилиги, харита-схемалар) ҳақида гапиринг.</p> <p>- Қандай мангулотлар мустақил ишларни ташкил этишнинг оммавий турларидан бири саналади? -- (Тўғарак мангулотлари)</p> <p>- Мустақил уқини шакллари ҳақида гапиринг.</p> <p>- Адабий таълимда китобхонлик муаммоси.</p>	
<p>3. Яқуний босқич (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Таъабалар томонидан берилган саволларга жавоб берилади.</p> <p>3.2. Мустақил ишлар учун топшириқ берилади.</p> <p>3.3. Таъабалар томонидан тайёрланган тақдимотлар таҳлил қилинади ва баҳоланади.</p>	<p>Саволлар берадилар.</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

Тест саволлари

1. Ўқувчилар нутқига қўйиладиган талабларни белгиланг.

- А. Нутқнинг мазмундор бўлиши.
- Б. Нутқ мантиқий изчил бўлиши.
- С. Нутқ аниқ ва тушунарли бўлиши.
- *Д. А, Б, С.

2. Ёзма нутқни ўстиришда қайси ёзма иш турини ўтказиш самарали натижа беради?

- А. Диктант.
- Б. Баён.
- *С. Иншо.
- Д. Қатра.

3. Сўзлашув услуби адабий тилнинг қандай шакли саналади?

- * А. Оғзаки.
- Б. Ёзма.

С. Сўзлашув услуби адабий тилга мансуб эмас, у шеваларнинг жонли ифодаси саналади.

Д. А ва Б.

4. “Мумкин бўлган ҳамма нарса туйғуларнинг ҳис этилиши учун етказилиши керак”. Кўргазмалилик ҳақидаги юқоридаги фикр ким томонидан айтилган?

- А. Х. Ш. Яндариев.
- * Б. Я. А. Коменский.

С. К. Д. Ушинский.

Д. Е. Н. Колоколцев.

5. Адабиёт дарсларида харита-схемалардан қайси жараёнда фойдаланган маъқул?

А. Бадиий асар таҳлилида.

* Б. Адиб ҳаёти ва ижодини ўрганишда.

С. Синов дарсларида.

Д. Ифодали ўқиш дарсларида.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т. «Маънавият», 2008.

2. Karimov N., Mirzayev T., Nazarov B., Normatov U., Qosimov B. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. — T.: Ma'naviyat. 2002.

3. Karimov N., Nazarov B., Normanov U., Yo'ldoshev Q. Adabiyot: umumiy o'rta ta'lim maktablarining 11-sinfi uchun darslik. — T.: O'qituvchi, 2004.- 384 bet.

4. Karimov N., Normatov U. Adabiyot 5-sinf uchun darslik-majmua. — T.: O'qituvchi, 2000.

5. Qosimov B., To'xliyev B., Yo'ldoshev Q. Adabiyot. O'rta umumta'lim maktablarining 10-sinfi uchun darslik. — Toshkent, "O'qituvchi", 2004.

6. Qosimov B., To'xliyev B., Yo'ldoshev Q. Adabiyot. (Majmua) O'rta umumta'lim maktablarining 10-sinfi uchun. Toshkent, "O'qituvchi", 2004.

7. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. — T. Xalq qerosi

nashriyoti, 2004/

8. To'rayev D. Yangi o'zbek adabiyoti. — T.: Fan. 2008.

9. To'xliyev B. Adabiyot. Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. T.: O'qituvchi. 2005.

10. To'xliyev B., Abdurahmonova B. Adabiyot. (Majmua) Akademik litsey va kasb-hunar kollejlarning 1-bosqichi uchun. — T.: Cho'lpon. 2010.

11. To'xliyev B., Mirsamiqova R., Ametova O. Adabiyot. (Majmua) Akademik litsey va kasb-hunar kollejlarning 2-bosqichi uchun. — T.: Cho'lpon. 2010.

12. To'xliyev B., Shermurodov T., Isayeva Sh. Adabiyot. (Majmua) Akademik litsey va kasb-hunar kollejlarning 3-bosqichi uchun. — T.: Cho'lpon. 2010.

13. Vohidov R.J., Eshonqulov H.P. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi, - T.: 2006.

14. Абдувалитов Е. Миллий мактабларда қардон халқлар адабиётини қиёсий ўрганишнинг методологик асослари. — Т.:Фан, 2008

15. Замонавий дарс. / Маъсул муҳаррир Ш. Шомансуров -Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007.

16. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. — Тошкент, Ўқитувчи, 1996.

17. Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. Методик қўлланма, 7-синф «Ўзбек адабиёти» дарслик мажмуаси учун. Т.: «Ўқитувчи» 1997.

18. Йўлдошева Н., Муродова С. Адабиёт дареларида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг

афзаллиги. – Т.: ИПТ ва нашр ишлари бўлими, 2007.

19. Мадаев О. “Адабиёт – сўз санъати” мавзусини ўрганиш. – Т.: 2008.

20. Мадаев О. Ўқувчилар билимини баҳолашда вақтдан самарали фойдаланиш усуллари. –Т.: МЧЖ “Тезкор”, 2007.

21. Мадаев О. Иншо қандай ёзилади. – Т.: Ўқитувчи, 1995

22. Матжонов С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. – Т.: Ўқитувчи, 1996.

23. Махмутов М. И. Современный урок и пути его реализации. – М., 1978.

24. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти, - Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.

25. Мирқосимова М. Ўқувчиларни адабий-эстетик таҳлилга ўргатиш. Т.: 1994.

26. Рыбникова М. А. Очерки по методике литературного чтения. – М., 1985

27. Сафо Матжон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. (Ўқитувчилар учун методик қўлланма). – Т.: Ўқитувчи, 1995.

28. Тўхтисев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2010

29. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарт ва ўқув дастури. Она тили. Адабиёт. Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун). / Таълим тараққиёти. ЎЗР ХТВнинг Ахборотномаси, 1-махсус сон, – Тошкент, Шарқ, 1999, 226-240-бетлар.

30. Қодиров В. Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва

ечимлар. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009.

31. Фафуров И. Мангу латофат. — Т.: Шарқ, 2008.

32. Хусанбоева Қ. Адабиёт — маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.

Таянч сўзлар: оғзаки ва ёзма нутқ, нутқ ўстириш усуллари, кўргазмалилик, кўргазмалилик шакллари, мустақил ўқиш, тўгарак машғулоти, махсус компьютер, техник восита, электрон дарслик.

4- мавзу	Амалий топшириқлар: умумий ўрта таълим мактаблари ва АЛларнинг адабиёт дастурлари мазмуни, таркиби. Уларни қиёслаш, ўхшаш ва фарқли томонларини белгилаш, ундаги адабиёт намуналари таҳлили устида ишлаш усуллари.
----------	--

Таълим бериш технологияси

Машгулот вақти -80 дақиқа	Талабалар сони 8-10 нафар	
Машгулот шакли	Сухбат, баҳс-мунозара	
Лаборатория машгулоти режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Умумий ўрта таълим мактаблари адабиёт дастурлари мазмуни, таркиби. 2. АЛларнинг адабиёт дастурлари мазмуни, таркиби. 3. Дастурларни қиёслаш, ўхшаш ва фарқли томонларини белгилаш. 4. Дастурлардаги адабиёт намуналари таҳлили устида ишлаш усуллари. 	
<p>Машгулотнинг мақсади: Талабалар томонидан умумий ўрта таълим мактаблари ва АЛларнинг адабиёт дастурлари мазмуни, таркиби ҳақида олинган тушунчаларни умумлаштириш, мустаҳкамлаш. Уларни қиёслаш, ўхшаш ва фарқли томонларини белгилаш, ундаги адабиёт намуналари таҳлили устида ишлаш усуллари тўғрисида кўникма ва малакалар ҳосил қилиш.</p>		
<p>Педагогик вазифалар:</p> <p>†Ўқув дастурида кўзда тутилган мақсадни очиб бериш;</p> <p>†Умумий ўрта таълим мактаблари адабиёт дастурлари</p>	<p>Ўқув фаолияти натижалари:</p> <p>†Умумий ўрта таълим мактаблари адабиёт дастурлари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил бўлиши.</p>	

<p>мазмуни юзасидан суҳбат.</p> <p>†АЛ адабиёт дастурлари мазмуни ва таркиби юзасидан суҳбат.</p> <p>†Дастурларни қиёслаш.</p> <p>†Ўхшаш ва фарқли томонларни белгилаш.</p> <p>Дастурлардаги адабиёт намуналари таҳлили юзасидан олинган билимларни мустаҳкамлаш.</p>	<p>†АЛ адабиёт дастурлари мазмуни ва таркиби юзасидан тушунча ва тасаввур ҳосил бўлиши.</p> <p>†Дастурлардаги узиғилик ва улуксизлик, ўхшаш ва фарқли томонларни тасниф қила олиш.</p>
<p>Таълим бериш усуллари</p>	<p>Оғзаки баён, муаммоли вағият, баҳс-мунозара, ("Ақлий ҳужум" усулида).</p>
<p>Таълим бериш шакллари</p>	<p>Ялпи, якка, жуфтликлар билан ишлаш.</p>
<p>Таълим бериш воситалари</p>	<p>Ўқув қўлланма, проектор, слайдлар, кўргазмали қуроллар, тарқатмалар, дастурлар, дарсликлар, методик қўлланмалар.</p>
<p>Таълим бериш шароити</p>	<p>ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория.</p>
<p>Мониторинг ва баҳолаш</p>	<p>Оғзаки наъorat: савол-жавоб.</p>

4-лаборатория машғулотивининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи	<ol style="list-style-type: none"> 1. Мавзу бўйича лаборатория машғулотиви режасини тайёрлаш. 2. Тақдимот слайдларини тайёрлаш. 3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. 4. Лаборатория машғуловтида фойдаланиш мумкин булган адабиётлар рўйхатини тайёрлаш. 	<p>Тинглайдилар Курадилар, ёзиб борадилар.</p> <p>Танишадилар Кучириб оладилар.</p>
1. Машғуловтин инг кириш босқичи (15 дақиқа)	<ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзу доскага ёзилади. Слайдлар ва адабиётлар рўйхатини бериб, уларга қисқача таъриф берилади. 1.2. Туртинчи машғуловт мавзузи, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезони билан таништиради. 1.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради еки теег ўткади(1-илова). 	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Тинглайдилар.</p> <p>Тинглайдилар.</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p>
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	<ol style="list-style-type: none"> 2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намониш қилиш ва ижолаш. 2.2 Умумий урта таълим мактаблари адабиёт дастурлари мазмуни, таркиби. Уларни қислаш, ухшаш ва фарқли томонларини белгилаш, мавзу юзасидан талабалар томонидан тайёрланган амалий ишлар тақдимотини кулатиш ва таҳлил 	<p>Тинглайдилар, ёзадилар, таҳлил қиладилар. ёзиб оладилар.</p>

2.3. АЛларнинг адабиёт дастурлари мазмуни, таркиби. Уларни қислаш, ухшаш ва фарқли томонларини белгилаш, мавзу юзасидан талабалар томонидан таерланган амалии ишлар тақдимотини қуатиши ва таҳлил қилиши.

- дастурда ўқувчиларнинг билим, кунликма ва малакаларига қўйиладиган талабларни аниқлаш.

- дастурдан мавзуларга ажратилган соатларни белгилаш;

- эпик, лирик ва драматик турдаги асарларни бир-биридан фарқлаш.

2.4 Дастурлардаги адабиёт намуналари таҳлили устида ишлаш усуллари. Таҳлил юзасидан талабалар томонидан таерланган амалии ишлар тақдимотини қуатиши.

2.5. Мавзуга доир саволлар берилди, мустақамланади. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустақамлаш мақсадида қўйидаги саволлар берилди.

- Дастур нима?

- Дастур ва дарсликларнинг узаро муносивлиги қил даражада?

- Умумий урта таълим адабиёт дастурлари ҳамда АЛ адабиёт дастурлари орасидаги ухшаш ва фарқли томонлар ҳақида таширини.

- Умумий урта таълим мактаблари учун адабиёт фанидан биринчи марта ДТС қачон яратилди? (1999 ил.)

Тинглайдилар,
таҳлил
қиладилар.

Тинглайдилар,
таҳлил
қиладилар.

Талабалар
берилган
саволларга
жавоб
берадилар.

- "Академик лицей ДТСга мунвофриқ ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал, интеллектуал ривожланиши чуқур соҳалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди". Ушбу жумла қайси манбаада ўз аксини топган? ("Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури")

- Адабий асарни таҳлил қилишда қандай тамойилларга амал қилинади? (яхлитлик, индивидуаллик, ҳиссийлик, эстетик асосларнинг устуворлиги, мукаммал ва тугал таҳлилнинг бўлиши мумкин эмаслиги, мутлоқ ҳақиқат мақомини даъво қилмаслиги, санъат асарига ғояни ифодалаш тарзида қарамаслик, санъат ҳодисасига мавжуд борлиқнинг нусхаси сифатида ёндашиш мумкин эмаслиги, асар мазмунини ҳикоялаш мумкин эмаслиги).

- Дастурда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?

- Эпик, лирик ва драматик турдаги асарларнинг бир-биридан фарқи борми?

- Ўқувчиларга тур ва жанрларни туншунтиришда ЗПТнинг ўрни ва моҳиятини изоҳлаб беринг?

Д. Дастур.

4. Мактабда адабиёт ўқитишнинг бош мақсади нима?

А. Умуминсоний қадриятларни англайдиган шахсни шакллантириш.

Б. Ахлоқан баркамол шахсни шакллантириш.

С. Ўз хатти-ҳаракатлари учун маънавий масъул бўла оладиган шахсни шакллантириш.

*Д. А, Б, С.

5. Бадиий таҳлил илмий адабиётларда қандай тасниф қилинади?

А. Индуктив ва дедуктив.

* Б. Илмий (филологик) ва ўқув (дидактик).

С. Оғзаки ва ёзма.

Д. Индивидуал ва коллектив.

Адабиётлар рўйхати:

1. И. А. Каримов. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Шарқ матбаа концерни. 1997 й.

2. И. А. Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.Т.: Ўзбекистон, 2001 й. 9-жилд.

3. "Таълим тўғрисида"ги қонун // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т., 1997, 27-бет.

4. Мадасев О. Адабиёт дарслари ва миллий мафкура. Тил ва адабиёт таълими. 1998, 2-сон, 13-16-бетлар.

5. Усмонова З. Адабиёт ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари. "Тил ва адабиёт таълими" журнали. 2005, 3-сон, 20-22- бетлар.

6. "Таълим тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси

қонуни. II-модда.

7. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томли. I т. - Т.: Фан, 1983.

8. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томли. II т. - Т.: Фан, 1983.

9. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томли. III т. - Т.: Фан, 1984.

10. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томли. IV т. - Т.: Фан, 1985.

11. Аҳмедов С. Адабиёт дарсларида эпик жанрларни ўрганиш. Адабиёт ўқитувчиларига ёрдам. - Т.: Ўқитувчи, 1986, 92 б.

12. Бобометов С. Аруз вазнидаги шеърӣ асарларни ифодали ўқиш - // Тил ва адабиёт таълими. 1992, 2-сон.

13. Болтабоев Ҳ. Профессор Фитратнинг назарий қўлланмаси. - // А. Фитрат. Адабиёт қодалари. Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. - Т.: Ўқитувчи, 1995, 3-19-бетлар.

14. Долимов С., Убайдуллаев Х. "Адабий ўқиш методикаси" Ўқув.пед.давнашр Т.: 1952 й.

15. Долимов С., Убайдуллаев Ў., Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси, - Т.: Ўқитувчи, 1967, 239-бет.

16. Голубков В. В. "Адабиёт ўқитиш методикаси" М.: 1938 й.

17. Долимов С., Убайдуллаев Х. "Адабий ўқиш методикаси" Ўқув.пед.давнашр Т.: 1952 й.

18. Долимов С., Убайдуллаев Ў. "Адабий ўқиш

методикаси", Тошкент, 1952 й.

19. Зиёдуллаева Н.Ш. Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари (А.Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди асосида), фил. фан. номз. дисс. авт. - Т.: 2000, 26б.

20. Зуннунов А.З., Ҳотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси Т.: Ўқитувчи , 1992 й.

21. Зуннунов А., Алиев А. Адабиётни бошқа ижтимоий фанларга боғлаб ўрганиш. -Тошкент, Ўқитувчи, 1982 й.

22. Зуннунов А., Ҳотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. Ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун. - Т.: Ўқитувчи, 1978.

23. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Т.: Зарқалам, 2006.

24. Исҳоқов Ф. Мактабда Гулҳаний адабий меросининг ўрганилиши. - Т.: Ўқитувчи, 1983.

25. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Тошкент. Ўқитувчи, 1996 й.

26. Йўлдошев Қ. Адабий сабоқлар. 8. Умумтаълим мактабларининг 8-синф "Адабиёт" дарслиги учун методик қўлланма. - Т.: Шарқ, 2004.

27. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П. Шамсиев, С. Иброҳимов. Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.

28. Пирназаров М. Мактабда Уйғуннинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш.- Т.: Ўқитувчи, 1972.

29. Расулов А. Танқид, Талқин, Баҳолаш. - Тошкент,Фан , 2006, 13-бет.

30. Раҳмонов В. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун

қисқача луғат. - Т.: Ўқитувчи, 1983.

31. Рыбникова М. А. Очерки по методике литературного чтения. - М., 1985. - С. 58.

32. Сафо Матжон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. - Т.: Ўқитувчи, 1996, 19-бет.

33. Сафо Матжон. Китоб ўқишни биласизми? - Т.: Ўқитувчи, 1993, 4-бет.

34. Тўхлиев Б., Саримсоқов Б. "Адабиёт" Академик лицейлар учун ўқув дастури. Тошкент, 2000.

35. Умумий ўрта таълимнинг ДТС ва ўқув дастури. Таълим тараққиёти ахборотномаси. Тошкент, Шарқ, 1999, 1-маҳсуусон.

36. Умумий ўрта таълим, АЛ ва КХК нинг дарсликлари.

37. Хусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. Тошкент, Ўзимкомцентр, 2003, 48-69-бетлар.

Таянч сўзлар: дастур, дарслик, ДТС, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури", таҳлил турлари, таҳлил намуналари, илмий ва ўқув таҳлили.

Гуруҳларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари

1-илова

Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари	1- гуруҳ	2- гуруҳ	3- гуруҳ
Максимал балл - 2			
• савол тўлиқ ёритиб берилди (0,5 балл)			
• жавоблар етарли даражада касослаб берилди (0,5 балл)			
• гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги (0,5 балл)			
• берилган саволларга жавоб берди (0,3 балл)			
• регламентга риоя қилди (0,2)			
Жами: (2 балл)			

1,5 – 2 балл - «аъло»

1,0 – 1,4 балл - «яхши»

0,5 – 0,9 балл - «қониқарли»

0 - 0,4 балл - «қониқарсиз»

5-мавзу.	<p align="center">Ноанъанавий дарсларнинг турлари, уларни ташкил этишнинг шакл ва усуллари. Замонавий эпик асарлар таҳлили.</p>
----------	--

Таълим бериш технологияси

<p>Машгулот вақти 80 дақиқа</p>	<p align="center">Талабалар сони 10-13 гача</p>	
<p>Машгулот шакли</p>	<p align="center">Лаборатория. Сухбат, дебат, савол-жавоб</p>	
<p>Машгулот режаси</p>	<p align="center"> 1.Ноанъанавий дарсларнинг турлари ҳақида. 2.Ноанъанавий дарсларни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари. 3.Асарлар таҳлилида ноанъанавий усуллардан фойдаланиш йўллари. </p>	
<p>Ўқув машгулотининг мақсади: Талабаларга ноанъанавий дарс шаклларини ўргатиш, уларни янги педагогик технологиялар билан таништириш.</p>		
<p>Педагогик вазифалар: †Ўқув дастурида кўзда тутилган мақсадни очиб бериш. †Ўтиладиган мавзу мақсади ва вазифалари. Мавзу доирасида тушунча бериш; †Таълим босқичларида янги педагогик технологиялар билан таништириш.</p>	<p>Ўқув фаолияти натижалари: †Ўтилган мавзуларни шарҳлаб бериш; †Ўқитишда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни ҳақида маълумот бериш; †мавзунинг моҳияти, мақсадини англаб етиш.</p>	
<p>Таълим бериш усуллари Таълим бериш шакллари</p>	<p align="center">Сухбат, савол-жавоб Оммавий, жамоавий</p>	

Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, тарқатмалар, слайдлар
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

1.2. Лаборатория машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлик босқичи	<p>1. Манзу буйича лаборатория ишланмасини тайёрлаш.</p> <p>2. Лаборатория ишланмаси учун тақдимот слайдларини тайёрлаш.</p> <p>3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Ўқув фанини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тузиш.</p>	
1. Мавзуга кириш (18 дақиқа)	<p>1.1. Мавзу доскага ёзилади. Слайдлар ва адабиётлар рўйхатини бериб, уларга қисқача таъриф берилди.</p> <p>1.2. Лаборатория машғулотининг мақсади ва режаси тушунтирилади.</p> <p>1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезони билан таништирилади (1 илова).</p> <p>1.4. Талабалар билимини фиолланштириш мақсадида саволлар берилди.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p>

<p>2. Асосий босқич (55 дақиқа)</p>	<p>2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш. Шу асосда ноанъанавий дарс кўриниши билан таништириш.(2-илова)</p> <p>2.2.Мавзунинг таълим босқич-ларидаги аҳамияти.(3-илова)</p> <p>2.3.Талабалар бажариши лозим булган лаборатория ишлари: - дастурда ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талабларни аниқлаш; -ноанъанавий дарсларни ташкил этиш усулларини урганиш; -замонавий эпик асарлар юзасидан ноанъанавий дарс учун мўлжалланган дарс ишланма тайёрлаш.</p> <p>2.4.Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида кўйидаги саволлар берилади: 2.4.1.Ноанъанавий дарс ташкил этиш усун қандай курғазмалар, тарқатмалар тайёрлаш мумкин? 2.4.2.Дарс жараёнида ўқувчиларни кичик гуруҳарга бўлиш қандай натижа беради? 2.4.3. Ноанъанавий дарс ташкил этишда ЗПТ қандай аҳамиятга эга?</p>	<p>Тинглайдилар, ёзидилар</p> <p>Ёзиб оладилар</p> <p>Тинглайдилар, ёзидилар</p> <p>Талабалар мустақил фаолият олиб борадилар</p> <p>Талабалар оғзаки ва ёзма жавоб берадилар</p>
<p>3. Яқуний босқич (10 дақиқа)</p>	<p>3.1.Замонавий эпик асар буйича бир соатлик дарс ишланма тайёрлаш. 3.2.Тарқатма материаллари тайёрлаб, уларнинг вазифалари ҳақида маълумотлар келтириш.</p>	<p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

Таянч сўзлар: технология, яратиш, қўллаш, тизим, метод, дастур, дарслик, тур, жанр, таъриф, педагогик технология, замонавий технология, педагогик жараён, махсус компьютер, техник восита, электрон дарслик.

Бугун шиддат билан олға интилаётган замонда билимларни ўзлаштириш, тегишли кўникма ва малакалрга эга бўлиш энг долзарб муаммо бўлиб турибди.

Демак, ахборотларнинг кўпайган бир шароитида уларни ўз вақтида ва мукамал ўзлаштириш, саралаш, кераклиларини билиб олиш, улар борасида тегишли кўникмаларни ҳосил қилиш, бу кўникмаларнинг малаклар даражасига кўтариш орқали амалиётга татбиқ этиш ҳам муҳимлигича қолади.

Айниқса, техника ва технологияларнинг, компьютерлашти-ришнинг шиддат билан ривожланиб бораётган асрида бу масъулият янада ортимоқда.

Бу бежиз эмас. Янги замонавий технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари ниҳоятда кўп. Уларнинг энг муҳими сифатида таълим тизимидаги педагогик натижаларнинг анчагина самарали бўлишини кўрсатиш мумкин. Унинг ёнида яна қуйидагиларни санаш мумкин:

1. Вақтдан энг унумли тарзда фойдаланиш имкониятининг ортбиши.

2. Бир дарс давомида шакли ва мазмунига кўра ранг-баранг бўлган материаллардан кеенроқ фойдаланиш натижасида ўқувчиларнинг билиш фаолиятларига ижобий таъсирнинг кучайиши;

3. Ўқувчи ва талабаларнинг мустақил фикрлаш учун имконият ва иштиқининг ортиши.

4. Фақат дарслик материаллари билан чекланиб қолмасдан, турли слайд, анимация, мультимедия, овозли роликлар, интерфаол ўйинлардан фойдаланиш эвазига ўқувчиларнинг мазкур фанга бўлган қизиқишларининг кучайиши.

5. Ўқитувчидаги ижодкорлик, ташаббускорликнинг шогирдларига “юқтириш” жараёнининг реалликка айланиши.

6. Ҳар бир ўқувчи ва талаба билан индивидуал ишлашга шароитнинг кенгайиши ва б.

Техник ва технологик имкониятларнинг кенгайиши туфайли адабиёт дарсларида интерфаол технологиялардан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Мультимедиа проекторлар, интерфаол синф тахталари (доскалар) ва панеллар, видеоконференцалоқа тизимлари, овозлаш тизимлари аввал мавжуд бўлган муаммоларнинг кўпчилигини ҳал этишни осонлаштирамоқда. Муҳими, буларнинг барчаси адабиёт дарсларининг ҳаёт билан янада кўпроқ даражада яқинлашишига, адабий асарни тушуниш ва тушунтириш жараёнларининг қулайлаштирилишига муҳим омил вазифасини адо этмоқда.

Компьютер технологиясидан унумли фойдаланиш асосида асарларнинг экранлаштирилган, овозлаштирилган намуналари билан танишиш мазкур асарларнинг мағизмоҳиятини теранроқ тушуниш имконини юзага келтиради. Энг муҳим нуқталарга алоҳида урғу беришга шароит яратди.

Биргина мисол келтирайлик. Низомий номидаги ТДПУ ахборот технологиялари маркази билан ҳамкорликда Навоий ғазалларининг матни компьтер экранига олиб чиқилди. Матнинг ёнида унинг насрий баёни, луғати илова қилинди. Буларнинг ёнида эса мазкур ғазалнинг машхур хонандалар ижросидаги қўшиқ варианты ҳам келтирилди. Уларнинг ҳар биттаси алоҳида-алоҳида тугмчалар орқали амалга оширилади. Бунинг устига уларнинг тегишли бадиий-эстетик талабаларга жавоб бера оладиган дизайни тингловчи ва умуман, улардан фойдаланувчиларнинг санъат асарларига, жумладан, бадиий адабиётга бўлган қизиқишларини орттиради, улардаги бадиий-эстетик диднинг кучвайишига ижобий таъсир кўрсатади.

БИР ҲИКОЯ ТАҲЛИЛИ
(“ЕТИМ ҚОЛГАН ГУЛЛАР”) БЎЙИЧА БЛУМ
ТАКСОНОМИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ НАМУНАСИ

Таксономия босқичлари	<i>Савол ва топшириқ намуналари</i>
Билим	<p>Ҳикоя номини <i>изоҳланг</i>.</p> <p>Ҳикоя қаҳрамонларини <i>сананг</i>.</p> <p>Асарда тасвирланган воқеаларни <i>баён этинг</i>.</p> <p>Ҳикоя қачон ёзилган, муаллифи ким?</p>
Тушуниш	<p>Ҳикоянинг нега аннан шундай тугалланганлиги сабабини <i>шарҳланг</i>.</p> <p>Аёл тимсоланинг асар сюжетидаги урнини <i>тушунтиринг</i>.</p> <p>Шабда, шамол, бурон тасвирини <i>тушунтиринг</i>.</p> <p>Шундан кейин нима бўлишини <i>чамаланг</i>.</p> <p>Бу тасвир нимани аниқлашини уз сузларингиз билан <i>айтинг</i>.</p> <p>Ҳикоянинг қисқача мазмунини <i>баён қилинг</i>.</p>
Қўллаш	<p>Асар воқеаларини узингизга <i>нисбат бериб кўринг</i>.</p> <p>Қиссадаги воқеалар <i>бугун қандай кечган бўларди деб ўйлайсиз?</i></p> <p>Аёл билан <i>суҳбатлашиб кўринг</i>.</p> <p>Ундан <i>интервью олинг</i>.</p>
Таҳлил (анализ)	<p>Аёл ва қўшнилари хатти-ҳаракатлари сабабини <i>изоҳланг</i>.</p> <p>Қўшниларики нега шундан йул тутганлигини <i>шарҳланг</i>.</p> <p>Гуллар ва буроннинг бир-бирига муносабатини узаро <i>солиштиринг</i>.</p> <p>Аёл ва бошқаларнинг табиати билан уларнинг хатти-ҳаракатларини <i>қиёсланг</i>.</p> <p>Мавжуд шароит қаҳрамонлар табиатига қандай таъсир қилганини <i>тушунтиринг</i>.</p>

Умумлаштириш (синтез)	Ушбу ҳикоя сюжетини <i>тахрир киритинг</i> . Асар тугалланишини <i>ўзгартиринг</i> . Ўзингизни қаҳрамонларнинг <i>ўрнига қўйиб кўринг</i> . Қисса мавзуси бўйича <i>шеър ёки ҳикоя ёзинг</i> .
Баҳолаш	Асар якунини <i>баҳоланг</i> . Ҳикояга <i>тақриз ёзинг</i> . Асар қаҳрамонларини <i>оқланг ёки қораланг</i> . Қисса хотимаси ҳаётий ёки аксинчалигини <i>исботланг</i> .

Эпик асарларни ўрганишда ноанъанавий усуллардан бири ўқувчиларга роллар бериб, ижро маҳоратларини, нутқ ва иштирок меъёрларини белгилаб олиш. Унда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилади.

Роллар	Қилинадиган ишлар
Топагон	Ҳикоя матндан асарнинг мазмуни, моҳияти, композицияси, образлар тизимининг ўзига хосликлари акс этган асосий таянч <i>сўзларни топади ва танлайди, уларни изоҳлайди</i>
Изқувар	Ҳикоянинг бош ва икинчи даражали қаҳрамонлар, рамзий образларнинг <i>хатти-ҳаракатлари ва ўйларини</i> турли чизма, схема, график восита ва жадваллар воситасида <i>кўрсатмали акс эттиради</i>
Тадқиқотчи	Таянч сўзлар ва чизмаларга таяниб бош қаҳрамон — гулни парвариш қилаётган аёлнинг <i>психологик портретини яратади</i> ва унинг хатти-ҳаракатлари <i>сабабини аниқлайди, изолайди</i> .

Алоқачи	Бадий матн билан ҳаёт орасидаги алоқани топади, адабий қаҳрамонни з нуқтаи назари билан баҳолайди
Ажратувчи	Фақат шу асарда учраб, унинг ўзига хоелиги, ўқимишлилигини таъминлаган <i>ноёб сўз, бирикма ва ифодаларни топади</i> ва гуруҳ аъзолари эътиборига ҳавола қилади
Безакчи	Бош қаҳрамон ва етакчи тимсоллар, уларнинг хатти-ҳаракатлари, асар воқеалари кечган шароитни акс эттирувчи <i>расмлар чизади</i>
Тақдимчи (етакчи)	Вақтни <i>назорат қилади</i> , гуруҳда материал тўплаш ва муҳокама қандай бораётганини <i>кузатади</i> . Гуруҳ номидан <i>чиқиш тайёрлайди</i> , натижани <i>тақдим этади</i> .

Таъкидлаш жоизки, интерфаол усулларни анъанавий таълим методларига мутлақо қарши қўйиб бўлмайди. Улар бир-бирларини инкор этадиган, бири бошқасига ҳалақит берадиган эмас, балки бир-бирини тўлдирадиган таълим усуллари дир. Ўқитиш жараёнида ё анъанавий, ё худ интерактив методдан бирини танлаш керак қабалида ёндашиш маърифий жаҳолатдан бошқа нарса эмас. Таълим методлари сон-саноқсиз ва уларнинг ҳар бири ўзи қўлланилаётган вазият учун бетақрор аҳамиятга эгадир. Ўқитиш жараёнида қўлланиладиган бирор методни ҳаминча самара келтирадиган универсал усул деб айтиш методика илми ва амалиётдан беҳабарликдир. Таълимнинг анъанавий методларини интерактив усуллар билан бир дарс ичида ҳам биргаликда ишлатиш мумкин. Уларни бир-бирига қарши

қўйиш педагогик мантиққа тамомила зиддир.

Хулоса қилиб айтганда, касб-ҳунар коллежларида адабиёт бўйича ўқиш ва ўқитишни интерактив методлар асосида йўлга қўйиш миллий таълим жараёнини янги босқичга кўтаради, ўқувчиларнинг билимларни мустақил ўзлаштириб, уларни кўникма ва малакалар ҳолига келтиришни тезлаштиради. Энг муҳими, интерфаол усуллар коллеж ўқувчиларининг маънавияти шаклланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатадики, бу миллат ёшлари шахсиятининг баркамоллигига хизмат қилади.

Замонавий дарс усуллари ташкил этилгандан сўнг, баҳолаш мезонлари ҳам янгиланиши зарур. Ноанъанавий дарс натижасида баҳолаш мезонларида ҳам қўйидагича ўзгаришлар вужудга келади.

№	<i>Анъанавий баҳолаш</i>	<i>Замонавий баҳолаш</i>
	Баҳолаш объекти	
1	Охирги натижа баҳоланади	Натижага бориш жараёни баҳоланади
2	Бир фан доирасидаги бир интеллект тури баҳоланади	Интеллектнинг турли типлари қоришиқ баҳоланади, фаолият қамровининг кенглигига урғу берилади
3	Билим ва кўникмалар узук-юлуқ ҳолида, тор мутахассислик йўналишида баҳоланади	Умумўқув билим ва кўникмаларининг кенглиги ва чуқурлиги, барқарорлиги баҳоланади, ижодий ўзига хослик рағбатлантради


4	Баҳо бир фан ва бир мавзуга, аини ишу саволнинг зига йўналтирилади	Баҳо ёндош тизим ва фанларни, умумидабий савияни қамраб олади
5	Боланинг тегишли билимни эгаллаши – охириги натижага эришиш	Мустақил ишлаш ва ўз-ўзини ўқитишга, ижодий фикрлашга, ҳодисаларнинг моҳиятини илғашга, топқирликка, оғзаки ва ёзма нутқ ривжиги диққат қилинади
Баҳолаш жараёни		
6	Ўқувчиларнинг билмаслик ва қилолмасликларига диққат қаратилади	Диққат ўқувчиларнинг билиш ва қила олишларига қаратилади
7	Баҳолаш муайян кўриниш билан чекланган (оғзаки, ёзма, назорат ва ҳ.к.)	Кўплаб воситалардан (портфолио, тест ва б.қ.) фойдаланиш имконини беради
8	Баҳолашда битта тугри жавоби бор топшириқлар кўпчиликни ташкил этади	Баҳолашда кўплаб ечим бўлган “очиқ” топшириқлар устувор
9	Охириги вариант сифатида фақат “оқлама” қимматга эга	Нафақат “оқлама”, балки “қоралама” ҳам қийматга эга
Баҳоловчи билан баҳоланувчиларнинг ўзаро муносабатлари		
10	Баҳо ўқитувчи томонидан қўйилади	Ўқувчиларнинг ўз-ўзини ва бир-бирини текшириши ҳамда баҳолаши рағбатлантирилади
11	Баҳонинг моҳияти – хатони кўрсатиш	Баҳо моҳияти – хатонинг олдини олиб, уларни йўқотиш

12	Ўқитувчи қози мартабасида бўлади	Ўқитувчи оқловчи ва маслаҳатчи мақомида
13	Баҳолаш гуруҳ миқёсида нисбий аҳамиятга эга бўлади	Ҳар бир ўқувчининг ўзига хос, бетакрор жиҳатлари биронга солиштирилмай баҳоланади
15	Ўқувчилар сураладиган нарсаларнигина уқинга интилади	Ўқув дастури ва ДТСлар чегарасидан чиқиб кетиш рағбатлантирилади

Ноанъанавий дарс усуллари ташкил этишда муҳим ўрин эгаллайдиган интерфаол ўйинлар билан талабалар таништирилади. Масалан:

Заковат ўйини

Ёшлар уч гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга ўтилган мавзу юзасидан саволлар тузиш вазифаси юкланади. Савол тузишга 5 дақиқа вақт берилади. Мудат тугагач, 1-гуруҳ 2-гуруҳга, 2-гуруҳ 3-гуруҳга, 3-гуруҳ эса 1-гуруҳ иштирокчиларига савол билан мурожаат этади.



Саволлар қисқа ва аниқ тузилиши керак. Бу ўйинда барча ёшларнинг фаол иштироки таъминланади. Мавзу яна бир карра мустақамланиб олинади. Ўқитувчи мулоқот жараёнини диққат билан кузатиб бориши ва ўз вақтида нотўғри жавобларни ёшлар билан бирга тузатиб бориши лозим бўлади. Голиб гуруҳ иштирокчилари педагогик рағбатлантирилади.

«Кластер» ўйини

“Кластер” инглизча сўз бўлиб, “боғлам”, “тутам”, “тарам”, “даста” маъноларини англатади. Бу усулнинг “боғлам”, “тутам”, “тарам”, “даста” маъноларидаги сўз билан аталишининг сабаби шундаки, ушбу методда ҳар бир кичик гуруҳ бутун гуруҳ олдида турган умумий муаммонинг бир жиҳатини ҳал этишга йўналтирилади. Ҳар бир кичик гуруҳ олдида умумий ўқув муаммосининг бирор қиррасини ечиш топширилади ва барча кичик гуруҳларнинг фаолияти натижасида ўқув муаммоси тўла ҳал қилинади. Бунда кичик гуруҳ аъзолари муаммони ечишда қўл келадиган далилларни имкон бориचा кўпроқ тўплашга йўналтирилади.

Масалан:

1.Эпик асарлар ҳақида нима биласиз?

1-гуруҳ: Эртақлар ҳақида маълумот беради.

2-гуруҳ: Афсона ва ривоятлар ҳақида маълумот беради.

3-гуруҳ: Достонлар ҳақида маълумот беради.

Мавзунини мустақамлаш учун тест саволлари берилса, ёки тест тузиш топширилса ҳам яхши натижага эришилади.

**6-мавзу. Mumtoz asarni o'rganishda lug'at bilan
ishlashning o'ziga xosligi. G'azal va ruboiy tahlili. Tahlil
qilishda sharhlash, nasriy bayondan foydalanish**

Mumtoz asarlarni o'rganishda lug'atlardan foydalanish
yo'llarini o'rgatish. G'azal va ruboiylarni tahlil qilish usullari haqida
ma'lumot berish

Газал ва рубойлар таҳлили

Ҳар қандай бадиий асар таҳлилида бўлгани каби ғазал
ва рубойлар таҳлилида ҳам шакл ва маъно мутаносиблиги,
шоирона топилдиқ ва кашфиётлар, уларнинг поэтик
ифодасига алоҳида эътибор лозим бўлади. Агар гап мумтоз
асарлар устида борадиган бўлса, буларнинг ёнига мазкур
асарларнинг луғат таркиби, сўзларнинг маъно
товланишларидаги фавқулоддалик, ўрни-ўрни билан эса
уларнинг рамзийлиги ҳам эътиборда бўлиши керак.

Н.М.Маллаев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров,
А.Р.Қаюмов, И.Ҳаққулов, Н.Жумахўжа, Ё.Исҳоқов
сингари олимлар, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али, Жамол
Камол, Матназар Абдуҳаким сингири ижодкорлар
томонидан амалга оширилган шарҳлар талаба ва
ўқувчиларимизнинг бадиий дидларини ортишида муҳим
омил бўлади.

Ғазаллар таҳлилида шеърӣй вазн ҳам эътибордан четда
қолмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, ғазалдаги
муסיқийлик, раволик мана шу вазн туфайли рӯёбга чиқади.
Айрим вазнларнинг шоирлар орасида анча катта шуҳрат
қозонгани бежиз эмас. Шоирлар ўз маҳоратларини ванларга

боғлиқ ҳолда ҳам намоиш этишган. Жумладан, Амир Хусрав Деҳлавий — “ул малик-ул калом бу фанда маҳорату камолидин ва амийқ табъқ дақиқ хаёлидин кўпрак баҳрда шеър айтибдур ва акса назм номатбуъ вазнда дебдур ва замон зурафосидин баъзининг солим табъи анинг балоғатидин қосир ва идрокидин мутаҳаййир, балки муганаффир эрди. Ул Ҳазратнинг ҳумоюн табълариға ғариб ихтирос ва ажиб ижтиҳоде келдиким, ҳаргиз салотиндин, балки шуаройи назм ойиндин ҳеч кимнинг хаёлиға келмайдур ва хотириға хугур қилмайдур” (Мезон ул-авзон).

Алишер Навоийнинг девонлари ҳам шу усулда тартиб берилган:

“Анинг шарҳи будурким, ул девонда ҳар ғазал бошида ул ғазал не баҳрда ва не вазнда эркнин ва аркониға қайси зиҳоф кириб, не навъ тағайюр топқанин битгайлар ва сабт қилгайлар, то барча эл ул баҳр аҳволини ва ул вазн ашколини маълум қилгайлар ва алҳақ бу хаёл асру ғариб ва нодир тушубдур, балки жамъи девон тартиб берган шуароға азим ҳаққе собит бўлубдур. Ва бу банданинг дағи тўрт девониғаким, туркча тил била назм топибдур ва абёти адади йигирма беш мингга яқинлашибдурким, ул Ҳазратнинг ҳумоюн алқобиға рақам топибдур ва музайян бўлубдур ҳам ушбу мазкур бўлғон дастур била тартиб берилибдур”.

Навоийнинг кўрсатишича паҳлавий тилидаги шеърларнинг кўпи мушокил баҳрида айтилган экан (Мажолис ун-нафоис, 84-бет). Шунингдек, “ажам тили била асли маснавий мугақориб баҳридур”. Адиб комил, воҳфир,

тавил, мадид, басит баҳрларида туркий тилда кам назм ёзилганини ҳам кўрсатган. Айни пайтда соф туркона оҳангларга мос ва муносиб вазнларни ҳам кўрсатган. Шулардан бири рамали махбун бўлса, “яна турк улуси, батахсис чигатой халқи аро шоиъ авзондурким, алар сурудларин ул вазн била ясаб, мажолисда айтурлар.

Бириси “туюғ” дурким, икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур, мундоқким:

Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабмудур?”

Ё магар шаҳду шакар ёлабмудур?

Фоилотун фоилотун фоилон

Жонима пайваста новак отқоли

Ғамза ўқин қошиға ёлабмудур?

Фоилотун фоилотун фоилон”.

“Мажолис ун-нафоис”даги яна бир фикр муътабардир. Бу “туркий” номи билан шуҳрат қозонган “ғоятдан ташқари дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятдин мутажойиз айш аҳлиға сулманд мажолис оро суруддур, андоқки, салотин ани яхши айтур элни тарбиятлар қилибдурлар, туркигўйлик лақаби била машҳур ва ул доғи рамали мусаммани мақсур вазнида воқедур, андоқким, байт:

Эй саодат матлаъи, ул орази моҳинг сенинг,

Аҳли бийниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг.

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

Ҳазрати Султон соҳибқирон (Хусайн Бойқар – Т.Б.) бу вазнининг ғоят равонлиғ ва латофатидин ва руҳпарварлиғ

ва салосатидин ўз девонларинки, жамъи давовин орасида
баданлар аро жондекдур ва қаваокиб ичра хуршиди
рахшондек воқеъ бўлубдур, бошдин-оёқ илтизом қилиб,
бу вазнда тартиб берибдурлар эрди.”

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳраи андин тилармен, баҳраманд этмас.

Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул захр чашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусни малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки қотилваши мажнун шиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Кўнгул ўз чархи золидин, фирибин емаским, охир
Ажал сариштасидин ўзга бўйунуға каманд этмас.

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

Ғазал таҳлили уни ифодали ўқишдан бошлангани
маъқул. Бу ғазал анча осойишта, босиқ оҳангни талаб этади.

Айни пайтда унда айрим сўзлар борки, уларнинг маъносини тушуниш ўқувчилар учун қийинлик қилади. Шунинг учун ҳам бу сўзларни луғат воситасида очиқлаш зарурати бор.

Биринчи байтни ўқиймиз:

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,

Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Байтнинг умумий маъноси тахминан тасаввур этилса-да, «аржуманд» деган сўзнинг маъносини англашда биров қийинчилик бўлади. Шунинг учун ҳам бу сўзни изоҳлаш керак. Изоҳлашда ўқитувчининг ўзи бу сўзни айтиб, луғавий маъносини тушунтириши, уни доскага ёзиши, компьютер мосламаси ёрдамида экранда кўрсатиши ҳам мумкин. Бундан ҳам муносиби эса ўқувчиларнинг ўзларига луғат китобларидан фойдаланган ҳолда бу сўз маъносини аниқлашни топширишдир. Масалан, бу борадаги нисбатан янгироқ луғатлардан бири Бердак Юсуфнинг «*Mumtoz adabiy asarlar lug'ati*»ни (2010 - йил) тавсия этиш мумкин. Унда юқоридаги сўз «азиз, ардоқли, иззатли, қадр-қимматли» деб изоҳланган (30-бет).

Кейинги байтдаги сўзлар ўқувчилар учун унчалик қийинлик қилмайди.

Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,

Чу улким, баҳраи андин тилармен, баҳраманд этмас.

Фақат бу ерда айрим сўзларнинг бугунги адабий тилимиздан фарқ қиладиган даражадаги талаффузига эътибор қаратиш ўринлидир. Шунингдек, байтнинг гап қурилишидаги ўзига хосликнинг ҳам эътибордан четда

қолмагани маъқул бўлади.

Агар эътибор берилса, биринчи ва иккинчи байтларнинг орасида анча катта яқинлик борлигини сезиш қийин эмас. Ҳар икки байтда ҳам инсон руҳиятидаги бир ҳолат: ўзи талпинаётган томондан муносиб жавобнинг йўқлиги ҳамда унга интилаётганлардан кўнгилининг қаноат топмаслиги билан боғлиқ безовталиқ тилга олинаётир. Бугун воқелик «мен» ва «у» оралиғида кечмоқда. Биринчи байтда менинг иштиёқим, орзу қилган одамим менинг бу истак ва ўйларимни билмайди (ёки билган тақдирда ҳам назар-писанд қилмайди), аини пайтда менга интилаётган одамдан мен ҳам қаноат топмайман деган ҳукм анланади. Кейинги байтда ҳам шу фикрга яқинлик сезилади.

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатини кўнглум писанд этмас.

Не баҳра тонқамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳраи андин тилармен, баҳраманд этмас.

Ҳап шу ердаки, Навоий юқоридаги ҳукмнинг сезиларсиз бўлиб қолмаслиги, уни алоҳида таъкидланиши учун шу йўлни танлайди. Бу ердаги фикрий такрорлар янгича, оҳори тўқилмаган шаклларда ифодаланаётгани кишига ҳузур бағишлайди.

Нетай хуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимга
Аён ул захр чашм айлаб, ниҳон бу нўнханд этмас.

Ушбу мисралар Навоий қаламининг кучини кўрсатиб бериши билан ажралиб туради. Бу ерда бутун байтга хос бўлган саноқ оҳанги (таълид), ҳаётдаги бир-бирини инкор қиладиган ҳодисалар саноғи (тазод), айни сўзни такрорлашдан қочиш мақсадида қўлланган олмошлар (тақсим), маънони кучайтириб бериш учун қўлланган онгли сўз такрори (такрир) ўқувчиларнинг ифодали ўқишидан ҳам англанишига эришиш керак. Албатта бу ерда ҳам луғатсиз иш битмайди. Мисралардаги «заҳрчашм» ва «нўшханд» сўзлари тушунарли эмас. Луғатларда улар шундай изоҳланади:

чашм — *кўз, заҳрчашм* — *ёмон кўз билан боқиш,*
нўшханд — *ширин, чиройли кулги, табассум*

Шу тарздаги таҳлил давомида мисраларда учрайдиган тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг маънолари, албатта, очиб борилиши керак. Бунинг шакл ва усуллари ниҳоятда хилма-хил бўлиши мумкин. Юқоридагидек, ифодали ўқишда, матн устида ишланганида, матнни ўқишдан олдин, матн сўнгида луғатларни илова қилиш жоиз бўлади. Айни пайтда уни бутун матн билан бирга, матндаги тегшли сўзга изоҳ бериш тарзида ҳам келтириш мумкин:

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд¹ этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра тонқамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳраи андин тилармен, баҳраманд этмас.

¹ аржуманд — азият, изъатли, қидрли

Нетай хуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул заҳр чашм¹ айлаб, ниҳон бу нўшханд² этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусни малюҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки қотилваши мажнун шиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд³ этмас.

Кўнгул ўз чархи золидин, фирибни емаским, охир
Ажал сариштасидин ўзга бўйнуниға каманд этмас.

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд⁴ этмас.

Фазал таҳлилида унинг бадиятига алоҳида эътибор қаратиш — ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дидларини оширишнинг энг қулай усулидир. Буни айрим мисолларда кўриб чиқайлик:

Оқара бошлади бошу тўкула бошлади тини,
Сафар яроғини қилғилки, тушти бошинга иш.

Йигитлигим борибон, келди бошима қарилиғ,
Фано йўлида бу янглиғ емиш боришу келиш.

2 чашм — кўз, заҳрчашм — ёмон кўз билан боқини.

3 нўшханд — ширин, чиройли кулги, табассум

4 саманд — саман от, тезюрак ва чиройли от

5 сипанд — исриқ, исриқ уруғи

Юз улки, қирқдин елликка қўйди юз, қилса
Минг ишдин бирига яхшилиқ маҳол эрмиш.

Эрур ҳаётнинг ўқ янглиғ ўтмакига далил,
Кишики, ё кеби қадға асодин етти кериш¹.

Алудур олти жиҳатдин манга чу етти фалак,
Не суд ёшим агар олтмиш ва гар етмиш.

Йигитлик ўлди баҳору куҳулат² ўлди хазон,
Дегай бу сўзни – қарилиғни қишқа ўхшатмиш.

Не қиш нишоти манга қолди, не хазон, не баҳор,
Баҳорима чу хазон қўйди юз, хазонима – қиш.

Не турфа ишки, бирав чун торикти умридин,
Деса узун яша, қарғишдур анга бу алқиш.

Навоиё, тутар аҳли фано нажот йўлин,
Эришмак истар эсанг ишда, ҳам аларни эриш.

Ушбу ғазал Навоийнинг ўзига хос бадииятга эга бўлган асарларидан биридир. Унда ниҳоятда гўзал сўз ўйинлари фавқулодда тонқирлик билан қўлланган. У инсон умрининг

¹ кериш – ёй иши

² куҳулат – ўрга яшарлик

мазмунига эътибор қаратади. Гап содир бўлган воқеани қайд этишдан бошланган:

Оқара бошлади бошу тўкула бошлади тиш,
Сафар яроғини қилғилки, тушти бошинга иш.

Демак, гап кишинг нисбатан каттароқ ёши – қариган даври устида бормоқда. Бунинг ташқи белгилари мавжуд. Улар: оқаришни бошлаган сочлар (у «бош» сўзи билан ифдаланмоқда) ҳамда тўкилишни бошлаган тишлардир. Халқимизда бошга бир иш тушса унга ҳар доим тайёр туриш кераклигига ундайдиган ибора ва ифодалар кўп («Эр бошига иш тушса этик билан сув кечар, от бошига иш тушса сувлик билан сув ичар» мақолини эсланг). «Сафар» сўзи ҳам бу ерда ўзининг луғавий маъносидан кўра кенроқ қамровга эга. У умр йўлининг кейинги манзили, тирикликнинг поёни – у дунё, ўлим тарзида тасаввур этилиши мумкин. Байтдаши оҳангдорлик учун шеърий ритм, тишлиш қофиялари асос бўлмоқда. Айни пайтда «о», «и» унлиларининг, «б», «ш» ундошларининг такрори ҳам уларнинг кучига куч қўшиб турибди.

Фазалнинг ҳар битта байтида алоҳида-алоҳида тасвир воситалари қўланиши мумкин. Юқоридаги байтда таъдил, истиора, аллитерация, ассонанс қўлланган бўлса, кейинги байтда яна бошқачароқ манзара кўзга ташланади:

Йигитлигим борибон, келди бошима қарилиғ,
Фано йўлида бу янглиғ эмиш боришу келиш.

Бу ерда тазод асосий ўринга қўйилган. Ўқувчиларнинг эътиборини худди манна шундай ўзига хосликларга қаратиш, имкони борича уларнинг ўзларини манна шу тасвир имконларини топишларига ундаш керак. Масалан, мазкур байт мисолида: «сўзларнинг қўлланишига эътибор беринг. Уларнинг ҳар бири англатаётган маъно устида ўйлаб кўринг. Қайси сўзлар ўзаро зидлашмоқда?» тарзидаги мурожаат қилиш мумкин. Ўқувчилар «йигитлигим» - «қарилиф», «борибон» - «келди» «боришу келиш»ни ажратади. Байтдаги баднийатни тўла англаш учун ундаги истиорани, жонлантиришни, фразеологик иборани ҳам ўқувчиларнинг ўзларига топшириш ва маъноларини изоҳлаш керак бўлади.

Бу ўринда «фано йўли» исторасига ҳам эътиборни қаратиш лозим. Ўқувчи ва талабаларнинг диққатига бу йўлнинг тасаввуддаги инсон камолоти билан боғлиқлигини, бу ерда ҳаётнинг абадий қонуниятларидан бири — ҳаёт ва ўлим фалсафасининг ўзига хос тарздаги эътирофи ва ифодаси мавжудлигини тушунтириш керак бўлади.

Энди кейинги байтга ўтилади:

Юз улки, қирқдин элликка қўйди юз, қилса
Минг ишидин бирига яхшилик маҳол эрмиш.

Ўқувчилар эътибори қуйидаги саволга қаратилади: Байтда қўлланган сонлар ифодасига эътибор беринг. Уларнинг қандай вазифа бажараётганини изоҳлаб бера оласизми?

Улар ўз жавобларида қуйидаги нуқталарга эътибор беришлари керак бўлади.

Қирқ ёшни тугаллаб элликка қадам қўяётган киши ҳаётнинг турли қийинчиликларига, машаққатларига рўпара келади. Аммо ҳаёт синов майдони экан унда яхшиликка яхшилик ҳар доим ҳам мумкин бўлавермайди. Мингта қилган ишдан биттасига яхшилик қайтиши мумкин, аммо у ҳам «маҳол». Бу ерда сўзнинг турфа маънолари сонларнинг қўлланиши билан боғлиқ ҳолда юзага келмоқда. Байтда бирдан минггача (бир, қирқ, элик, юз, минг) бўлган сонлар иштирок этган. Бунинг устига «юз» сўзи ҳам омоним, ҳам кўпмаъноли сўз, ҳам фразеологик ибора маъноларида келмоқда. «юз урмоқ» - етишмоқ, рўпара келмоқ, дуч келмоқ чингари маъноларни ҳам билдиради. Айни пайтда унинг «юз қилса ҳам», «юз марта қилса ҳам» каби маънолари ҳам иштирок этаётир.

Инсон умрининг ўққа қиёсланиши анъанага асосланади. Аммо шоирни бу нарса қаноатлантирмайди. У бу анъанага янгича бир асос билан янгилик киритади. Модомики, инсоннинг ҳаёти давомидаги машаққатлар унинг қаддини ёй каби эгиб қўяр экан, ёйнинг икки учини ўзаро бирлаштириб, бириктириб турадиган ип — кериш ҳам керак бўлади Бу вазифани эса инсоннинг қўлида тутган қўшимча воситаси — ҳасса, таёқ адо этади.

Эрур ҳаётнинг ўқ янглиф ўтмакига далил,
Кишики, ё кеби қадға асодин етти кериш.

Бу байтда ҳам шаклан сонга ўхшаб кетадиган битта сўз («етти») бор. Аммо матндан англашилиб турганидек, у сони эмас балки ҳаракат («етмоқ», «етишмоқ»)ни билдиради. Шундай қилиб ҳаётнинг ўқ сингари тез ўтиб кетишига шоирона асос, далил шуки, кишинг қадига ҳам худи ёйга кериш етишганидек, қўлитга «асо» етишди, яъники, қариди.

Қуйидаги байтда яна сонларнинг «рақси» намоён бўлади.

Алудур олти жиҳатдин манга чу етти фалак,
Не суд ёшим агар олтмиш ва гар етмиш.

Байтнинг мазмуни шуки, бу еттита фалак мен учун олтита нуқтаи назардан ғанимлик қилади, шунинг учун ҳам ёшим олтмиш ёки етмишга етишганидан ҳам ҳеч қандай наф йўқдир. Оддийгина ҳаётини ҳақиқатнинг бадий ифодаси эса ниҳоятда нозик ва нодирдир. Шеърятда сон, рақамлардан фойдаланиб туриб тегишли бадий образларни яратиш мумтоз адабиётимизда саёқат ул-аъдод деган санъат вазифаси сифатида белгиланган. Қуйидаги батда ҳам шу санъат мавжуд. Фақат у ошкора тарзда сезилмайди. Агар эътибор берилса, бу ерда ҳам санок оҳанги мавжуд. Фақат бу санок сонлар билан ифодаланган эмас, у мисралар орасидаги мантиқийлик, ички бир тартиб билан акс эътирилган. Байтни ўқиймиз:

Йигитлик ўлди баҳору кухулат¹ ўлди хазон,
Дегай бу сўзни - қарилиғни қишқа ўхшатмиш.

¹ кухулат – ўрта ёшлик

Бу ерда мантиқий тартиб назарда тутилган. Уларни тахминан шундай ифодалаш мумкин: биринчидан, йигитлик – баҳорга, ўрта ёшлик эса кузга ўхшайди, шундай экан, учинчидан, қарилликни қишга ўхшатса бўлади. Кейинги байтда эса баҳор, куз, қиш мавзуси давом эттирилади.

Не қиш нишоти манга қолди, не хазон, не баҳор,
Баҳорима чу хазон қўйди юз, хазонима – қиш.

Бу ерда ҳам умр фасафаси давом эттирилади. Демак, инсоннинг умри қирқ ва элликдан ўтганидан кейин унинг учун ҳаётдаги қувончли кунлар камаюди. Бу эҳтимол, инсоннинг ўз умрининг асосий қисмини ўтиб кетгани, қолган муддатнинг эса кўнгилда туғиб қўйган режаларнинг амалга ошиши учун озлигини янада чуқурроқ ҳис этиш билан боғлиқдир. Бу ерда дастлаб йил фасллариининг саноғи воситасида ҳаётий машаққатларнинг ортиб бораётгани, аксинча у келтириладиган секинларнинг озайишига урғу берилди. Кейинги мисрада ҳам бу саноқ давом этади. Эътибор берилса, унда айрим сўзларнинг такрори кузатилади. Булар *баҳорима*, *хазон*, *хазонима*, *қиш* сўзларидир. Ҳатто хазон сўзи кейинги мисранинг ўзида икки марта қўлланмоқда. Аммо уларнинг қўлланиш тартибида ҳам ўзгачалик кузга ташланади. Агар биринчи мисрада «қиш», «хазон», «баҳор» тартиби қўлланган бўлса, кейинги мисрада «Баҳорима», «хазон», «хазонима», «қиш» тартиби амал қилади.

Шеърда тарди аке санъати билан бирга ўзакдош сўзлардан фойдаланиш (иштиқоқ), сўзлар такрори (такрир),

зид маъноли сўзларни (тазод) қўллаш ҳам стакчи мавқе тугади.

Ҳаётда яшаб, қариликда мунтазам машаққатларни кўравериш кишига азоб ва кулфатлар келтиради. Ана шу тоифа одамларни (*биррав чун ториқти умридин*) «узоқ умр кўргин» деб олқишлаш, дуо бериш қарғиш билан баробардир.

Не турфа ишки, биррав чун ториқти умридин,
Деса узун яша, қарғишдур анга бу алқиш.

Мумтоз адабиётимизда саҳли мумтане деган бир санъат бор. Унинг моҳияти шундан иборатки, шоир ҳаёт воқеаларини шундай тасвирлайдиким, бир қарашда ҳар қандай одам ҳам шу ифодани топиши мумкиндек тасаввур уйғонади. Аммо бу ташқи кўринишдангина шундай. Бундай ифодани топиш учун ниҳоятда юксак поэтик маҳорат укерак. Санъатнинг «осону мумкин эмас» деган луғавий маъноси ҳам шу фикрни тасдиқлаб туради.

Шундай мулоҳазалардан кейин ғазалнинг тушқун бир кайфият билан якунланишини кутиш мумкин. Навоий эса уни қуйидаги мисралар билан тугатади:

Навоиё, тутар аҳли фано нажот йўлин,
Эришмак истар эсанг ишда, ҳам аларни эриш.

Бу ерда «аҳли фано» ва «нажот йўли» ифодаларининг луғавий ва истилоҳий маъноларини тасаввур қилмасдан туриб байт маъносини тўла ва тўғри тушуниш мумкин эмас.

Ҳаётдаги қийинчилик ва машаққатлардан шикоят қилиш, норози бўлиш оддий одамларнинг кундалик ишларидир. Аммо «аҳли фано» бу йўлдан юрмайди. Уларнинг

маслаги — қаноат. Қаноат ва шукр уларни ҳар хил балою офатлардан сақлайдиган нажот йўлидир. Шунинг учун ҳам «фано аҳли»га эргашиш нажот йўлига эришишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Ўқувчиларга ғазал ва рубоийларни, қитъа ва фардларни — умуман, мумтоз асарларни тавсия қилишда айрим асарларнинг яратилиш тарихини эсга олиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Бобур...

Дастурларда Амирийнинг «Қошингга тегузмагил қаламни...» ғазалини ҳам таҳлил қилиш кўзда тутилган.

Қошингга тегузмагил қаламни,
Бу хат била бузмагил рақамни.

Бутхоналар ичра ҳеч тарсо,
Бир кўрмади сен каби санамни.

Ошиқларингга тараҳҳум¹ этгил,
Кўп айлама жабр ила ситамни.

Кўнглум қуши тойири ҳариминг²,
Сайд етма кабутари ҳарамни.

То беватан ўлмасин кўнгуллар,
Зулфунгдин аюрма печ-у хамни³.

1 тараҳҳум — раҳм, марҳамат

2 ҳарим — ҳарам. мисранинг мазмуни: менинг кўнглим қуши сенинг ҳараминг қушидир

3 печ-у хам — ўрилган, буралган, чувалган (зулфга тегишли)

Йўлунгда ғубори роҳ бўлдим,
Бошимга етурмадинг қадамни.

Иқлими вафо Амиридурсен,
Эй шоҳ, бу гадоға қил карамни.

Ҳазал поэтикасига алоқадор бўлган жиҳатлар биринчи гада таҳлилга тортилиши шарт. Айни пайтда бу ҳазалнинг яратилиши билан боғлиқ бўлган айрим тарихий лавҳалар, хотиралар ҳам эса олинса ёмон бўлмайди. Жумладан, бу ўринда Профессор Р.Орзибековнинг куйидаги қайдларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади: «Амирийнинг «Қошинга тегузмагил қаламни» мисраси билан бошланувчи машҳур ҳазалининг ўзига хос яратилиш тарихи бор. Амирий ҳақида гапирган адабиётшуносларимиз, шу ҳазалнинг фақат матласи ҳақида гапирганлар. Бу ҳазал кўшиқ бўлиб, севилиб ижро этиларди. Маълумки, қадимда буюқ айнимаслиги учун сиёҳдон ичига ипак ташланар эди. Бир галл Умархон шеър ёзаётганида «илҳом париси» — Нодирабегим сиёҳдондан қаламни ботириб бериб турган. Лекин қаламдон унга ипак илиниб чиқади. Шошганидан Нодира қалам учигаги ипак патини қошига суртиб, қаламдонни Умархонга узатади. Умархон қараса, сиёҳ пати Нодиранинг қошига суртилган эмишки, у ўша заҳоти «Қошинга тегузмагил қаламни» сатри билан бошланувчи шеърини битеди».

Албатта, бундай маълумотлар ўқувчиларнинг ҳазалнинг ўзига ҳам, унинг муаллифига ҳам бўлган қизиқишларини янада орттиради.

Ҳазални таҳлил қилишда унинг тузилишига, вазнига,

таъсир воситаларига алоҳида эътибор бериш жоиз. Шу билан биргаликда, мумтоз ғазаллар устида гап борадиган бўлса, уларнинг насрий баёнларидан ҳам фойдаланиш заруратини таъкидлаш керак.

Ғазалларнинг насрий баёнини тузиш ва шу орқали уларни ўрганишга оид асосий хулосаларни шундай шакллантириш мумкин:

1. Ғазалларга насрий баён тузиш ниҳоятда долзарб ва муҳим ишдир. Имкони борича ҳар битта ғазал насрий баён билан таъминланиши, агар бунинг имкони бўлмаса, ўқитувчининг ўзи уни амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ғазалларнинг насрий баёнини тузишга ўқувчиларнинг ўзлари сафарбар этилиши шарт. Албатта, бунинг учун анчагина давомли ва жиддий бўлган тайёргарлик босқичи бўлиши зарур.

3. Ўқувчилар учун ғазалларнинг насрий баёни билан танишиш умумий ўрта таълим мактабаларидан бошланиши, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидаги адабиёт дарсларида, синфдан ташқари машғулотларда, айниқса, тўғарак ишларида мунгазам равишда олиб борилиши ўринли бўлади.

4. Олий таълим тизимида, хусусан, филологик йўналишдаги бакалаврият босқичида, албатта, «ғазалларни ўрганамиз» рукни остида махсус курс ва махсус семинарларни ташкил этиш жоиз. Бу бўлажак тил ва адабиёт ўқитиувчиларини ғазалларнинг насрий баёнини тузишга оид кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда жуда муҳим

омил бўлади.

5. Ғазалнинг насрий баёни ғазалнинг ўрнини босадиган педагогик ашё эмас. Бунга ҳеч қачон йўл қўйиб бўлмайди. Ғазалнинг насрий баёни ғазалнинг асл матни билан ёнма-ён берилганидагина самарали бўлади, холос. Аксинча ҳолатларда насрий баён фойданинг ўрнига зарар келтиради. У ғазалдаги сеҳр-синоатни, гўзал мусиқийлик ва такрорланмас ритмни, вази ва қофиялар туфайли юзага келаётган оҳангдорликни сезмасликка, сўзларнинг поэтик жарангдорлиги ва тароватини ҳис этмасликка, демакки, ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дидларининг заифлашувиغا олиб келиши мумкин.

Ғазаллар таҳлилида қиёслаш усулидан фойдаланиш ҳам ўқувчи ва талабаларнинг мустақил, ижодий фикрлаш имконларини кенгайтиради. Ҳар бир поэтик асарнинг шарҳ ва изоҳларини ниҳотда ранг-баранг ва хилма-хил шаклларда амалга ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради. Биз айрим мисолларни келтирайлик. Бунинг учун, дастлаб, Навоийнинг

Оқара бошлади бошу тўкула бошлади тиш,
Сафар яроғини қилғилки, тушти бошинга иш.

— матлаъли ғазалини кузатамиз. Бу ғазални кўнгина навоийшунос олимлар таҳлил қилган. Биз улардан бири — йирик олим, филология фанлари доктори, профессор А.Ҳайитметов ҳамда ўз кузатишларимизни ёнма-ён келтирамиз:

Байт тартиби	А.Ҳайитметов	Б.Тухлиев
1	<p><i>«Оқара боилади бошу тўқула боилади тиш, Сафар яроғини қилғилки, тушти бошинга иш».</i></p> <p>Навоийнинг кексалик даврида ёзилган ва биринчи марта «Ҳазойин ул-маъо-ний» девонига киритилган ғазали матлаи шундай. Арузнинг мужтасси мусам-мани махбуни махфуз (мафоилун фаилотун мафоилун фаилун) вазнида 9 байт.</p> <p>Мазкур ғазалда шоир инсон ҳаётининг қарилик даврини ўз ҳаёти ва кечинмаларига боғлаб, фалсафий ва бадий жиҳатдан атрофлича талқин</p>	<p>Ушбу ғазал Навоийнинг ўзига хос бадийятга эга бўлган асарларидан биридир. Унда ниҳоятда ғузал сўз уйинлари фавқулодда топқирлик билан қўлланган. У инсон умрининг мазмунига эътибор қаратади. Гап содир бўлган воқеани қайд этишдан бошланган:</p> <p><i>Оқара боилади бошу тўқула боилади тиш, Сафар яроғини қилғилки, тушти бошинга иш.</i></p> <p>Демак, гап кишинг нисбатан каттароқ ёши – қариган даври устида бормоқда. Бунинг ташқи белгилари мавжуд. Улар: оқаришни бошлаган сочлар (у «бош» сўзи билан ифдаланмоқда) ҳамда тўкилишни бошлаган тишлардир. Халқимизда бошга бир иш тушса унга ҳар доим тайёр туриш кераклигига ундайдиган ибора ва ифодалар кўп («Эр бошига иш тушса этик билан сув кечар, от бошига иш тушса сувлиқ билан сув ичар» мақолини эсланг). «Сафар» сўзи ҳам бу ерда ўзининг луғавий</p>

<p>этишга, унинг ички маъносини образли қилиб гавдалантиришга ҳаракат қилган ва бунга тула муваффақ бўлган. Навоийча, қарилик бу сочининг оқариши, тишларнинг бирин-кетин тукила бошлаши. Инсонда шундай ҳолат юз берадилми, у буни қонуний бир нарса деб тушуниб, тиригида бажариши керак бўлган ишларни тезроқ бажариши ва ҳаётдан кетишга ҳолирланиши зарур. Ҳаёт шундай қурилганки, у шундай қилишга мажбур («тушти бошинга иш»).</p>	<p>маъносидан кўра кенгроқ қамровга эга. У умр йўлининг кейинги манзили, тирикликнинг поёни — у дунё, ўлим тарзида тасаввур этилиши мумкин. Байтдаши оҳангдорлик учун шеърий ритм, тиш-иш қофиялари асос бўлмоқда. Айни пайтда «о», «и» унлиларининг, «б», «ш» ундошларининг такрори ҳам уларнинг кучига куч қўшиб турибди.</p>
---	---

2	<p>Шоирнинг ҳазин таърифича, қариликнинг келгани йигитликнинг кетгани.</p> <p>Тасаввуфдаги фано назариясини туғри тушунмоқчи бўлган киши, демак, ҳаётни қўйидаги икки сўзлан иборат деб бимоғи керак: бориш ва келиш.</p> <p><i>Йигитлигим борибон, келди бошимга қарилиғ,</i></p> <p><i>Фано йўлида бу янглиғ эмиш боришу келиш.</i></p>	<p>Ҳазилнинг ҳар битта байтида алоҳида-алоҳида тасвир воситалари қўланиши мумкин. Юқоридаги байтда таъдид, истиора, аллитерация, ассонанс қўлланган бўлса, кейинги байтда яна бошқачароқ манзара кўзга ташланади:</p> <p><i>Йигитлигим борибон, келди бошимга қарилиғ,</i></p> <p><i>Фано йўлида бу янглиғ эмиш боришу келиш.</i></p> <p>Бу ерда тазод асосий уринга қўйилган. Ўқувчиларнинг эътиборини ҳуди манна шундай ўзига хосликларга қаратиш, имкони борича уларнинг ўзларини манна шу тасвир имконларини топишларига ундан керак. Масалан, мазкур байт мисолида: «сўзларнинг қўланишига эътибор беринг. Уларнинг ҳар бири англатаётган маъно устида уйлаб кўринг. Қайси сўзлар ўзаро видлашмоқда?» тарзидаги мурожаат қилиш мумкин. Ўқувчилар «йигитлигим» - «қарилиғ», «борибон» - «келди» «боришу келиш»ни ажратади. Байтдаги бадииятни тула англаш учун ундаги истиорани, жонлантиришни,</p>
---	---	---

		<p>фразеологик иборани ҳам ўқувчиларнинг ўзларига топтириш ва маъноларини изоҳлаш керак бўлади.</p> <p>Бу ўринда «фано йўли» исторасига ҳам эътиборни қаратиш лозим. Ўқувчи ва талабаларнинг диққатига бу йўлнинг тасаввудаги инсон камолоти билан боғлиқлигини, бу ерда ҳаётнинг абадий қонуниятларидан бири — ҳаёт ва ўлим фалсафасининг ўзига хос тарздаги эътирофи ва ифодаси мавжудлигини тушунтириш керак бўлади.</p>
3	<p>Навоий бу газални ёзаётганда, қирқдан утиб, эллик томон қадам қуйган эди. У қариликка юз угирар экан, босиб утган ўз ҳаёт йулидан олган биринчи таассуроти одамларнинг феълу атворида бир-бирига муруватнинг етишмаслиги, бировга мингта яхшилик қилсанг, ўзингга бунинг биттаси қайтиши ҳам қийинлиги эди.</p>	<p>Энди кейинги байтга ўтилади:^о</p> <p><i>Юз улки, қирқдин элликка қўйди юз, қилса</i></p> <p><i>Минг ишидин бирига яхшилик маҳол эрмиш.</i></p> <p>Ўқувчилар эътибори қуйидаги саволга қаратилади: Байтда қўлланган сонлар ифодасига эътибор беринг. Уларнинг қандай вазифа бажараётганини изоҳлаб бера оласизми?</p> <p>Улар ўз жавобларида қуйидаги нуқталарга эътибор беришлари керак бўлади.</p> <p>Қирқ ёшни тугаллаб элликка қадам қўяётган киши ҳаётнинг турли қийинчиликларига,</p>

	<p>Шоир таассуф билан бу ҳақда шундай дейди:</p> <p><i>Юз улки, қирқдин элликка қўйди юз, қилса</i></p> <p><i>Минг ишидин бирига яхшилик маҳол эрмиш.</i></p>	<p>машаққатларига рупара келади. Аммо ҳаёт синов майдони экан унда яхшиликка яхшилик ҳар доим ҳам мумкин бўланермайди. Мингта қилган ишдан биттасига яхшилик қайтиши мумкин, аммо у ҳам «маҳол». Бу ерда сўзнинг турфа маънолари сонларнинг қулланиши билан боғлиқ ҳолда юзага келмоқда. Байтда бирдан минггача (бир, қирқ, эллик, юз, минг) булган сонлар иштирок этган. Бунинг устига «юз» сўзи ҳам омоним, ҳам кўпмаъноли сўз, ҳам фразеологик ибора маъноларида келмоқда. «юз урмоқ» – етишмоқ, рупара келмоқ, дуч келмоқ чингари маъноларни ҳам билдиради. Айни пайтда унинг «юз қилса ҳам», «юз марта қилса ҳам» каби маънолари ҳам иштирок этаётир.</p>
4	<p>Навоий ўз турмуш тажрибаси асосида ҳаётнинг ўқдек тез ўтишини қарилликда букилган инсон қаддини ёйга ўхшатиш, унинг ёшлиги билан кексалиги орасидаги масофани эса унинг қўлидаги ҳассани шу</p>	<p>Инсон умрининг ўққа қиёсланиши анъанага асосланади. Аммо шоирпи бу нарса қаноатлантирмайди. У бу анъанага янгича бир асос билан янгиллик киритади. Модомики, инсоннинг ҳаёти давомидаги машаққатлар унинг қаддини ёй каби эгиб қўяр экан, ёйнинг икки учини ўзаро бирлаштириб, бириктирб турадиган ип – кериш ҳам керак бўлади Бу вазифани эса инсоннинг</p>

	<p>ёйнинг ипи – керишига қиёслаш орқали ифодалаган:</p> <p><i>Эрур ҳаётнинг уқ янглиг утмакига далил,</i></p> <p><i>Кишики, ё кеби қадга асодин етти кериш</i></p>	<p>қўлида тутган қўшимча воситаси – ҳасса, таёқ ало этади.</p> <p><i>Эрур ҳаётнинг уқ янглиг утмакига далил,</i></p> <p><i>Кишики, ё кеби қадга асодин етти кериш.</i></p> <p>Бу байтда ҳам шаклан сонга ўхшаб кетадиган битта сўз («етти») бор. Аммо матндан англашилиб турганидек, у сони эмас балки ҳаракат («етмоқ», «етишмоқ»)ни билдиради. Шундай қилиб ҳаётнинг уқ сингари тез ўтиб кетишига шоирона асос, далил шуки, кишинг қадига ҳам худи ёйга кериш етишганидек, қўлитга «асо» етишди, яъники, қариди.</p>
5	<p>Маъжур ғазалда шеърини санъатларнинг бир қанчаси муваффақият билан қўлланган.</p> <p>Масалан, шоир:</p> <p><i>Адудур олти жиҳатдин манга чу етти фалак,</i></p> <p><i>Не суд ёшим агар олтмиш ва гар етмиш-</i></p> <p>деб ёзар экан, бунда биринчи мисрадаги «олти жиҳатдин».</p>	<p>Қуйидаги байтда яна сонларнинг «рақси» намоён бўлади.</p> <p><i>Адудур олти жиҳатдин манга чу етти фалак,</i></p> <p><i>Не суд ёшим агар олтмиш ва гар етмиш.</i></p> <p>Байтнинг мазмуни шуки, бу еттита фалак мен учун олтита нуқтаи назардан ганимлиқ қилади, шунинг учун ҳам ёшим олтмиш ёки етмишга етишганидан ҳам ҳеч қандай наф йўқдир. Оддийгина ҳаётини ҳақиқатнинг бадий ифодаси эса ниҳоятда нозик ва нодирдир. Шеърятда сон,</p>

	<p>«етти фалак» иборалари билан иккинчи мисрадаги «олтмиш, «етмиш» сўзлари ўртасида ҳамоҳанглик, тажнис унсурлари бўлиши билан бирга бу икки мисра орасида мутобақа ва лаффу нашр санъатлари унсурлари ҳам мавжуд.</p>	<p>рақамлардан фойдаланиб туриб тегишли бадиий образларни яратиш мумтоз адабиётимизда сасқат улъдод деган санъат вазифаси сифатида белгиланган.</p>
6	<p>Навоий учун қариллик ҳамма халқлардаги каби инсон умрининг умуман сўниш, саргайиш даври. Шунинг учун шоир йигитликни баҳорга, қарилликни (куҳулатни) куз (хазон фасли)га ўхшатишни энг яхши ташбеҳ деб топиб, бу ташбеҳ эгасини доноларнинг бири деб ҳисоблаган.</p> <p><i>Йигитлик ўлди баҳору куҳулат ўлди хазон, Дегай бу сўзни — қариллигни қишқа ўхшатиши.</i></p>	<p>Қуйидаги батда ҳам шу санъат мавжуд. Фақат у ошкора тарзда сезилмайди. Агар эътибор берилса, бу ерда ҳам саноқ оҳанги мавжуд. Фақат бу саноқ сонлар билан ифодаланган эмас, у мисралар орасидаги мантиқийлик, ички бир тартиб билан акс эътирилган. Байтни уқиймиз:</p> <p style="text-align: center;"><i>Йигитлик ўлди баҳору куҳулат! ўлди хазон,</i> <i>Дегай бу сўзни — қариллигни қишқа ўхшатиши.</i></p> <p>Бу ерда мантиқий тартиб назарда тутилган. Уларни тахминан шундай ифодалаш мумкин: биринчидан, йигитлик — баҳорга, ўрта ёшлик эса кузга ўхшайди, шундай экан, учинчидан, қарилликни қишга ўхшатса бўлади.</p>

<p>7</p> <p>Шоир ўз умрининг энг яхши қисмларини яшаб бўлганини чуқур андуҳ билан эслайди ва бундан сўнг унинг учун ҳеч бир фаслнинг илгариги таровати йўқлигини қайд этади:</p> <p><i>Не қиш нишоти манга қолди, не хазон, не баҳор,</i></p> <p><i>Баҳорима чу хазон қўйди юз, хазонима – қиш.</i></p>	<p>Кейинги байтда эса баҳор, куз, қиш мавзуси давом эттирилади.</p> <p><i>Не қиш нишоти манга қолди, не хазон, не баҳор,</i></p> <p><i>Баҳорима чу хазон қўйди юз, хазонима – қиш.</i></p> <p>Бу ерда ҳам умр фасафаси давом эттирилади. Демак, инсоннинг умри қирқ ва элликдан ўтганидан кейин унинг учун ҳаётдаги қувончли кунлар камаяди. Бу эҳтимол, инсоннинг ўз умрининг асосий қисмини ўтиб кетгани, қолган муддатнинг эса кўнгилда тугиб қўйган режаларнинг амалга ошиши учун озлигини янада чуқурроқ ҳис этиш билан боғлиқдир. Бу ерда дастлаб йил фаслларининг саноғи воситасида ҳаётий машаққтларнинг ортиб бораётгани, аксинча у келтириладиган севинчларнинг озайишига ургу берилади. Кейинги мисрада ҳам бу саноқ давом этади. Эътибор берилса, унда айрим сўзларнинг такрори кузатилади. Булар <i>баҳорима, хазон, хазонима, қиш</i> сўзларидир. Ҳатто хазон сўзи кейинги мисранинг ўзида икки марта қўлланмоқда. Аммо уларнинг қўлланиш тартибида ҳам ўзгачалик кўзга ташланади. Агар биринчи</p>
---	---

		<p>мисрада «қиш», «хазон», «баҳор» тартиби қўлланган бўлса, кейинги мисрада «Баҳорима», «хазон», «хазонима», «қиш» тартиби амал қилади.</p> <p>Шеърда тарди акс санъати билан бирга ўзакдош сўзлардан фойдаланиш (иштиқоқ), сўзлар такрори (такрир), зид маъноли сўзларни (тавод) қўллаш ҳам етакчи мавқе тутди.</p>
8	<p>Мақтадан олдинги қуйидаги байтни эса газалнинг якуни деб тушуниш мумкин. Навоий фикрича, умри қийинчиликлар билан ўтган одамни «Умринг узун бўлсин!» деб дуо қилиш уни қарғаш билан барабар:</p> <p><i>Не турфа ишки, бирав чун ториқти умридин,</i></p> <p><i>Деса узун яша, қарғишдур анга бу алқиш.</i></p>	<p>Ҳаётда яшаб, қариликда мунтазам машаққатларни куравериш кишига азоб ва кулфатлар келтиради. Ана шу тоифа одамларни (<i>бирав чун ториқти умридин</i>) «узоқ умр кўргин» деб олқишланиш, дуо бериш қарғиш билан баробардир.</p> <p><i>Не турфа ишки, бирав чун ториқти умридин,</i></p> <p><i>Деса узун яша, қарғишдур анга бу алқиш.</i></p> <p><i>Мумтоз адабиётимизда саҳли мумтане деган бир санъат бор. Унинг моҳияти шундан иборатки, шоир ҳаёт воқеаларини шундай тасвирлайдики, бир қарашда ҳар қандай одам ҳам шу ифодани топishi мумкиндек тасаввур уйғонади. Аммо бу ташқи кўринишдангина шундай.</i></p>

<p>9</p>	<p>Шу тахлитда Навоий кексаликни бу шеърда жамиятнинг ката, ҳал бўлмаган муаммоси сифатида тугуниш билан биргача унинг муҳим хусусиятларини ўз истелодининг юксак чуқисидан туриб таъсирли ва ҳаққоний ёрита олган. Қариллик маса-ласининг бизнинг жамиятимизда ҳам тўла ва тўғри ҳал қилинмаганини кузда тутсак, бу ғазал ҳозир ҳам гоят аҳамиятли ва Навоий инсонлар-варлигининг муҳим бир қиррасига диққатни тортади. Лекин мазкур ғазал нашрларида матний хатолар кўп.</p>	<p><i>Бундай ифодани топиш учун ниҳоятда юксак поэтик маҳорат укерак. Санъатнинг «осону мумкин эмас» деган луғавий маъноси ҳам шу фикрни тасдиқлаб туради.</i></p> <p>Шундай мулоҳазалардан кейин ғазалнинг тушкун бир кайфият билан яқунланишини кутиш мумкин. Навоий эса уни қуйидаги мисралар билан тугатади:</p> <p><i>Навоий, тутар аҳли фано нажот йўли,</i> <i>Эришмак истар эсанг ишда,</i> <i>ҳам аларни эриш.</i></p> <p>Бу ерда «аҳли фано» ва «нажот йўли» ифодаларининг луғавий ва истилоҳий маъноларини тасаввур қилмасдан туриб байт маъносини тўла ва тўғри тушуниш мумкин эмас.</p> <p>Ҳаётдаги қийинчилик ва машаққатлардан шикоят қилиш, норози бўлиш оддий одамларнинг кундалик ишларидир. Аммо «аҳли фано» бу йўлдан юрмайди. Уларнинг маслаги – қаноат. Қаноат ва шукр уларни ҳар хил балою офатлардан сақлайдиган нажот йўлидир. Шунинг учун ҳам «фано аҳли»га эргашиш нажот йўлига эришишнинг асосий воситаси ҳисобланади.</p>
----------	--	--

Савол ва топшириқлар:

Навоий ғазалларининг навоийшунос олимлар томонидан амалга оширилган намуналарини ўзаро қиёсланг. Ўзингиз адиб ғазалларидан иккитасини шу тарзда таҳлил қилинг.

Н.М.Маллаев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, А.Р.Қаюмов, И.Ҳаққулов, Н.Жумахўжа, Ё.Исҳоқов сингари олимлар, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али, Жамол Камол, Матназар Абдуҳаким сингири ижодкорлар томонидан амалга оширилган шарҳлар талаба ва ўқувчиларимизнинг бадиий дидларини ортишида муҳим омил бўлади.

Савол ва топшириқлар:

1. Методист В.Қодиров шундай ёзади:

“Адабиёт ўқитувчиси вақтли адабий нашрларда, илмий-адабий тўпламларда эълон қилинаётган мумтоз намуналар, хусусан, тасаввуф битиклари талқин ва таҳлил қилинган мақолаларни мунтазам равишда ўқиб, ўрганиб бориши лозим” (В.Қодиров. Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар, – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009,122-бет).

А. Айтинг-чи, Сиз охириги марта мана шундай мақолалардан қайси бирларини ўқидингиз. Унинг қисқача

аннотациясини ёзинг.

Б. “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Тил ва адабиёт таълими”, “Шарқ юлдузи”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” сингари журнал ҳамда газета саҳифаларида шу муаммога бағишланган янги мақолалар обзорини тузинг. Уларга қисқача тавсиф беринг.

2. 2006-йилда Анвар Ҳожиаҳмедовнинг “Навоий арузи нафосати” деган китоби нашр этилган. Ундаги “Рубойларнинг ўлчов меъёрлари” деган боб бор. Шу боб мазмуни билан танишинг. Энди мана шу ўрганганларингиз асосида қуйидаги рубойларни таҳлил қилинг:

* * *

Кўз била қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз била сўзинг яхши, дудоғинг яхши,
Энг била менгинг яхши, сақоғинг яхши.
Бир-бир не дейин, бошдин аёғинг яхши.

(Навоий)

* * *

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Ел анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ишра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён¹ бўлмас эмиш.

(Навоий)

¹ Oshyon-in, uya.

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

(Навоий)

Ҳар кимки, вафо қилса - вафо топқусидур!
Ҳар кимки, жафо қилса - жафо топқусидур!
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки, ёмон бўлса - жазо топқусидур!

(Бобур)

Азм айла сабо, ет гули хандонимға,
Не гулки, қуёшдек моҳи тобонимға.
Етгил доғи иштиёқ ила Бобурдин
Зинҳор деғил салом туққонимға.

(Бобур)

Бсқайдмен-у¹ хароби сийм² эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим³ эрмасмен.
Кобулда иқомат⁴ қилди Бобур, дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим⁵ эрмасмен.

1 Beqayd erkin.

2 Siym — tanga, put

3 Laim —- past

4 Iqomat — yashash.

5 Muqim turib qolisli

Даврон мени ўткарди сар-у сомондин¹,
Ойирди мени бир йўли хон-у мондин.
Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна,
Неларки бошимға келмади даврондин.

Толе йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Ҳижрон қафасида жон қуши рам² қиладур,
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не нав' битай фироқу ғурбат шарҳин,
Кирн кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,
Кўздин ўчадур уйқу, чу ақшом бўладур.
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,
Борғон сари бу ортадур, ул кам бўладур.
Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жисмимда менинг ниҳи равоним сенсен.
Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри (азизи),
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен.

1 Сар-у сомон — азизлик ва хорлик ма'носида

2 Рам чо'чимоқ, ҳуркмоқ

Кўнгли тилаган муролдиға етса киши,
Ё барча муродларни тарк етса киши,
Бу икки иш муяссар бўлмаса оламда,
Бошини олиб бир сориға¹ кетса киши.

Ейкирн, ёралик² жисмима марҳам сенсен,
Мажруҳ³ кўнгулға ништарим ҳам сенсен.
Гаҳ шод-у, гаҳи ғамгин есам, айб етма,
Ким боиси шодмонлиғ-у ғам — сенсен.

Душманники, бу даҳр забардаст қилур,
Нахват⁴ майидин бир неча кун маст қилур,
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер киби они паст қилур.

Хусн аҳлиға зор-у мубтало кўз ермиш,
Жоним била кўнглумға бало кўз ермиш.
Фаҳм айладим емди, Бобуро, ишқ ичра
Кўзумни қорортқон қаро кўз ермиш.

Ишқингда кўнгул харобдур, мен не қилай?
Ҳажрингда кўзум пуробдур⁵, мен не қилай?

1 Sori — sari, tomon

2 Yora — yara

3 Majruh — jarohat

4 Naxvat — kibru g'urur

5 Purob — lim-lim tola yosh

Жисмим аро печ-у тобдур¹, мен не қилай?
Жонимда кўп изтиробдур, мен не қилай?

Ҳажри аро ором-у қарорим ё`қтур,
Васлига етарга ихтиёрим ё`қтур.
Кимга очайин розки², ё`қ маҳрами роз,
Ғам кимга дейинки, ғамгусорим³ ё`қтур.

Сен гулсен-у, мен ҳақир⁴ булбулдурмен,
Сен шу`ласен-у, ул шу`лаға мен кулдурмен.
Нисбат ё`қтур деб ижтиноб⁵ айламаким,
Шаҳмен елга, вале санга кулдурмен.

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўннагай ямонлиқ ҳаргиз
Ҳар кимки ямон бўлса, жазо топқусидур.

Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз,
Жам`иятингиз борини давлат тутунгиз.
Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун
Бир-бирни`неча куни ғанимат тутунгиз.

1 Pechu toб — to'lg'anmoq

2 Roz — sir

3 G'amgusor — g'amni tarqatuvchi

4 Haqir — bechora.

5 Ijtinob — cherga olmoq

Кўпдин бериким, ёр-у диёрим ё'қтур,
Бир лаҳза-у бир нафас қарорим ё'қтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим ё'қтур.

Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Сарриштаи айшдин қўнгулни зинҳор
Уз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Бобурни бурун маҳрами асрор эттинг,
Васлингга бериб йўл, ўзунгга ёр эттинг.
Охир бординг, доғи они зор эттинг.
Ҳижрон алами бирла гирифтор эттинг.

Эй ёр, сенинг васлингга етмак мушқил,
Фархунда ҳадисингни эшитмак мушқил.
Ишқингни доғи бир тараф етмак мушқил,
Бошни олибон бир сари кетмак мушқил.

Гурбат туғи ёпқон руҳи зардимниму дей?
Ё ҳажр чиқарғон оҳи сардимниму дей?
Ҳолинг не дурур? Билурмусен, дардимни!
Ҳолингни сўрайму, йўқса дардимниму дей!

Шоҳим санга маълум эмастур, не қилай,
Оҳим санга маълум эмастур, не қилай?
Мен юз қошинг дермену сен — бадру ҳилол,
Моҳим, санга маълум эмастур не қилай?

“Мезон ул-авзон”дан

Аруз вазнини белгилашда байт асос қилиб олинади. «Байт»нинг маъноси уй демақдир. Уйни тўртта устун кўтариб турганидай, байтнинг ҳам асосини тўрт руки ташкил этади.

Рукнлар жузвлардан иборат бўлади. Уларни «сабаб», «ватад» ва «фосила» дейдилар.

Сабаби хафиф — бир мутаҳаррик ва бир сокин:

май م مای най ن نای гул گ گل мул ل ل

сабаби сақийл — икки мутаҳаррик:

йузи ی ی кўзи ک کўзи хати ت تати қади د داد

Ватади мажмуъ — икки мутаҳаррик ва бир сокин:

шажар ج جازр самар م مامر

ватади мафруқ — бурунги ва сўнги ҳарфи мутаҳаррик, ўрта сокин:

хома م مام нома ن نام фоқа ف فاقа ноқа ن ناقا

фосилайи суғро — уч ҳарфи мутаҳаррик, тўртинчиси сокин:

мираким م مرامك юраким ي يوراکم

фосилайи кубро - тўрт ҳарфи мутаҳаррик, бешинчиси сокин:

йашамаган م ماشامانган қисамаган م مامامانگан

“Ул кўзи қаро дарду ғамидин чидамадим”
мисраларида мана шу ҳижолабнинг барчаси жамланган.

Баҳрлар 19 та:

1. тавил
2. мақид
3. басит
4. вофир
5. комил
6. ҳажаз
7. ражаз
8. рамал
9. мунсариҳ
10. музореъ
11. муқтазаб
12. мужтасс
13. сариъ
14. жалид
15. қариб
16. хафиф
17. мушокил
18. мугақориб
19. мугадорик

Қуйида мана шу баҳрларнинг барчасига мисоллар келтирилган. Уларнинг вазнини аниқлашга ҳаракат қилинг.

1.тавил:

Десам оразу зулфунг ул ўтдур, тутундур бу,
Дер ондин санга куймак, бу бирдур қаро қайғу

2.мадид

Эй қадингдин сарвға минг хижолат ҳар нафас
Сарв қадингдин менинг кўнглума юз минг ҳавас

3.басит:

Ишқинг мени туну кун мажнуни зор айламиш
Кўнглумни зору ҳазин, жисмим низор айламиш

4.вофир:

На фурқат эрур сенсизин ўртанур юраким
Не бўлғай агар манга гузар айласанг, мираким.

5.комил:

Не бало эмиш ул сенинг хиром ила қоматинг,
Гаҳи суръатинг, гаҳи ноз бирла иқоматинг.

1. Ҳазаж

Кўнгул қон бил висолингда ғами ҳижрон хаёлидин

2. Ражаз

Қон бил висолингда ғами ҳижрон хаёлидин кўнгул

3. Рамал

Бил висолингда ғами ҳижрон хаёлидин кўнгул қон

4. Мунсариҳ

Ишқ этар тан фиғор, шавқ қилур жон заиф

5. Музори

этар тан фиғор шавқ, қилур жон заиф ишқ

6. Муқтазаб

тан фиғор шавқ қилур, жон заиф ишқ этар

7. Мужтас

фигор шавқ қилур жон, заиф ишқ этар тан

8. Саригъ

Сен бу жафони манго кўп қилма, ёр

9. Жадид

Бу жафони манго кўп қилма, ёр, сен

10. Қариб

Жафони манго кўп қилма, ёр, сен бу

11. Хафиф

Манго кўп қил ма, ёр, сен бу жафони

Мушокил

Ёр, сен бу жафони манго кўп қилма

12. мутақориб

Келиб дардима чора қилсанг на бўлғай

Табиби чорасозим ўлсанг на бўлғай.

13. мутадорик

Дар ди ма чо ра қил санг на бўл ғай келиб

Та би би чо ра со зим ми со ли бўлиб

Энди бу жавобларни қуйидаги маълумотлар билан қиёсланг. Нима учун сизда баъзи айирмалар бўлганини тушунишга ҳаракат қилинг.

1. фаувлун мафойилун фаувлун мафойилун
2. мутафъилун фойилун мутафъилун фойилун
3. мафоилатун мафоилатун мафоилатун
4. мутафойилун мутафойилун мутафойилун
5. мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
6. мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун
7. фойлотун фойлотун фойлотун фойлотун

8. муфтаилун фоилоту муфтаилун фоилоту
9. мафоййлу фоилоту мафоййлу фоилоту
10. фоилоту муфтаилун фоилоту муфтаилун
11. мафоййлун фаилоту мафоййлун фаилоту
12. мафоййлун фаилотун мафоййлун фаилотун
13. муфтаилун муфтаилун фоилоту
14. фаилотун фаилотун мафойлун
15. мафоййлу мафоййлу фоилоту
16. фаилотун мафоййлун фаилотун
17. фоилоту мафоййлу мафоййлу
18. фаувлун фаувлун фаувлун фаувлун
19. фоилун фоилун фоилун фоилун

II. Билиб олинг: Юқорида Сиз рубойларнинг вазнларини ҳам таҳлил қилдингиз.

Табиийки, рубой вазнларининг таҳлили бошқа жанрларникига нисбатан анчагина мураккаброқ. Шунга қарамай, айрим қонуниятлар мавжудки, уларни пухта билиб олиш, рубой вазнларини ҳам нисбатан енгилроқ тарзда аниқлаш имконини беради. Бу усулларни бизга Заҳириддин Муҳаммад Бобур тавсия этган. Қуйида мана шу тавсиялар билан танишамиз. Бобурнинг кўрсатишича, Рубой ҳажаж баҳрида яратилади. Бу баҳрнинг ахрам ва ахраб Вазнлари рубой учун мосланган. Гарчи бир қарашда рубойдаги ҳар бир мисра вазни турлича бўлиши мумкин бўлса-да, улар мутлақо тасодифий бўлмасдан, муайян қонуниятларга эга бўлади.

Шулардан айримлари қуйидагича: рубойлар, одатда тўрт рукидан таркиб топади.буни жадвалда шундай акс этътириш мумкин:

1 - руки	2 - руки	3- руки	4 - руки
----------	----------	---------	----------

Кейинги рукиларнинг жойлашиши дастлабки рукига боғлиқ. Шунинг учун ҳам дастлабки рукига алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Рубойнинг аввалги руки мафъувлун ёки мафъувлу бўлиши мумкин. Шунга қараб кейинги рукилар муайян тартибда уюшиб келади. Уларни жадвалда шундай кўрсатиш мумкин:

1	2	3	4
мафъувлун	Мафъувлун	Мафъойилун	Фаъувл
	Мафъувлу	Мафъойилу	Фаъул
мафъувлу	Мафъойилун	Мафъувлун	Фоъ
	Мафонйлу	мафъувлу	фаъ
	мафъойилун		

Эътибор берган бўлсангиз, асосий айирма биринчи рукидан бошланади. Агар вазн мафъувлун руки билан бошланса, у ахрам дейилади. Бундай ҳолатда иккинчи руки юқорида кўрсатилган учта рукидан бирида келади. Агар руки мафъувлу билан бошланса иккинчи мисра унинг рўпарасидаги учта рукидан бирида бўлиши тақозо этилади. Учинчи ва тўртинчи рукилар ҳар икки тармоқ учун ҳам бир хилда бўлиб, кўрсатилган тўрт хил кўринишдан бири бўлиши мумкин.

Ана шу ихчам қонуниятни билиб олганимиздан кейин, юқоридаги рубойлар вазнини яна бир марта аниқлаб чиқамиз. Дарвоқе, вазнинг бундай тарзда аниқланиши тақте дейлади.

Намуна:

1	2	3	4
Эй ёр, се	нинг вас линг	га ет мак муш	кил
мафъувлун	мафъувлун	мафъойилун	фoъ
- - -	- - -	V - - -	-
Фархунда	ҳа ди синг ни	э шит мак муш	кил
мафъувлу	мафoийлу	мафъойилун	фoъ
- - V	V - - V	V - - -	-
Ишқингни	до ги бир та	ра фoт мак муш	кил
мафъувлу	мафoийлу	мафъойилун	фoъ
- - V	V - - V	V - - -	-
Бош ни о	ли бон бир сари	кет мак муш	кил
мафъувлу	мафъойилун	мафъувлун	фoъ
- - V	V - - -	- - - -	-

Қуйида айрим рубойларнинг йирик навоийшунослар талқинидаги

вариантлари билан танишасиз:

Б. Валихўжаев:

“Алишер Навоий рубой жанрида кўп асарлар битган бўлса-да, улардан 133тасини “Фаройиб ус-сиғар” девони таркибига киритган. Рубойлар мумтоз шеърят назариясига тўла жавоб беради. Улар ҳамд, наът ҳамда фалсафий-ижтимоий, ишқий-ахлоқий мавзуларга бағишланган. . .

Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул —маъоний” учун ёзган дебчасида ҳам рубоийлар бор. Уларда ҳасби ҳоллик хусусиятлари ҳамда маълум тарихий воқеани ифодалаш кўпроқ кўзга ташланади. Жумладан:

Шоирлик ила шуҳра қилиб отимни,
Зосъ қилдим шеър ила авқотимни.
Эмди тузайин Тенгрига тоотимни,
Кўп элга мушавваш этмай абъётимни”.

Л.Н.Сериқова:

“Навоий шеъриятининг рубоий жанрига мансуб намуналарини диққат билан кузатиш шуни кўрсатадики, уларнинг орасида бир хил қурилишга эга бўлган гуруҳлари ҳам учрайди. Бу тил материаллари қурилишининг шаклий жиҳатлари шоир томлонидан жуда аниқ англаниши ҳамда мақсадли равишда қўлланганининг ёрқин далилидир. Айрим тузилмаларнинг барқарорлиги уларда шеър тузилишида мужассамлашган объектив мантиқ мавжудлигини инкишоф этишга имкон беради. Мана шундай қурилишга эга бўлган рубоийлардан бири қуйидагичадир:

Гардун ўза базм учун ақом айлади, тут,
Ул базмда хуршидни жом айлади, тут,
Ул жом ила ишратни мудом айлади, тут,
Охир дам ер қуйи хиром айлади, тут.

Шеърнинг зинапояли қурилиши жуда аниқ кўзга ташланади: ҳар биро кейинги мисра мазмунига кўра олдинги мисра мазмунидан келиб чиқади. Бошқачароқ айтиладиган бўлса, кейинги мисра олдинги мисрада тасдиқланаётган фикрга тўла асосланади. Бу олдинги

мисрада мантиқий марказ вазифасини адо этаётган тушунчанинг кейинги мисра бошланишида фойдаланиши билан алоҳида таъкидланади. Мазкур мисолимизда биринчи ва иккинчи мисралар учун шундай сўз “базм”дир. Иккинчи ва учинчи мисралар учун эса “жом” сўзи шу вазифани адо этади. Тўртинчи мисра мазмунига кўра олдинги учта мисрага қатъий тарзда қарши қўйилади.

Шунга қарамай, биринчидан, ўша интонацияни сақлаб қолади, бу эса унинг бошқалар билан анчагина уйғунлашишига имкон беради, иккинчидан эса, шу зил қўйишнинг ўзи биринчи ва тўртинчи мисралардаги антонимли жуфтликлар (“гардун” ва “ер”) дан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади. Шундай қилиб, тўртинчи мисра гўёки биринчи мисра билан мантиқан бирлашади, шеърнинг боши ва охирини ўзаро бирлаштириб туради”.

Савол ва топшириқлар?

1. Олимлар таҳлилда нималарга эътибор беришган?
2. Уларнинг қайси жиҳатлари сизга маъқул бўлди? Нима учун?
3. Уларга яна нималарни қўшиш мумкин?
4. Навоийшунос олим И.Ҳаққулов Навоий рубоийларини махсус ўрганган. Унинг рубоий таҳлилларига оид мақолалари билан танишиб, қисқача конспектлаштиринг.
5. Энди ўзингиз ҳам рубоийлардан икkitасини таҳлил қилинг.

7- Мавзу:

Иншо режасини тузиш, иншога материал тўплаш, ёзиш. Иншони баҳолаш. Таҳлил қилиш йўллари.

1-топширик.

А) Иншога тайёрланиш борасида қуйидаги босқичларга эътибор беринг:

1. Иншо мавзусини танлаш.
2. Мавзуга доир материални хотирада жамлаш.
3. Жамланган материал асосида пухта режа тузиш.
4. Режага мувофиқ изчил равишда иншо ёзиш.
5. Ёзилаётган иншони ҳам мантиқий- услубий жиҳатдан, ҳам грамматик жиҳатдан назорат қилиб бориш¹.

Б) Б.Тўхлиевнинг “Адабиёт ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмасидаги “Адабиёт дарсида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш” мавзусидан фойдаланиб Академик лицейларнинг учинчи босқичида ўрганиладиган “Меҳробдан чаён” романидаги Раъно образи” мавзуси асосида иншога материал тўпланг. Мавзуга режа тузинг. Бунда М.Ёқуббекованинг қуйидаги тавсияларини эътиборга олинг:

А) Кириш иншо мавзусини ёритишда дебоча ҳисобланади. Асосий мавзуга ўтиш учун кўприк вазифасини ўтайди.

Б) Асосий қисм бўлимлари қўйилган мавзудан чиқиб кетмаслиги лозим. Асосий қисмнинг ҳар бир бўлими мантиқан мавзунини ёритиш учун хизмат қилмоғи керак. Асосий қисмдаги режа 3 тадан 11 тагача бўлиши мумкин.

¹ Ёқуббекова М.М. Адабиёт таълимида иншо. Тошкент, 2000, 6-бет.

В) Хулоса - иншонинг интиҳоси. Иншо хулосаси иншонинг асосий қисмидаги изчил фикр ривожининг якуни ва ўша фикрлар келтириб чиқарадиган мантиқий натижа характерида бўлади.

Г) О.Мадаевнинг “Иншо қандай ёзилади?” қўлланмасида келтирилган иншо режаси намунасида фойдаланинг.

Мавзу: Абдулла Қаҳҳор-ҳикоянавис.

Режа

I. Кириш:

1. Ҳикоя ўзбек адабиётидаги етакчи жанрлардан биридир.

2. А.Қаҳҳор ижодининг ўзбек ҳикоячилигида тугган ўрни.

II. Асосий қисм:

1. Ёзувчи ҳикояларининг мавзу қамрови.

2. Ўтмиш ҳаёт тасвири А.Қаҳҳор ҳикояларининг асосий мавзуси сифатида.

3. А.Қаҳҳорнинг ўтмиш даври акс этган ҳикоялари ҳақида маълумот.

4. Ёзувчининг образ яратиш маҳорати.

5. А.Қаҳҳор ҳикояларининг ўзига хос хусусиятлари.

III. Хулоса:

1. А.Қаҳҳор-моҳир сўз устаси.

2. А.Қаҳҳор ҳикояларини севиб ўқийман.

2-топшириқ. Содда режа намунасида фойдаланиб ихтиёрий мавзуда режа тузинг.

Навой — мен севган қаҳрамон

1. Алишер Навоий Ойбек тасвирида.
2. Алишер Навоий – ижодкор шахс.
3. Навоий шахсиятидаги инсоний фазилатлар тасвири.
4. Ҳамма ҳам Навоий сингари камчиликларга қарши далил курашчи инсон бўлса эди...

5. Навоий бобомиз билан фахрланаман.

3-топшириқ. Шу мавзуда ихчам иншо ёзинг. Иншони баҳолаш мезони талаблари асосида текширинг. Йўл қўйилган хато ва камчиликлани аниқланг.

4-топшириқ. Хатолар устида ишлаш босқичида нималарга эътибор берилади? Фикрларингизни қоғозга туширинг.

Савол ва топшириқлар:

1. Иншо қандай турларга бўлинади?
2. Иншонинг услубларига нималар киради?
3. Назорат иншоси қанақа бўлади?
4. Таълимий иншо нима?
5. Иншо бажарилишига кўра қандай турларга бўлинади?

Савол ва топшириқлар:

1.

1. «Иншо» сўзининг маъносини биласизми? Уни «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан тонинг ва дафтарингизга кўчириб олинг.

2. «Ҳар бир иншо, қоида бўйинча, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган уч бўлим: кириш, асосий қисм ва хулосадан иборат бўлади.

Кириш қисмида иншонинг мақсади, асосий қисмда ёритиш лозим бўлган масала, яъни асар яратилган давр,

унинг мавзу қамрови, ёзувчи ижодининг ўзига хос томонлари тўғрисида қисқача маълумот берилади. Иншонинг иккинчи — асосий қисмида мавзу бўйича тўпланган материаллар ёритилади. Ушбу қисмда образга тўлиқ характеристика берилади., асар ғояси, мавзуси ёритилади, ёзувчи маҳорати, умуман, мавзуда илгари сурилган масала осилади.

Иншонинг хулоса қисмида, қоида бўйича, асосий қисмда баён этилган фикрлар умумлаштирилади, шахсий хулосалар билдирилади»¹.

3. Мустақиллик кунига, Баҳор фаслига, қизлар байрамига, Ўқитувчи ва мураббийлар кунига, Наврўз байрамига бағишланган иншолар танлови учун мавзу ва шиорлар танланг. Фикрингизни изоҳланг.

4. Уларнинг ҳар бири учун содда режалар тузинг.

5. Иншо мавзусига оид эпиграфлар танлашга ҳаракат қилинг.

II.

Қуйидаги иншо намуналари Низомий номидаги ТДПУда ўтказилган «Бу муқаддас ватанда азиздир инсон» мавзусидаги кўрик танловга тақдим этилган. Елардан педагогик-методик мақсадларда айрим ўзгаришлар билан фойдаланамиз.

1. Қуйидаги иншо намунаси билан танишиб чиқинг. Унинг номланиши, мазмуни, тузилиши, ифода хусусиятлари ҳақида мулоҳазаларингизни билдинг.

1 Зуннунов А. мактабда Ғафур Фулом ҳаёти ва ижодини ўрганиш. — Тошкент, Ўқитувчи, 1977, 69-бет.

«Бошланғич таълим» факультети
1-курс талабаси Зиёда Мирғаниева

Ватан-миллат бешиги

Ватан деганда ҳаминша кўз олдимизга ўзимиз туғилиб ўсган юрт келади. Ватан тушунчаси кенг ва катта маънога эга. Ватан деганда биз мустақил Ўзбекистонимизни, унинг бой тарихий меросини, тоғу-тошларини, боғ-роғларини, шарқироқ сувларини, битмас-тугунмас бойликларини тушунамиз. Ватан сўзи ёнида ҳаминша она сўзи келади. Бу бежиз эмас. Чунки, она-ватан тимсолида биз океан ортидаги мамлакатни кашф этган Абу Райҳон Берунийни, тиббиёт илмининг асосчиларидан бири бўлмиш Абу Али ибн Синони, буюк саркарда, йирик давлат арбоби Амир Темурни, не-не саркардалар ололмаган жойни қалам кучи билан забт этган Алишер Навоийни, шоҳларнинг шоири, шоирларнинг шоҳи Заҳриддин Муҳаммад Бобурни, юлдузлар жадвалини тузган Мирзо Улуғбекни кўз олдимизга келтирамиз. Зотан, ватан уларга ҳам она ўрнида она бўлган. Биз бу каби ажодларимиздан фахрлансак арзийди. Онгимизга она ватан, она ер, она замин каби тушунчалар сингиб кетган. Ватан ҳам она каби ягонадир. Чунки, ҳеч бир инсон онасини танлай олмаганидек, ватанини ҳам танлай олмайди. Ватаннинг катта-кичиги бўлмайди. Дунёга келиб, илк бор кўз очиб кўрганим - ватан. Онажоним айтган илласи орқали томиримга, вужудимга синган, бувижоним айтган эртақлар орқали жажжи тасаввуримда ғужғон ўйнаган шўкларимга жавобим бугун — ватан. Онажоним ёпган иссиқ кўлчаларни қўлларимда тутолмай, сувларда оқизганим —

ватан. Ватан инсон киндик қони тўкилган жойдир. Ватанга муҳаббат туйғуси она сути билан қонга қиради. Ватан ҳам, ватанга муҳаббат туйғуси ҳам илоҳий бир неъмат. Шунинг учун ҳам ватан туйғуси саждагоҳдай пок ва улуғдир. Ватанпарварлик ватанни севишдир. Инсон учун ватандан мусаффо ва тиниқ бойлик йўқ. Ватанпарварлик туйғуси гудакликдан бошлаб шакланса, унинг илдизи ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Ватанпарварлик — она ватанимиз, мустақил Ўзбекистонимизга муҳаббат туйғусини ўз онгимизга сингдириш, унга содиқ бўлишга эришишдир; — ватанимиз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига ҳурмат билан қарашдир; — буюк аждодларимиздан қолган меросни, тарихий обидаларимизни ўрганиш ва уларни асраб-авайлашдир. Киши туғилган ерига ёпишиб олган билан чин ватанпарвар бўла олмайди. Ҳақиқий ватанпарвар ўз ватани учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр туриши керак. Қасрда бўлмасин ўз она ватани шон-шуҳрати учун курашмоғи, элим деб, юртим деб ёниб, куйиб яшамоғи лозим. Ватанимиз озодлиги, эрки, мустақиллиги учун курашган фидоий аждодларимизни миллатимиз, халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Ватанни қадрламайдиган инсонни миллат ҳам, жамият ҳам қадрламайди. Кўксига уриб керилган инсон эмас, ватан равнақи йўлида онгли равишда меҳнат қилган инсон ҳақиқий ватанпарвардир. Ватанни севиш — энг олийжаноб хислат. Доно халқимиз айтганидек, “ватанни севмоқ — иймондандир”. Ватанни севиб, ардоқлаб, керак бўлса ватан учун жонини, ҳаётини фидо қилган

аждодларимиз Тўмарис, Широқ бизга ҳамиша ўрناق бўлганлар, Ватанини севиш юксак фазилатдир. Зеро, ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган ватандошимиз Муқанна айтганидек: “ватан учун жонини қурбон қилганлар мангу тирикдир”. Шундай экан, биз ҳам мустақил Ўзбекистонимизни севиб, унинг гуллаб яшнаши учун ўз ҳиссамизни қўймоғимиз лозим. Ҳаёт ватанда гўзал! Чунки бу гўзаллик, аввало, ўз она ватанингда юз очади. Ватанда юз очган гўзаллик-кўнгилга юз очган гўзалликдир. Агар шохдўкнинг ўзи бир бахт бўлиб, амал ва эъзозлар инсонга умр ато этганда эди, аждодимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур:

Толе йўқи жонимға баҳолик бўлди.

Ҳар ишники айладим хатолик бўлди.

Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,

Ё раб, нетайин не юз қаролик бўлди,

– дея охи оламни ўртаб 48 ёшида дунёдан кетмас эди.

Инсон қанчалик бой бўлишидан қатъий назар, у ўз ватанидан йироқда яшаса ҳеч қачон бахтли бўлолмайди. Дарҳақиқат, ҳаёт ватанда гўзал. Бизнинг мустақил Ўзбекистонимиз эса мутлоқ гўзал бўлиб яралган. Унинг саховатли замини, бетакрор табиати, бир-биридан гўзал шаҳар ва қишлоқлари, бой тарихий мероси, содда, меҳнаткаш одамлари – барча-барчаси инсонни ўзи туғилган шу турпоққа боғлаб туради, унинг жонкуяр фарзанди бўлишга ундайди. Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият - энгилмас куч” асарида шундай деган эди: “Биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, улуғламоқчи

бўлсак, аввало, ватан учун муносиб фарзандларни, жонкуяр ёзувчиларимизни, шоирларимизни тарбиялашимиз лозим". Юртбошимизнинг ишончини оқлаган ҳолда, уларнинг биз ёшларга яратган имкониятлари, шароитларидан тўғри фойдаланиб, жамиятимиз учун керакли шахс бўлишимиз керак. Зеро, мен шундай мустақил ватанда яшаётганимдан фахрланаман.

Ота юрт бу, она юрт, шаъни яшар жонингда,
Момо ернинг иси бор, ушатилган нонингда,
Юрт чироғи шуъласи юзингга тушиб турар,
Агар боқий бахт бўлса, у Ўзбекистонингда.

2. Юқоридаги ишро намунасида абзацлар атайлаб олиб ташланган. Уларни тиклашга ҳаракат қилинг. Бунда нималарга эътибор берганингизни изоҳланг.

2/. Энди мавзудаги бошқа бир ишро намунаси билан танишиб чиқинг.

Табиий фанлар факультети 1-курс талабаси Имомова Маҳлиё

Ватан — миллат бешиги

Мен, Имомова Маҳлиё, 1992 йил 22 июль кунин Ўзбекистон аталмиш буюк давлатининг, Бухоро дея ном олган қадим шаҳарининг азим туманларидан бирида дунёга келганман. Мен туғилган ўлка ўзининг кўркемлиги, тинч-осудалиги билан бутун дунёга машҳурдир. Мен илк бора шу ўлкада ватан, она меҳрини ҳис қилганман.

Ватан! Бу сўзни эшитишимиз билан қалбимизда ўзгача бир ҳис-ҳаяжон уйғониб кетади. Ватан остонадан бошланади.

Ватан биз туғилиб ўсган, киндик қонимиз тўкилган, ота-боболаримиз яшаб ўтган муқаддас гўшадир. Бу дунёда ҳар бир инсон бор эканки, ватан тушунчасини ўзига хос тарзда талқин қилади.

Бизнинг буюк ватанимиз Ўзбекистон 1991 йил 31-август кунини ўз мустақиллигини қўлга киритди. Бу кун тарих зарварақларидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Шу кундан бошлаб дунё харитасида Ўзбекистон деб аталган янги давлат найдо бўлди. Бу кундан бошлаб халқимиз ҳаётида кутилмаган кунлар бошланиб кетди. Неча йиллардан буён етиша олмаётган орзулар аста-секин ўз рўёбини топа бошлади. Бу кун халқимиз қалбида бир умрга муҳрланиб қолди.

Ҳаммамизга жуда яхши маълумки, халқимиз мустақилликкача бўлган даврда ўз бошидан офир синовларни кечирди. Озодлик деб не-не буюк аجدодларимиз бевақт ҳаётдан кўз юмдилар. Уларнинг астойдил меҳнатлари билан, қолаверса, Президенти Ислам Каримовнинг кучли сиёсатлари туфайли, бугун Ўзбекистон буюк давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган. Ўзбекистон мустақил бўлгач ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда илдам қадам ташлай бошлади.

Ўзбекистонимиз мустақилликнинг илк кунларидаёқ, ўз рамзларига, миллий армиясига, пул бирлигига эришди. Аста-секин биз ёшлар учун кенг имкониятлар эшиги очила бошлади. Мамлакатимизнинг турли бурчақларида ўрта мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, олий ўқув юртлиари барпо этила бошланди. Уларда

ёшларнинг яхши таълим олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Қолаверса, ёшлар чет элларда малака ошириш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Албатта, буларнинг ҳаммаси, энг буюк неъмат бўлган мустақиллик туфайлидир.

Ҳар бир халқнинг инсоният тарихида ўзига хос, ноёб ва бетакрор ўрни бор. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам ўрни беқиёс. Лекин, халқнинг буюклиги фақат ноёблик, бетакрорлик каби хусусиятлар билан белгиланмайди. Давлат ёки миллатнинг буюклиги унинг инсоният илм-фани, адабиёти, санъати ривожига қўшган ҳиссаси, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий салоҳияти ва имкониятлари билан белгиланади. Халқимизнинг келажак таянадиган ўтмиши, кўп минг йиллик тарихи бор. Келажак авлод фахрланадиган буюк аجدодларимиз бор. Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби аجدодларимиз асос солган буюк давлатчилик анъаналари мавжуд. Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Фаробий, Беруний, ибн Сино, Алишер Навоий, Имом Бухорий, Нажмиддин Кубро каби алломаларимизнинг улкан мероси бор. Бу меросиз дунё илм-фани, маърифати, инсоннинг маънавий руҳий изланишларини, умуман олганда жаҳон маданияти ривожини тасаввур қилиш қийин.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўз эрки ва озодлигига эришди. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат деган шиор мана шу озодликка ва буюк келажакка интилишимиз теран тарихий илдизларга эгаллигига ишора ва уни англаб етиш, кўз қорачиғидек асраб-авайлашдан далоят беради.

Баҳрайн сувларига чайдим юзимни,

Насимлар эдилар илиқ арабий.
Бир осмон тўлдириб келди кўксимни,
Ватан қолар экан, ватан абадий.
Не зотлар ўтдилар ватандан айро,
Соғинчи савдою, севинчи сахро.
Бир осмон тўлдириб келди кўксини,
Ватан қолар экан, ватан абадий.
Бобо қирлардаги бир хас ё тикан,
Шу ҳам кимларгадир зўр армон экан,
Кўн экан, зар топиб, зор бўлиб юрган,
Ватан қолар экан, ватан абадий.

Юқорида айтиб ўтганимиздек Ватанни ҳар ким ўзгача таъқин қилади. Қадимда ота-боболаримиз ўз ватанларини кўз қорачиғларидек асраб, ҳатто ватан учун ўзларининг жонларини ҳам фидо қилганлар. Ватанни муқаддас билиб, унинг озодлиги йўлида кеча-кундуз ҳаракат қилганлар. Биз мустақиллик йилларида уларнинг кўрсатган жасоратлари, қилган эзгу ишларини юқори баҳолаб, керак бўлса улардан ҳам кўпроқ ватанимиз учун қайғуришимиз зарур.

Ватан — она каби муқаддас. Шу сўз замирида жуда катта маъно ётибди. Биз ўз онамизни қанчалик муқаддас ва азиз билсак ватанимизни ҳам шунчалик қадрлашимиз зарур. Инсон ҳеч қачон ўз ватанидан йироқда яшай олмайди. Яшаганда ҳам бир умр она Ватан соғинчи уни ҳеч қачон тирк этмайди. Халқимизда шундай нақл бор. “Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл”. Ўз ватанига хиёнат қилган хиёнаткор инсонлар бир кун қаттиқ афсус чекадилар. Буюк бобокалонимиз З.М.Бобур маълум сабабларга кўра

Ўзга юртларда яшашга мажбур бўладилар. Улар ўз ватанларидан йироқда яшасалар-да бир кун ҳам ўз ватанларини унутмайдилар. Доимо Ватан соғинчи билан яшайдилар. Улар Ватандан айро жуда оғир кунларни бошларидан кечирганлар. Улар қалбларидан ўз Ватанлари ёдини бир кун ҳам чиқармаганлар ва бир умр Ватанга қайтиш умиди уларни тарк этмаган. Бундай ёмон кунлар ҳеч бир инсоннинг бошига тушмасин дея ниятлар қиламиз.

Ўзбекистон – муқаддас ватан. Биз мана шундай буюк ва бетақрор Ватан бағрида камол топаётганимиздан доимо фахрланамиз лозим. Биз ҳам келажакда шундай инсон бўлишимиз керакки, биздай ёшлар туфайли мамлакатимиз бунданда юксак чўққиларни забт этсин. Шу жиҳатдан фойдаланиб мен ҳам келажакда аъло ўқиб, Ватаним учун нафи тегадиган инсон бўлишга ҳаракат қиламан. Олий ўқув юртини тугатиб, ўзимнинг туманимдаги мактабларда ёш авлодга қўлимдан келгунча таълим-тарбия бериб, Ватанимга керакли кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Мен шу ниятимга эришиб, халқим, Ватаним учун содиқ фарзанд бўламан. Кимё соҳасида янгиликлар яратиб, Ватаним номини бунданда юксак чўққиларга олиб чиқаман. Ўйлайманки, шу ниятларим ўз рўёбини топади.

Ватан менинг қалбимда доимо муҳрланиб қолади.

Ватанлар шодаси ичра дурдона,

Ўзингсан дунёда танҳо ягона,

Қошингда бир умр бўлиб парвона,

Ватаним, корингга ярасам, дейман.

Қисмат ташламасин сендан йироққа,

Юрак дош беролмас бундай фироққа,
Гўдакдек талпиниб она кучоққа,
Йўфингу борингга ярасам, дейман.

1. Эпиграф танланг. Иншонинг режасини тузинг.
2. Иншонинг хулоса қисимни ўз тасаввурларингиз асосида янгидан ёзинг.
3. Юқоридаги икки иншони ўзаро қиёсланг. Уларга ихчам тақриз ёзинг.

III.

1. “Фарҳод образига тавсиф” мавзуси учун тузилган иншо режалари билан танишинг. Уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ўз фикрингизни билдиринг:

Фарҳод образига тавсиф

Кириш.

Асосий қисм:

1. Фарҳод – кучли ақл-идрок эгаси.
2. Фарҳод – сурати ва сийрати уйғун бўлган шахс тимсоли.
3. Фарҳоднинг мақсад йўлидаги сабот ва матонати.

Хулоса.

2, 5, 6, 7, 8, 9-синфларнинг Адабиёт дарсликлари асосида ўқувчиларнинг уйда ёзиб келишлари учун иншо мавзуларини тавсия қилинг.

3. Акадмик лицейларнинг иккинчи босқичида Алишер Навоий ва Заҳририддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди қим влоҳида ўрганилади. Мазкур ўқув материаллари билан

танишиб чиқинг. Сўнг уларга боғлиқ бўлган иншо мавзулари рўйхатини тузинг. Рўйхатни гуруҳ билан муҳокама қилинг.

IV. Иншога материал тўплаш:

Алишер Навоийнинг “ Лайли ва Мажнун” достонидаги Мажнун образига тавсиф мамзусидаги иншо учун материаллар тўплаш тажрибасидан.

Бунинг учун Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони (“Мукаммал асарлар тўплами (Йигирма томлик) асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти Хамса. Лайли ва Мажнун, Тошкент — 1992) тўлиқ ўқиб чиқилади. Ўқиш жараёнида қуйидагиларга эътибор берилди:

Воқеаларнинг асосий моҳитини кўрсатиб берадиган мисри ва байтлар.

Бевосита Мажнун руҳиятини кўрсатиб беришга қратилган муаллиф нутқи.

Мажнуннинг портрети акс этган мисралар

Мажнуннинг ота-онаси ҳақидаги қайдлар.

Мажнуннинг бошқалар билан муносабатини кўрсатиб берувчи байтлар.

Мажнун ҳақида бошқалар айтган мулоҳазалар.

Мажнуннинг Лайлига муносабатини кўрсатиб берувчи мисралар.

Лайлининг Мажнунга бўлган муносабатини кўрсатиб берувчи байтлар.

Шоирнинг бадий маҳоратини кўрсатиб беришга хизмат қиладиган байтлар.

Лайли ва Мажнуннинг мактубларидан намуналар.

Айрим намуналар:

<p>Мажнуннинг отаси ҳақида</p>	<p>Ким, барри Арабда комрони, Бор эрди Арабқа ҳукмрони. Маҳкуми анинг неча қабила, Иқболига истабон васила. Бечора улусқа чорасоз ул, Хон густару, меҳмоннавоз ул. Осмоқдин анинг қозони тушмай, Тун-кун ўти ўчғали ёвушмай, Дониш анга касбу жуд пеша, Дониш била жуд этиб ҳамеша. Оту теваси ҳисоб ила жуп, Кўю қўзиси ҳисобдин кўп. Айлаб ани умри суръагойин, Бир ёш йўқидин асру ғамгин. Моли кўпу, умри сует пайванд, Фарзандга эрди орзуманд. . . Чун тенгрига қилди кўп тазарруъ Топти неким айлади таваққуъ. Чун коми анинг бор эрди фарзанд, Берди халафе анга худованд.</p>
<p>Мажнунга ном қўйилиши ва бунинг сабаби:</p>	<p>Қайс айлади ўғли отини бот Ким, ўз атосига бу эди от.</p>

<p>Мажнушининг парвариш этилиши:</p>	<p>Ҳифз айлади они печа доя, Ҳар навъ ишидин топарга воя. Чирмаб япа кишу ос бирла, Гунча киби юз либос бирла. Ётқуздилар они маҳд ичинда, Гул ёфроғи тушти шаҳд ичинда</p>
<p>Унинг гўдаклик даври учун хос хусусиятлар:</p>	<p>Маҳд ичраки тортибон фигонлар, Афғонида дарддин нишонлар. Рухсорида ламъаи малоҳат, Гуфторида нанъаи фасоҳат. .. Не қилса баён хирадга маъкул, Бошдин аёғи назарда мақбул. . . Севмакда ато-ано мувофиқ, Маъшуқ бир эрди икки ошиқ.</p>
<p>Мажнушининг мактабга берилиши:</p>	<p>Етгач еши турту беш ароси, Таълим сўзин солиб атоси. Истатти қабойил ичра пири, Таълим берурга беназири</p>

<p>Мажнуннинг муносабати:</p>	<p>Ўқишга Таълимига белни чуқ қилди, Не ул деди, бу дуруст қилди. Ҳар неча сабақ дебон фузунроқ, Гўёки билиб эди бурунроқ. . Куп бор эдиким беш-ўн сабақни, Англаб эзурур эди варақни. Оз вақтда айлади замона, Они бори илм аро ягона. .</p>
<p>Ширинининг тавсифи:</p>	<p>Ҳусн ичра аёғидин боши хўб, Бошдин аёғига тегру маҳбуб.</p>
<p>Лайлининг Мажнунни бир гуллар тўни ичида кўриб берган саволи:</p>	<p>«К-сй турфа йигит, не ҳолатинг бор, Не навъ ғаму малолатинг бор? Ким, шодлигинг йўқ ўзгалардек, Ободлигинг йўқ ўзгалардек.</p>

<p>Мажлуниинг жавобидан:</p>	<p>«Кей жонима ҳайрат ўти солғон, Кўнглумни бурун назарда олғон. Аввалки жамолидин сочиб барқ, Ут ичра вужудум айлаган ғарқ. Зулф очмоқ ила олиб қарорим, Қилғон қаро рўзу рўзгорим. Аввалки фасона зоҳир этгон, Кўнглумнинг ишини охир этгон. Қилғонни ёшурмоғинг не эрди? Мендин яна сўрмоғинг не эрди? . .</p>
<p>Мажлушнинг ҳолати:</p>	<p>Чун бўйла неча хуруш қилди, Заъф эттию тарки хуш қилди. Булбул била саз этиб навони, Булбулдин онар эди фиғони</p>

<p>Дугоналарнинг ҳамдardлиги:</p>	<p>Деди: «Ема ғамки бок эмастур, Ким ишқ ўтидин ҳалок эмастур. Сен кўнғилу бизга топшур они, Азм айла қабилаға равони. То бўлмасун эл бу ишдин огоҳ, Биз фикр этали нечукки дилхоҳ».</p>
<p>Мажнуннинг ҳолатини эшитган ота-онанинг руҳий ҳолати:</p>	<p>Чун бўлди аён бу можароси, Беҳол ўлубон ато-аноси. Кўргач ани айлабон назора, Кўнглак лема, кўкси пора-пора</p>
<p>Мажнуннинг ишқи ҳақидаги қайдлар:</p>	<p>Ғам хайли кўнгул ҳисорин олди, Ишқ илгидин ихтиёрин олди. Лайли ғами ўйла қилди бедод Ким, ато-анони қилмади ёд. Ошиқлари холини унутти, Маъшук уйининг йўлини тугти. Ғам жисмиға печу тоб тушти, Ғам кўнглига изтироб тушти.</p>

<p>Мажнунинг Лайлиларнинг итига мурожаатидан:</p>	<p>Мен гар тоймай бу комронлиқ, Сен айлабон анда посбонлиқ. Бу ким сену мен биз икки хамдам, Мен хору валек сен мукаррам. Сен ёр эшигнда шоду масрур, Маҳрум мен ғарибу маҳжур. . . Сен кўйида тош уза кўюб бош, Бошимға фироқи ёғдуруб тош.</p>
<p>Лайли ҳақида:</p>	<p>Лайлики эди араб балоси, Ҳам бор эди Қайс мубталоси.</p>
<p>Ўз қабиладошларининг фикрлари:</p>	<p>Бу дедн: «Керак қулоғига панд», Ул деди: «Керак аёғига банд».</p>

Мажнуннинг ҳолати:

Ожиз бўлбон ато-аноси,
Балким бори хайлу
ақрабоси. . .

Савдо қилиб они мухталиф
ҳол,

Тинмай юғуруб сўнгича
атфол.

«Мажнун» била айлабон
хитобин,

Ким ҳарне деса бериб
жавобин.

Эл деб чу етишса ул жигар
хун:

«Келди Мажнуну, келди
Мажнун»

Ўз отию қавму хайли оти,
Йўқ ёдида ғайри Лайли оти.

Ҳам ўғлунга, ҳам санга
билурмен

Ким, ҳарне қилай десам
қилурмен.

Бўлса яна бўйла амр зоҳир,
Аввал ани айлағумдур охир.

Сўнгра санга доғи қаҳр
сурғум,

Хайлингни бу даштдин
итурғум!»

Лайли отаси :

<p>Мажнуннинг руҳий ҳолати</p>	<p>. . . Гаҳ ўзида, гаҳ йўқ ўзида, Гаҳ сув, гаҳ қон анинг кўзида.</p>
<p>Мажнуннинг тавофилаги илтижосидан:</p>	<p>Каъба Дерменки манга бу ўтти ҳардам, Афзун қилу, қилма зарраи кам! Чек айнима ишқ тўтиёсин, Ур қалбима ишқ кимиёсин! Кўнглумга фазо ҳарими ишқ эт, Жонимга гизо насми ишқ эт! . . . Кўнглум ғам ила тўқ айла, ё раб! Ишқ ичра мени йўқ айла, ё раб! . . . То бўлса ҳаётдин нишоним, Савдосини қил тан ичра жоним!</p>
<p>Мажнуннинг ҳолати:</p>	<p>даштлаги Гирдида кийик, тўла ябони, Ул ўртада ўйлаким шубони. Гоҳи ўпубон мунунг жабинин, Гоҳи силабон анинг</p>

Муболага	Кўксум ичида чибин солиб шўр, Кўзум уйида ватан қилиб мўр.
Ружу:	Ҳарён бўри посбон итидек, Йўқ, йўқ, не дедим, шубон итидек.

Савол ва топшириқлар.

1. “Мажнун образига тавсиф” мавзуси учун режа тузинг. Уни мураккаб режага айлантиринг.
2. Иншо учун бир неча эпитаф таъланг. Эпитафларни асар матнидан олишга ҳаракат қилинг.
3. Иншо учун қўшимча материалларни тўплаг.
4. Иншо матнини ёзинг.

V. Эсада тутинг:

Методист олим О.Мадаев шундай ёзади: “Ёзувчи ижодидаги маълум жанрда яратилган асарларнинг умумий таҳлилига оид иншолар бироз мураккаблиги билан бошқа мавзулардан ажралиб туради. “Ҳамза – драматург”, “Абдулла Қодирий – тарихий романилар устаси”, “Ҳамид Олимжон – лирик шоир”, “Абдулла Қаҳҳор” – ҳикоянавис” каби мавзулар шулар жумласидандир. Бундай мавзуларда ёзиладиган иншолар кўпроқ обзор маълумотлар берилишини тақозо этади. Уларда адибнинг ҳаёти давомида яратган маълум бир жанрга оид бир неча асари ҳақида фикр юритилади. Фикр ҳалдан ташқари тарқоқ бўлмаслиги,

иншонинг изчиллигига зарар етказмаслиги учун у асарларни мавзу юзасидан тасниф қилиб олишни тавсия этамиз”¹.

“Иншонинг мустақил бажарилишида ёш муаллифнинг ўзига хос овози, билим ва маҳорати, услуби ва қанчалик луғат бойлигига эгаллиги, ишнинг оригиналлига кўриниб туриши керак”².

VI.

Йирик методист олим А.Зунунов “Гулханийнинг “Тошбақа билан Чаён” масали – кишиларни хушёрликка чақирувчи асар” мавзуси юзасидан ишро режасини қуйидаги шаклда тавсия этган:

I. Кириш. Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари ҳақида маълумот.

II. Асосий қисм:

- а) Тошбақа – яхши дўст образи;
- б) Тошбақанинг Чаёнга қилган яхшилиги;
- в) Тошбақа – дунманга шафқатсиз;
- г) Чаён – виждонсиз, хонин;
- д) Чаённинг ҳалок бўлиши. Хонинга шафқат йўқ.

III. Якуни: “Тошбақа билан Чаён” масалининг аҳамияти”³.

Савол ва топшириқлар:

1. Мана шу режага таянган ҳолда ўзингиз мустақил равишда режа тузинг.

1 Мадаев О. Ишро қандай этилади? - Тошкент, Ўқитувчи, 1991, 37-бет

2 Турдиев Б. Ёзма нутқни ўстириш юзасидан практикум, - Тошкент, Ўқитувчи, 1980, 100-бет.

3 Зунунов А. Мактабда Гулханий ва Муқимий ижодини ўрганиш. Тошкент, Ўқитувчи, 1965, 29-бет.

2. Режанинг бошқа бир варианты ҳақида ўйлаб кўринг: режангизда асар матнидан олинган мисралар режа бандларини ташкил этсин.

3. Энди мана шу бандлар сирасига асарнинг бадиий хусусиятлари ҳамда шоирнинг поэтик маҳоратини ёритшни кўзда тутадиган бандларни киритинг.

4. Қуйидаги мавзулардан иккитасини тандаб олинг. Уларга аввал содда, кейин мураккаб режа тузинг.

1. “Қуталғу билиг – туркий тилдаги илк йирик ёзма ёдгорлик”.

2. Атоий – лирик шоир.

3. Алишер Навоий ижоди – ўзбек адабиётининг гултожи.

4. “Ҳамса”да инсон мадҳи.

5. “Навбахор” (Муқимий) шеърининг ғоявий-бадиий хусусиятлари.

6. Махмурнинг “Ҳапалак” шеърисида ижтимоий иллатларнинг фош этилиши.

7. “Саёҳатнома” – ўзбек адабиётидаги янги жанр сифатида.

8. “Навоий” (Ойбек) романида тарихий шахслар образи.

9. Мен севган шоир.

10. Мен севган китоб.

11. Китоб – билим манбаи.

12. Сен баҳорни соғинмадингми?

13. Кумуш образига тавсиф.

14. Зеби, Зеби, Зебона.

VII.

С.Долимов, Ҳ.Убайдуллаев, Қ.Аҳмедовлар Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” драмасидаги Холмат образига нутқий тавсиф бериш схемасини тавсия этишган:

Саж	Мақоллар	Образли иборалар	Кипоя, пичинг	нутқи учун характерли булган сузлар
Э... у кампирнинг пешонаси буришган, худо билан уришган, оғзида битта тиши йуқ,бу уйдаги кирдн- чиқдилар билан иши йуқ...	Камбагал- нинг оғзи ошга етганда бурни қонайдими? Бой бойга боқар, сув сойга оқар.	Чумчуқ пир этса, юраги шир этади. Елгонни роса ҳам ямламай ютасиз экан. Сенга ҳақиқатни уқтириш тошга азон айтиш билан бараварга ухшайди- ку?!	Ана-ана холос, счайтра, тути кушим, саира! Салласи будмаса эшакнинг уни- ку буларинг! Соқолингиз- нинг ярми омон қопти, шунга шукр қилинг. Яхши ҳам келганим, йукса энефат деб нақ жано янгиининг устидан чиқар жанман!	Тасаддуғнинг кетай, холматжон тура, хумор. таралани ванг қуниб, ғаламислар, қитиқ паримга тегма, не, анавининг қаранг, онангининг усма- сурмасигача қолдирмай сукиб ташглайман

Энди ана шу тажрибадан фойдаланиб ўзингиз мустақил равишда Навоий дostonларидаги Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Чўлпонинг “Кеча ва кундуз” романидаги Акбарали, Мирёқуб, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Отабек, Кумуш, П.Қодировнинг “Юлдузли тунар” романидаги Бобур нутқларидан бири учун схема бандларини тузинг. Уни тегишли материаллар билан тўлдириг.

**Эркин мавзуларда ўтказиладиган
Иншоларо танлови учун мазулар рўйхати**

1. Ардоқли китоблар олами.
2. Мен севган мисралар
3. Адабий қаҳрамонлар – абадий қаҳрамонлар.
4. “Камол эт касбким...”
5. “Кўлингдан келгунча чиқар яхши от”
6. Замонавий одам: ижобий ва салбий хусусиятлар қамрови
7. Интернетнинг бепойи олами
8. Телевизор қаршисидаги ўйлар
9. Санъат менинг ҳаётимда
10. Ўзбекистон – ватаним маним
11. Мумтоз адабиёт – тарбия мактаби
12. Адиблар инсондаги қайси фазилатни мақтаб, қай бирини қоралашади?
13. Адабиётимиздаги жодиб образлар
14. Бугунги адабиётимиз ҳақида ўйларим
15. Яхши фильм – китобхонликнинг дебочаси
16. Тил билган...
17. Олим бўлсанг – олам сеники
18. Моддий ҳаёт афзалми ё... .
19. Касбий маҳорат ўз-ўзича келмайди
20. Спортчиларимиз – юртимиз ифтихорлари
21. тарих бизга нималардан сабоқ беради?
22. Бахтиёр инсон қиёфаси.
23. Кечиримлилик – кучлиларнинг фазилати.
24. Адабий асар қаҳрамонининг энг гўзал дақиқалари
25. Ёшлар ва бизнес олами

Адабиётлар:

1. Зунунов А. ва бошралар. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент, 1992.
 2. Йўлдошев Қ .ва бошқалар. Адабиёт ўқитиш методикаси (дастурий қўлланма).Тошкент, 1994.
 3. Долимов У., Аъламова М., Аъзамов С. Иншо ва диктантни қандай ёзиш керак. Тошкент, 1991.
 4. Ёқуббекова М.М. Адабиёт таълимида иншо. Тошкент, 2000.
 5. Мадаев О. Иншо қандай ёзилади? Тошкент, 1991.
 6. Назаров К.Ўзбек тили ва адабиётидан баҳо меъёри. Тошкент. Ўқитувчи, 1990.
 7. Сатторова Н. Ўқувчиларда иншо ёзиш малакасини такомиллаштириш. Номз.дисс. автореферати. Тошкент, 1995.
- Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент “Янги аср авлоди ”, 2006.

ГЛОССАРИЙ

Асарнинг жанрий хусусиятларини ҳисобга олиш - методикадаги асосий тамойиллардан бири бўлиб, бу бадиий асарнинг мавжулик шартларидан бирини, ҳамда уни тушуниш, ис этишнинг бошланғич таянч нуқтасини ташкил этади.

Бадиий асар таҳлили – асарни ўрганишнинг ўзига хос усули. Таҳлилнинг шакл ва усуллари ранг-баранг. Таҳлилининг таркибий қисмлари сифатида ўқиш, изоҳ ва шарҳлар, яхлит асарни қисмларга ажратиш, қаҳрамонларни тавсифлаш, асар образларини кузатиш, тасвирий ифода воситаларини аниқлаш, асарни бадиий идрок этиш, ҳис қилишни кўрсатиш мумкин.

Бадиий асар композициясини ўрганиш - Адабий асарнинг бадиий эстетик моҳиятини ундаги турли-туман қаҳрамонлар, бир-бирига ўхшамайдиган саҳналар, алоҳида жой, манзара, вазият тасвирлари, монолог, диалоглар, ўй, хаёл, туш ва бошқа турли компонентларнинг мураккаб тартибини ўрганиш, шарҳлаш орқали ўзлаштириш демакдир.

Видеоусул – ахборотни кўпроқ кўргазмали ўзлаштиришга асосланган бўлиб, унда киноскоп, кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телевидениеси, видеомагнитофон, ахборотни дисплейда акс эттирувчи компьютерлардан фойдаланилади.

Иллюстрация – ҳодиса, нарса, жараёнларни тасвирий шаклда схема, репродукция, ясси моделлар ёрдамида

кўрсатиш ва қабул қилишни кўзлайди. Иллюстрация усулининг воситаси бўлиб суратлар, жадваллар, рангли хариталар, альбомлар хизмат қилади

Маъруза- катта ҳажмдаги ўқув материални нисбатан узоқ вақт давомида монологик баён этиш. Бу усулнинг асосий вазифаси – таълим бериш, ўргатиш.

Метод – юнонча “**Metodos**” сўзидан олинган бўлиб изланиш ёки билиш йўли, усули маъносини англатади

Муаммоли таълим- ўқувчиларнинг олдин олган билимларини фаоллаштириш; янги билимлар ва ҳаракат усулларини эгаллаш; улардаги кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг самарали усулларидан бири. Муаммоли дарс кўрсаткичларининг энг асосийси унда изланувчилик элементининг мавжудлигидир.

Намойиш – ўқувчиларнинг табиий ҳолатда ҳодисалар, жараёнлар, объектлар билан кўрғазмали ҳиссий таништириш.

Тушунтириш – баён қилинаётган материалнинг турли ҳолатларини таҳлил қилиш, изоҳ бериш, исботлаш ёрдамида ўқув материални баён қилиш.

давлат таълим стандарти - ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражасини белгилаб берувчи расмий ҳужжат.

Ўқитиш усули – ўқитишда белгиланган мақсадга эришни учун таълим олувчи ва таълим берувчининг ўзаро боғлиқ фаолиятини ташкил этишнинг тартибга солинган тартиб ва йўли. Усуллар натижага эришнишни таъминлайди.

**Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси фанидан тест
саволлари**

1-вариант

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қоиуни бўлим ва моддалари тўғри белгиланган бандни топинг

- А) V бўлим 33 модда
- Б) IV бўлим 30 модда
- С) V бўлим 34 модда
- Д) А ва Б жавоблар тўғри
- Е) VI бўлим ва 34 модда

2. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғот ит-турк» асари академик лицейларнинг қайси босқичида ўрганилади?

- А) I, II, III босқичларда.
- Б) III босқичда
- С) II босқичда
- Д) I босқичда.
- Е) Бу асар академик лицейларда ўрганилмайди.

3. Адабий таълим мазмуни ва қурилишини нима белгилайди?

- А) Давлат дастури
- Б) Адабиёт дарелиги
- С) Адабий қўлланмалар
- Д) Чорак ва йиллик режалар
- Е) Адабиёт дарелиги, қўлланмалар

4. Қуйи синфларда ҳам, юқори синфларда ҳам самарали тарзда қўлланиши мумкин бўлган усулни белгиланг.

- А) Маъруза

- Б) Ўқувчилар маърузаси
- С) Конференция
- Д) Мунозара
- Е) Суҳбат

5. Адабиёт ва адабиёт ўқиш машғулотларига алоқадор бўлган тўғарақлар 3 турга бўлинади булар қайсилар?

- А) Конференция, Амалий машғулот, саҳна дарси
- Б) Семинар, метод бирлашма, драма
- С) Адабий ижодий драма, ифодали ўқиш ва бадиий ҳикоя қилиш.
- Д) Драма, Амалий машғулот, саҳна дарси.
- Е) Ҳамма жавоблар тўғри.

6. Адабиёт машғулотлари режаси қандай шаклларда бўлади?

- А) Ижодий изланиш, тадқиқот
- Б) Йиллик, календар, чорак бўйича, тематик, айрим дарс режаси
- С) Баён, адабий иншо, тест
- Д) тадқиқот, изланиш, йиллик
- Е) Иншо, тест, диктант

7. Ёзувчининг таржимаи ҳолини ўрганишда унинг...

- А) Бошқа ёзувчилар билан адабий алоқада бўлганлигига, улар ижодига бўлган муносабатига алоҳида эътибор берилди.
- Б) Ёзувчининг характериға, дўстлари сонига, фарзандларига муносабатига эътибор берилди.
- С) Фарзандларига муносабатига.
- Д) Ёзувчининг характериға

